

# КОРА КУНЛАР

*Интернетдаги манбалар асосида  
Абу Муслим тайёрлади*

2018 йил

---

*Kora kunlar*

1922 йилнинг майида патриарх Тихон Муқаддас Синоднинг ҳамма аъзолари билан бирга қамоққа олинди, 32 митрополит ва архиепископ отиб ташланди. Аммо расман "отилди" деган билан, аслида ваҳшийларча қийнаб ўлдирилди. Киев митрополити Владимир танаси моматалоқ қилиниб, бичилган, кейин отилган ва қип-ялангоч ҳолда чоҳга улоқтирилган. Патриарх қазо қилган тақдирда унинг ўрнини эгаллаши керак бўлган Петроград митрополити Вениамин қаҳратон совуқда устидан сув қуийб яхлатилган, кейин чўктириб юборилган. Бир вақтлар ўз ихтиёри билан подишо саройидан сургунга кетган Тобольск епископи Гермоген тириклай кема чамбарагига боғлаб қўйилган. Чамбарак айланиб унинг танасини бурда-бурда қилиб ташлаган. Ўтмишда Японияда насроний динини тарғиб қилиб шуҳрат қозонган Пермь архиепископи Андроник тириклийн ерга кўмилган. Чернигов архиепископи Василий чормих этилиб ёқиб юборилган..." —

*Игорь Бунич, "Партиянинг олтинлари" китобидан....*

*...Бу яқин ўтмишда насроний дини намояндаларига бўлган муносабатдир. Ҳолбуки, ислом аҳлларига ўша давр зулми бунданда шафқатсиз ва беомон эди...*

Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф ҳазратлари сұхбатларнинг бирида: "Террор араб ихтироси ёки исломий бидъат әмас, балки сиёсий зиддиятлар натижасида юзага келган нафратнинг бир күринишидир. Аслида, террор икки аср олдин Францияда юзага келган. Франция инқилоби даврида Робеспьер, Сен Жюст, Кутон каби кимсалар кенг кўламда сиёсий зўравонликларни амалга оширган. Ўша пайтда Франция аҳолиси 27 миллион эди. Мана шу гурух 40 минг нафар кишининг бошини танасидан жудо қилиб, 300 минг кишини ҳибсда ушлаб турди... 1917 йилги инқилобдан сўнг бошланган "Қизил террор" даврида ҳам минг-минглаб одам ўлдирилди. Абу Муслим, шулар ҳақида бир мақола ё рисола ёзмайсизми" деган эдилар.

Ҳазратнинг тавсияси сабаб материаллар йиғишига киришдим. Кейинги пайтларда авж олаётган терроризм ва унинг аянчли оқибатларини таҳлил қилинган қатор мақолалар тайёрлаб

сайтларимизда эълон қилдим. (Бу мақолалар ҳозир ҳам сайтларда турибди. Уларнинг ҳаммасини йифиб, китоб шаклида нашр қилиш ниятим бор, насиб...

Бу йил 1917 йилда Россияда бўлиб ўтган "Қизил инқилоб" деб аталмиш давлат тўнтаришига 100 йил бўлади. Шуни ва устозимиз берган вазифани ҳисобга олиб, қўлингиз тўплам тайёрланди. Китоб, асосан, иқтибос ва маълумотномалардан иборат. Бунинг боисики, тарихни бадиий бўёқларсиз, қандай бўлса, шундайича кўрсатмоқдир. Зеро, Тарихнинг талаби шу: ўтмишга пардоз ярашмайди.

## ҚИЗИЛ ТЕРРОР

Қизил террор – Россияда фуқаролар уруши даврида (1917 - 1923) большевиклар томонидан аксилиңқилобий фаолиятда айбланғанларга нисбатан қўлланилган жазолаш чоралари мажмуасидир. Бунда уларга қарши кучларни, шунингдек, фуқаролар урушида иштирок этмаган аҳолини қўрқитиш, даҳшатга солиш тадбири ўлароқ, амалга оширилган.<sup>1 2</sup> 1918 йил 5 сентябрдаги “Қизил террор” ҳақидаги декрет расман эълон қилинди. Большевиклар бунга қадар ҳам террор ва зўрлашни “синфий душманлар”га қарши кенг қўллаб келишган.

Террор ташаббусчиси ва раҳбари Ф.Э. Дзержинский қизил террорга: “Инқилоб душманларини уларнинг синфий мансублиги тамойилига қўра қўрқитиш, қамоқقا олиш ва йўқ қилиш”, – дея таъриф берган.<sup>3</sup>

Ҳозирги кунда “қизил террор” атамасига икки хил қараш мавжуд:

1. Айрим тарихчиларнинг фикрига қўра, “қизил террор” тушунчаси совет ҳукуматининг 1917 йилги судсиз жазолашидан тортиб, бутун қатоғон сиёсатини ўз ичига олади. Уларнинг таъбирича, “қизил террор” Октябрь инқилобининг мантиқий давоми бўлиб, “оқ террор”дан илгари бошланган ва унинг олдини олиш имконсиз бўлган, чунки большевиклар зўравонлиги амалдаги қаршиликка қаратилмаган, балки жамиятнинг қонундан ташқари деб эълон қилинган қатламлари: зодагонлар, катта ер эгалари, офицерлар, руҳонийлар, муштумзўрлар, казаклар, олимлар, саноатчилар ва бошқаларга нисбатан қўлланилган.<sup>4 5</sup>

---

<sup>1</sup> С. Куртуа, Н. Верт, Ж.-Л. Панне, А. Пачковски, К. Бартошек, Ж.-Л. Марголен, при участии Р. Коффер, П. Ригуло, П. Фонтен, И. Сантамария, С. Булук Чёрная книга коммунизма: преступления, террор, репрессии. Справочное издание. — Ч.1. Государство против своего народа.

<sup>2</sup> Волков С. В. Красный террор глазами очевидцев. — Москва: Айрис Пресс, 2009. — С. 6. — ISBN 978-5-8112-3530-8.

<sup>3</sup> Интервью Ф.Э. Дзержинского сотруднику «Укрроста». [www.alexanderyakovlev.org](http://www.alexanderyakovlev.org). Проверено 30 сентября 2015.

<sup>4</sup> Красный террор в годы Гражданской войны: По материалам Особой следственной комиссии по расследованию злодеяний большевиков. Под ред. докторов

2. Бошқа бир гурух тарихчилар қизил террорга охирги ва мажбурий чора дея қарашиди; қизил террор оқ ва халқаро террорга қарши ҳимоя ва жавоб чораси ва у РСФСР (Россия совет федератив социалистик республикаси) СНК (Халқ комиссарлари кенгаши) томонидан 1918 йил 5 сентябрда “Қизил террор тұғрисида”ги қарор қабул қилиниши билан бошланган деб ҳисоблашади.<sup>6 7 8</sup>

### **Қизил террор “әхтиёжи”**

К. Маркснинг ёзишича, “Янги жамиятнинг қонли азобларини камайтиришнинг фақат битта манбаси бор – инқилобий терроризм”. РСФСР Халқ кимиссарлари кенгаши раиси В.И. Ленин ахлоқлиликни ёлғон деб эълон қилди. “Инқилоб учун нима фойдалы бўлса, ўша ахлоқдир”, – дея таъкидлаб, террор ўтказиш услубини таклиф этди<sup>9</sup>.

Ленин ва коммунистик партия раҳбарияти аксилинқилобчилар ҳаракатига нисбатан жавоб беришда юмшоқликка қарши чиқишиди ва “омманинг энг тұғри инқилоб ташаббуси”<sup>10</sup> деб номланган оммавий террорни рағбатлантиришди. Бу ҳақда В.И. Ленин ўзининг 1918 йил 26 июнданги Г. Зиновьевга аталган хатида ёзади<sup>11</sup>:

“Биз бугунгина МКда (Московский комсомолец – Москва комсамоли) Володарскийнинг ўлдирилишига Питердаги ишчилар оммавий террор орқали жавоб бермоқчи эканликларини ва сиз... бунга түсқинлик қылганингизни эшитдик. Қатъян эътиroz билдираман! Биз ўзимизнинг обрўйимизни тўкмоқдамиз. Ҳатто

исторических наук Ю. Г. Фельштинского и Г. И. Чернявского / London, 1992. Предисловие.

<sup>5</sup> Баберовски Йорг. Червоний террор. История сталинизму: пер. з ним.. — К. : К.И.С., 2007. — 248с. — Библиогр.: с. 241—245. — ISBN 978-966-7048-89-1.

<sup>6</sup> П. А. Голуб. Белый террор в России (1918—1920 гг.). М.: Патриот, 2006. 479 с. ISBN 5-7030-0951-0.

<sup>7</sup> Ю. С. Архипов, Я. З. Хайкин. Логика истории и практика марксизма в России // Философские исследования, № 3, 2007, С. 47-57.

<sup>8</sup> Илья Белоус. «Красный» террор возник в ответ на международный и “белый” террор.

<sup>9</sup> Книга: Красный и белый террор в России. 1918–1922 гг.. www.e-reading.club.

<sup>10</sup> Красный террор — Энциклопедия интересных статей портала «Excelion.ru»

<sup>11</sup> Платонов О. А. История русского народа в XX веке. Том 1 (гл. 39-81)

Депкенгаш қарорларида ҳам оммавий террор билан таҳдид қиласиз, ишга келганды эса түлалигича оммавий инқилоб ташаббусини түхтатамиз. Бу мумкин эмас! Террорчилар бизни латта деб ўйлайди. Ҳозир – уруш вақти. Ғайратни ва аксилинқилобчиларга қарши террорнинг оммавийлигини қўллаб-куватлаш керак...

...Ҳар бир музокара аёвсиз бўлишига қарамасдан, у, албатта, ҳаққоний одиллик туйғусига асосланган бўлиши, ушбу туйғуни уйготиши шарт. Ҳарбий трибуналлар вазифаларининг ўта мураккаблиги билан бирга унинг раҳбарлари зиммасида жуда катта масъулият ётади. Адолатсиз, шафқатсиз, сабабсиз музокараларга ўрин бўлмаслиги керак. Бу борада ҳарбий трибунал раҳбарлари томонидан алоҳида эҳтиёткорлик кўрсатилиши лозим”.<sup>12</sup>

Я. М. Свердлов 1918 йил 5 июлда бўлиб ўтган V Бутунrossия Кенгashi съездида ВЦИК (Всероссийский Центральный Исполнительный Комитет – Бутунrossия марказий бошқарув комитети) фаолияти ҳақида ҳисбот билан чиқиши қиласиди. Тобора чуқурлашиб бораётган большевиклар ҳокимияти инқирози шароитида, Свердлов ўз маъruzасида “аксилинқилоб” ва “совет ҳукумати душманлари”га қарши “оммавий террор” ўтказишга чақиради ва Россиядаги барча ишчилар аксилинқилобчи генераллар ва бошқа душманларни отиб ташлашни маъқуллашини” ишонч билдиради. Съезд ушбу доктринани расман маъқуллайди.<sup>13</sup>

В.И. Ленин 1919 йил сентябрдаги ўзининг “Буржуазия қандай қилиб хоинлардан фойдаланади?” мақоласида К. Каутскийнинг “Терроризм ва коммунизм” китобини танқид қилиб, террор, хусусан, инқилобий зўравонликка нисбатан ўз нуқтаи назарига тушунтини билдиради. Инқилобга қадар большевиклар ўлим жазоси қўллашга қарши бўлганликларини, ҳокимиятни қўлга киритгач, оммавий жазолашни қўллай бошлиганлари ҳақидаги айловга жавобан Ленин шундай дейди: Биринчидан, большевикларнинг инқилоб даврида ўлим жазосига қарши бўлгани ҳақидаги маълумот уйдирма... Ҳеч бир инқилобий

<sup>12</sup> Красный террор — Энциклопедия интересных статей портала “Excelion.ru”.

<sup>13</sup> Рабинович А. Е. Моисей Урицкий: Робеспьер революционного Петрограда? (рус.) // Отечественная история : Журнал. — 2003. — № 1. — С. 3—23.

ҳукумат ўлим жазосисиз амаллай олмайди ва барча масала мавжуд ҳукумат ўлим жазосини айнан қайси синфга нисбатан қаратганлигидадир”<sup>14</sup>.

Бундай муросасизлик фуқаролар уруши давомидаги оқ террор натижаси эмас эди, чунки 1917 йилнинг сентябридаёқ Ленин ўзининг “Хавф солаётган ҳалокат ва у билан қандай курашиш керак?” деб номланган ишида бундай дейди: “...эксплуататорлар (яни помешчиклар ва капиталистлар) қатлисиз ҳар қандай инқилобий ҳукумат зўрга уddaлаши мумкин”.<sup>15</sup>

Россиянинг йирик шаҳарларида бошқарув қўлга олинганидан бироз ўтиб, большевиклар марксча иқтисодий ислоҳотлар ўтказа бошлади. Бунда тезроқ комминизм қуриш мақсадида аҳолининг мавжуд мол—мулки мусодара қилинди. Ленин “Мусобақани қандай ташкиллаштириш керак?” мақоласида синфий жиҳатдан пролетариатга бегона бўлган унсурларга нисбатан қаттиқ чораларни кўриш зарурлигини айтади. Лениннинг фикрига кўра, улар турли тарздаги қайта тарбиялашга муҳтоҷ эдилар: “Бир жойда ўнлаб бойлар, ўн иккита қаллоб, ишда дангасалик қилган 6 нафар ишчи қамоқقا ўтказилади... Бошқасида эса улар ҳожатхона тозалашга қўйилади. Учинчисида улар карцерларда<sup>16</sup> сургун муддатини ўташи учун сариқ чипта билан таъминланадики, бутун халқ улар тузалгунга қадар ортидан назорат қилиб туради. Тўртинчисида – текинхўрликда айблаб, ўнтадан биттаси жойида отиб ташланади”.<sup>17</sup>

1918 йилнинг 5 сентябрида РСФСР СНКнинг “Қизил террор ҳақида”ги қарори эълон қилинади ва ўша йилнинг 6 ноябрида тўхтатилади.

Сергей Мельгунов “қизил террор” атамасини Россиядаги бутун Фуқаролар уруши даврида, яъни 1918-1923 йиллар амалга оширилган репрессияни таърифлаш учун қўллайди.<sup>18</sup>

<sup>14</sup> В. И. Ленин, ПСС, т. 39, стр. 183.

<http://www.kommersant.ru/doc.aspx?DocsID=669584&print=true>

<sup>15</sup> В. И. Ленин, ПСС, т. 34, стр. 174.

<sup>16</sup> Қамашга мўлжалланган, маҳсус ҳимояланган камералар

<sup>17</sup> В. И. Ленин, ПСС, т. 34, стр. 174.

<sup>18</sup> С. П. Мельгунов Красный террор в России. 1918—1922. Берлин, 1924

(современное издание — М., 1990).

Репрессиянинг ижрочи органи РСФСР СНК ВЧК (Аксилинқилоб, чайқовчилик ва мансаб жиноятларига қарши курашиш фавқулодда комиссияси) ва Қарорга мувофиқ “партия масъул шахслари” бўлган.<sup>19</sup>

«Известия ВЦИК» газетасида эълон қилинган инқилобий ҳокимиятнинг жазоловчи органлари фаолияти йўналиши аниқ ифодаланган. РСФСРнинг Инқилоб ҳарбий трибунали биринчи раиси К. Данишевский бундай маълумот беради: “Ҳарбий трибуналлар ҳеч қандай ҳукуқий меъёрларга таянмайди ва таянмаслиги керак. Булар кескин инқилобий кураш жараёнида ташкил этилган жазоловчи органлардир”.<sup>20</sup>

## ҚИЗИЛ ТЕРРОР ТАРИХИ

“Қизил террор” тушунчасини дастлаб эсер (социолист - инқилобчи) Зинаида Коноплянникова киритган, у 1906 йил судда бундай дейди: “Партия ҳукуматнинг оқ, лекин қонли террорига қизил террор билан жавоб беришга қарор қилди...”<sup>21</sup>

Ўз навбатида “қизил террор” атамаси кейинчалик Л.Д. Троцкий томонидан: “Йўқ бўлишга маҳкум, лекин ҳалок бўлишни истамаётган синфга қарши қўлланилган курол”, дея таърифланди.<sup>22</sup>

Россиядаги террорнинг янги тўлқини 1901 йилда эсерлар томонидан халқ маорифи вазири Николай Боголеповнинг ўлдирилиши билан бошланган деб ҳисоблашади. 1901 йилдан 1911 йилга қадар 17 минг инсон (улардан 9 мингтаси 1905–1907 йилдаги инқилоб даврига тўғри келади) инқилобий террор қурбонларига айланди. 1907 йилда кунига ўртacha 18 киши ҳалок бўларди. Полициянинг маълумотига кўра, фақатгина 1905 йил февралидан 1906 йилнинг майигача: 8 нафар генерал-губернатор, губернатор ва шаҳар ҳокимлари; 5 нафар вице-губернатор ва

<sup>19</sup> Постановление СНК РСФСР от 5 сентября 1918 года “О красном терроре”

<sup>20</sup> Председатель Московского окружного военного суда, Заслуженный юрист Российской Федерации, доктор юридических наук, профессор, генерал-лейтенант юстиции Безнасюк А. С. “Военные суды — органы правосудия” // статья.

<sup>21</sup> Морозова О. М. И красный мак и белая ромашка растут на проклятой земле // Научно-культурологический журнал RELGA. — № 9 [154] 25.06.2007

<sup>22</sup> Троцкий Л. «Тerrorизм и коммунизм.» С. 64. // Аким Арутюнов «Досье Ленина без ретуши»

губерния бошқаруви маслаҳатчилари; 21 нафар полицеймейстр, уезд раҳбари ва уезд полиция бошлиқлари; 8 та жандарм офицери; 4 нафар генерал (сафдаги); 7 нафар офицер (хизматдаги); 79 нафар шаҳар полиция участкасининг бошлиғи ва уларнинг ёрдамчилари; 125 нафар даҳа назоратчиси; 346 нафар шаҳар полицияси; 57 нафар урядник (уезд полициясининг энг кичик унвони); 257 нафар соқчи; 55 нафар жандарм қуий амалдори; 18 нафар мудофаа вакили; 85 нафар фуқаролик амалдори; 12 нафар дин хизматчиси; 52 нафар қишлоқ ҳокими; 51 нафар ер эгаси; 54 нафар фабрика эгаси ва у ердаги катта ходимлар; 29 нафар банкчи ва йирик савдогарлар ўлдирилади.<sup>23</sup>

### **Террорнинг таниқли қурбонлари:**

Маориф вазири Н.П. Боголепов (15.03.1901);  
 Ички ишлар вазири Д.С. Сипягин (02.04.1902);  
 Уфа губернатори Н.М. Богданович (06.05.1903);  
 Ички ишлар вазири В.К. Плеве (28.07.1904);  
 Москва генерал-губернатори, буюк княз Сергей Александрович (04.02.1905);  
 Москва шаҳри мери граф П.П. Шувалов (28.06.1905);  
 Собиқ ҳарбий вазир, генерал-адъютант В.В. Сахаров (22.11.1905);  
 Тамбов вице-губернатори Н.Е. Богданович (17.12.1905);  
 Пенза гарнizonи бошлиғи, генерал-лейтенант В.Я. Лисовский (02.01.1906);  
 Кавказ ҳарбий округи штаби бошлиғи, генерал-майор Ф.Ф. Грязнов (16.01.1906);  
 Твер губернатори П.А. Слепцов (25.03.1906);  
 Қора денгиз флоти қўмондони, вице-адмирал Г.П. Чухнин (29.06.1906);  
 Самара губернатори И.Л. Блок (21.07.1906);  
 Пенза губернатори С.А. Хвостов (12.08.1906);  
 Семёновск полки қўмондони, генерал – майор Г.А. Мин (13.08.1906);

---

<sup>23</sup> Эпидемия террора

Симбирск генерал-губернатори, генерал – майор К.С. Старынкевич (23.09.1906);

Собиқ Киев генерал-губернатори, Давлат кенгаши аъзоси граф А. П. Игнатьев (09.12.1906);

Ақмолинск губернатори, генерал-майор Н.М.Литвинов (15.12.1906);

Петербург шаҳар ҳокими В.Ф. фон дер Лауниц (21.12.1906);

Бош ҳарбий прокурор В.П. Павлов (27.12.1906);

Пенза губернатори С.В. Александровский (25.01.1907);

Одесса генерал-губернатори, генерал-майор К. А. Карапозов (23.02.1907);

Қамоқхона бош бошқармаси бошлиғи А.М. Максимовский (15.10.1907);

1908-1914 йилларда Михаил Архангел номидаги Рус халқ иттифоқининг Бош палатаси ташаббуси билан таркибида В.М. Пуришкевич, М.М. Бородкин, В.М. Васнецов, А.С. Вязигин ва бошқалар бўлган монархистлар гурухи томонидан инқилобий терроризмнинг қурбони бўлган шахслар кўрсатилган “Рус мотами китоби” тўплами чиқарилган.<sup>24</sup>

## 1917—1921 йиллардаги Қизил террор

Россияда ўлим жазоси 1917 йил 26 октябрда ишчи, дехқон ва солдат депутатлари кенгашининг Иккинчи Бутун Россия съездида бекор қилинганди.

1917 йилнинг 24 ноябрида Халқ комиссарлари кенгаши (СНК) “Суд тўғрисида”<sup>25</sup>ги Декретни қабул қилди. Унга кўра, ишчи ва дехқонлар Инқилобий Трибуналлари ташкил этилади. Улар аксилинқилобий кучларга қарши курашиш учун ташкил этилганди. Шунингдек, улар талон-тарож, ваҳшийлик, ишдан бўйин товлаш, шунингдек, савдогарлар, ишлаб чиқарувчилар, амалдорлар ва бошқа шахсларнинг суиистеъмолига қарши курашишга доир ишларда қарор қабул қиласар.

<sup>24</sup> Книга Русской Скорби на сайте “Хронос”.

<sup>25</sup> Декрет СНК РСФСР “О суде” от 24 ноября 1917 года.

<sup>26</sup> Декрет о суде от 22 ноября (5 декабря) 1917 года, Выверено по изданию: Декреты Советской власти. Т.И. М., Гос.изд-во полит.литературы, 1957.

1917 йил 6 декабрда СНК бутун Россия миқёси ҳукумат муассасаларида хизмат қилувчиларнинг аксил большевик иш ташлаш эҳтимоли ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Бунга қарши “энг самарали инқилобий чоралар” йўли билан курашиш имкониятларини аниқлаш учун Фавқулодда комиссия ташкил этишга қарор қилинди. Комиссия раиси лавозимиға Феликс Дзержинский номзоди таклиф этилганди<sup>27</sup>.

Эртаси куни Дзержинский СНКнинг мажлисида комиссиянинг вазифа ва ҳуқуқлари ҳақида маъруза қиласди. Унинг фикрига кўра, аввало, матбуот, аксилинқилобий партиялар ва саботажга (ишдан бўйин товлаш) эътибор қаратиши лозим эди. Унга кенг ҳуқуқлар: қамоқقا олиш ва мусодара қилиш, жиноят унсурларини мажбуран қўчириш, озиқ-овқат варақчасидан маҳрум қилиш, халқ душманлари рўйхатини эълон қилиш берилиши керак эди. Ленин бошчилигидаги СНК Дзержинскийни тинглагач, янги органга фавқулодда ваколатлар бериш таклифига рози бўлишади.<sup>28</sup>

Ўша пайтнинг ўзида, 1917 йилнинг 17 декабрида Л. Троцкий кадет (Инқилобдан илгариги конституцион-демократик партия вакиллари)ларга мурожаатида инқилоб душманларига нисбатан янада аёвсиз оммавий террор босқичи бошланганлигини айтади: “Сизлар бир ойдан кеч бўлмаган муддатда террор (буюк француз инқилобчиларига қараганда жуда ҳам қаттиқ) бўлишини билишингиз лозим. Душманларимизни нафақат қамоқ, балки гильотина (дастлаб 1792 йилда Францияда буржуа инқилоби вақтида ишга солинган бош оладиган жоди) кутади”<sup>29</sup>.

Баъзida қизил террорнинг биринчи ҳаракатини кадетлар партияси раҳбарлари, Таъсис йиғилиши депутатлари Ф.Ф.Кокошкин ва А.И.Шингарёвларнинг 1918 йилнинг 6 дан 7 январга ўтар кечаси ўлдирилишидан бошлашади.<sup>30</sup>

1918 йил 21 февралда СНК “Социалистик ватан хавф остида!” декретини чиқаради. Унга кўра, “душман айғоқчилари,

<sup>27</sup> Время новостей: №234, 20 декабря 2007.

<sup>28</sup> Ланцов С. А. Террор и террористы: Словарь.. — СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2004. — 187 с.

<sup>29</sup> Ланцов С. А. Террор и террористы: Словарь.. – СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2004. – 187 с.

<sup>30</sup> Кровь вместо свободы.

чайқовчилар, талончилар, безорилар, аксилинқилобий ташвиқотчилар, немис жосуслари жиноят жойида отиб ташланиши белгилаб қўйилган эди”<sup>31</sup>

Ушбу декретга асосан ВЧК “...аксилинқилоб қўшинларига қўшилиш учун Донга қараб югураётган аксилинқилоб ташвиқотчилари комиссия отряди томонидан жиноят жойида аёвсиз отиб ташланишини” эълон қиласди.<sup>32</sup>

Илгарироқ, “Совет ҳукуматининг навбатдаги вазифалари”да В.И. Ленин томонидан инқилобий кураш доктринаси тузилганди, унда аксилинқилоб, фуқаролик уруши ва хорижий интервенция (ўзга давлат ерига куч билан бостириб кириш) тарафдорларининг фаол қаршилик кўрсатиши шароитида янги ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун инқилобий террор вазифалари шакллантирилган эди. Диктатура мустаҳкам, кучли-инқилобий, тез, эксплуататор ҳамда безориларни қириб ташлашда шафқатсиз ҳокимият; Бизнинг ҳокимият эса жуда ҳам бўш. Халқнинг, социализмнинг, меҳнаткашларнинг бу душманларига ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмайди. Уруш бойлар ва уларнинг хушомадгўйлари ҳаёти учун эмас, балки ўлими учундир. Бу қаллоблар, ишёқмаслар ва безориларга қарши урушдир... Бой ва қаллоблар –битта медалнинг икки тарафи, текинхўрларнинг асосий гуруҳидир. Капитализм томонидан тарбияланган, социализмнинг бош душманларини алоҳида назорат остига олиш керак. Социалистик жамият қонунларини бузганда, уларга раҳм қилмай, йўқ қилиш лозим. Бу борада ҳар қандай заифлик, ҳар қандай иккиланиш, ҳар қандай ҳиссиётга берилиш социализм олдидаги буюк жиноятдир”.<sup>33</sup>

1918 йил 13 июнда ўлим жазосини қайта тиклаш тўғрисида Декрет қабул қилинди. Шундан сўнг Инқилоб Трибуналлари ҳукмига қўра отиб ташлаш қўлланилиши мумкин бўлди. 21 Инқилоб Трибунали томонидан отишга ҳукм қилинган биринчи инсон адмирал Щастный эди (1918 йил 21 июнь).

14 июнда Екатеринбург яқинидаги Березова заводида ишчилар большевик комиссарлари ҳаракатларига қарши норозилик митингини ўтказишаётганди. Уларни шаҳарнинг энг

<sup>31</sup> Социалистическое отечество в опасности!

<sup>32</sup> С. П. Мельгунов. “Красный террор” в России 1918—1923.

<sup>33</sup> Голиков Д. “Правда о врагах народа”

яхши уйларини эгаллашда ва маҳаллий бойлардан бир юз эллик рублни ўзлаштиришда айблашганди. Қизил гвардия отряди митингчиларга қарата ўқ очади ва ўн беш киши ўлдирилади. Эртаси куни маҳаллий ҳокимият ушбу ишчилар шаҳарчасида ҳарбий вазият эълон қиласи ва маҳаллий ФК (Фавқулотта камиссарият) томонидан ўн тўрт киши дарҳол отиб ташланади.<sup>34</sup>

1918 йил май-июнь ойларида Петроград ФК томонидан етмишта норозилик намойиши ҳолати рўйхатга олинади: иш ташлашлар, митинглар, большевикларга қарши манифестациялар. Бу можароларда аксарият ишчилар иштирок этган. Ишчи вакиллар йигилиши (ишчилар орасида қаршилик фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилот бўлиб, меньшевикларга раҳбарлик қилган) тарқатиб юборилган. Икки кун мобайнида саккиз юздан ортиқ фуқаро қамоқقا олинади.<sup>35</sup>

Июлда сўл эсерлар томонидан Москва, Ярославл, Рыбинск ва Муромеда қўзғолонлари ташкил этилади. 6 июлда сўл эсер Яков Блюмкин Германия ва РСФСР ўртасидаги шартномавий муносабатларни бузиш мақсадида Москвада немис элчиси Мирбахни ўлдиради. 10 июлда ўз сафдошларини қўллаб-қувватлаш учун РККА (Ишчи-дехқонлар қизил армияси) Шарқий фронти қўмондони сўл эсер Михаил Муравьёв большевикларга қарши ғалаён кўтаришга ҳаракат қиласи.

8 августда В.И. Ленин Г.Ф. Фёдоровга “инқилобий тартибни сақлаш” учун оммавий террорга зарурат борлигини ёзади.<sup>36</sup>

“Нижнийда, оқ гвардия қўзғолонига тайёргарлик кўрилмоқда. Барча кучларни тўплаш, диктаторлар учлигини тайёрлаш (Сиз, Маркин ва бошқалар), ўша пайтнинг ўзидаёқ оммавий террорни бошлиш, аскарлар, собиқ офицерлар ва бошқаларни маст қилиш учун юзлаб фоҳишаларни олиб бориш ва уларни отиб ташлаш керак.

Бир дақиқа ҳам кечиктирманг.

Тушунмайман, бундай пайтда Романов қандай қилиб кетиб қолиши мумкин!

Хатни олиб келган шахсни танимайман. У ўзини Алексей Николаевич Бобров деб атади, айтишича, Питернинг Выборгск

<sup>34</sup> Черная книга коммунизма. Глава 2. Вооруженная рука пролетарской диктатуры

<sup>35</sup> Черная книга коммунизма. Глава 2. Вооруженная рука пролетарской диктатуры

<sup>36</sup> Ленин В. И. Полное собрание сочинений, изд. 5-е, Т. 50, стр. 142

тарафида ишлаган эмиш (1916 йилдан)... Унга қадар 1905 йилда Нижнийда ишлаганман, деяпти.

Гувоҳномасига кўра, унга ишонса бўлади. Текшириб кўринг ва вазифа юкланг.

Фавқулодда комиссия раҳбари Петерс Нижнийда улардан ҳам ишончли одамлар борлигини айтяпти.

Астойдил ҳаракат қилиш керак: оммавий тинтув, қурол сақлаганлик учун отиб ташлаш, меньшевиклар ва ишончсизларни оммавий чиқазиб ташлаш, омборлар қоровулларини алмаштириш, ишонарлиларини қўйиш.

Айтишларича, Сизнинг олдингизга Казандан Раскольников ва Данишевскийлар жўнаб кетганмиш.

Ушбу хатни дўстларга ўқиб эшиттиринг, менга телеграф ёки телефон орқали жавобини беринг”.<sup>37</sup>

Салгина ўтгач, 1918 йилнинг августида Ленин Пенза губернияси ижроия қўмитасига йўриқнома жўнатади.<sup>38</sup>

“Қулоқлар, поплар ва оқ гвардиячиларга нисбатан аёвсиз оммавий террор ўtkазиш шарт; шубҳалиларни шаҳар ташқарисидаги концлагерга (инқилоб арбоблари, асиirlар, маҳбуслар қамаладиган махсус лагер) қамаб қўйинг.<sup>39</sup>

Аҳолини тамомила қуролсизлантиришни декретлаштиринг ва амалга татбиқ этинг, ҳар қандай яширилган милтиқ учун жойида аямай отиб ташланг.<sup>40</sup>

Тартиб ўрнатиш, қаршиликлар, саботаж ва аксилинқилобнинг олдини олиш чоралари орасида гаров тариқасида ушлаб туриш, таҳдид ва шантаж қилиш ҳам қўлланиларди. Бунир Ф.Э. Дзержинский қўйидагича тушунтирган:

“Бу чора – амалий жиҳатдан энг фойдалисиdir. Сиз томонингиздан тузилган рўйхатга кўра, ундирилиши керак бўлган товоn пуллари учун буржуазия орасидан гаровга олиш... Барча

<sup>37</sup> К. Валиуллин. Р.Зарипова: “История России. XX век” // гл.3

<sup>38</sup> 1. В. И. Ленин, ПСС, т. 50, с. 143.

2.Российский центр хранения и изучения документов новейшей истории, РЦХИДНИ, 76/3/22/3

3.С.Куртуа, Н.Верт, Ж-Л.Панне, А.Пачковский и др. “Чёрная книга коммунизма” (2-е издание) Издательство “Три века истории” 2001 г.

<sup>39</sup> К. Валиуллин. Р.Зарипова: “История России. XX век” // гл.3.

<sup>40</sup> (В. И. Ленин, ПСС, т. 50, стр. 324).

гаровдагилар ва гумондагиларни қамоққа олиш ва концлагерларга жойлаштириш зарур”.<sup>41</sup>

Ленин ушбу таклифни түлдиради ва дастурни амалий жиҳатдан татбиқ этиш чоралари рўйхатини таклиф этади.<sup>42</sup> ”Мен “гаровдагиларни” олишни эмас, балки волостлар (вилоят) бўйича номма-ном белгилаб қўйишни таклиф қиласман. Белгилашдан мақсад айнан бойлар, чунки улар товон учун, ҳар бир волостдаги ортиқча доннинг йиғилиши ва топширилиши учун ҳаётлари билан жавоб берадилар”.

Гаровга олиш чораларининг қўлланилиши, энг аввало, гаровдагиларнинг ҳаётидан куч ишлатмаслик, аксилинқилобий чиқишлии ва ғалаёнлардан тийилиш кафолати сифатида фойдаланиб, “аксилинқилобни” ушлаб туриш зарурати билан тушунтирилади. В.И. Ленин ушбу чораларни ваҳшийлик деб ҳисоблаган партия оппозицияси эътиrozларига жавобан бундай деган:<sup>43</sup>

“Мен ақл ва қатъийлик билан мулоҳаза юритаман: қайси бири яхшироқ – бир неча ўнлаб, юзлаб иғвогар, айбор ёки айбсиз, онгли ёки онгизларни қамашми ёки минглаб қизил армиячи ва ишчиларни йўқотишми? Биринчиси яхшироқ. Майли, мени ҳар қандай гуноҳда ва эркинликларни бузища айглашсин – мен айбимни тан оламан, лекин ишчиларнинг манфаатлари зафар қозонади”<sup>44</sup>.

Қизил террор 30 августдаги Ленинга бўлган суиқасд, ва Леонид Каннегисер томонидан Петроград ФКси Урицкийнинг ўлдирилишига жавобан 1918 йил 2 сентябрда Яков Свердловнинг

<sup>41</sup> 1. С. Куртуа, Н. Верт, Ж-Л. Панне, А. Пачковский и др. “Чёрная книга коммунизма” (2-е издание) Издательство “Три века истории” 2001 г.

2.Российский центр хранения и изучения документов новейшей истории, РЦХИДНИ, 76/3/22.

<sup>42</sup> 1. Ленинский сборник, т. 18 (1931), с. 145-146, цит. по: D. Volkogonov, Le Vrailenine, Paris, R, Laffont, 1995, p. 248.

2.Российский центр хранения и изучения документов новейшей истории, РЦХИДНИ, 76/3/22.

3.С. Куртуа, Н. Верт, Ж-Л. Панне, А. Пачковский и др. “Чёрная книга коммунизма” (2-е издание) Издательство “Три века истории” 2001 г.

<sup>43</sup> А. Велидов “Красная книга ВЧК”

<sup>44</sup> А. Велидов “Красная книга ВЧК”

ВЦИКка мурожаатида эълон қилинди ва СНКнинг қарори билан 1918 йилнинг 5 сентябрида тасдиқланди.

РСФСР СНК қарорига мувофиқ, “террор йўли билан орқани таъминлаш тўғридан тўғри заруратдир”, республика “синфий душманлардан уларни концлагерларга изоляциялаш орқали” қутилмоқда, “оқ гвардия ташкилотларига, фитна ва исёнларига алоқаси бор барча шахслар отиб ташланиши керак”.<sup>45</sup>

Ф. Э. Дзержинский бундай арз қилди:

“3-5 сентябрдаги қонунлар, ва ниҳоят, шу кунга қадар партиядаги баъзи биродарларимиз томонидан эътиroz билдириб келинган қонуний ҳуқукларимизни, яъни ҳеч кимдан рухсат сўраб ўтирмасдан, ҳар қандай аксилинқилобчи аглаҳни дарҳол ўлдириш ҳуқуқини берди”.

Кейинчалик, 17 сентябрда, Дзержинский маҳаллий ФКларга ҳал қилинмаган масалаларни тезлаштириш ва тугатишни, яъни йўқ қилишни таклиф этади.<sup>46</sup>

3 сентябрда Ички ишлар Халқ комиссари Г.И. Петровский ўзининг қарорида инқилоб ҳокимиятининг кўрсатмалари етарли даражада ижро этилмаётганини баён қиласди, чунки отиб ташлашлар (бизнинг ўн минглаб биродарларимиз оммавий тарзда отиб ташланишига қарамасдан) етарли даражада амалга оширилмаяпти, ҳали ҳам “эсерлар, оқ гвардиячилар ва буржуазиячиларга” нисбатан оммавий террор жорий қилингани йўқ. Қуйидаги кўрсатмалар чиқарилади ва кейинчалик ВЧКнинг хафталигида эълон қилинади.

“Бўшашиб ва юмшоқликка зудлик билан чек қўйиш керак. Барча машхур ўнг эсерлар зудлик билан қамалиши лозим. Буржуазия ва офицерлар таркибидан маълум қисми гаровга олинини шарт. Заррача қаршилик кўрсатишга уринганларга нисбатан оммавий отиб ташлаш кўлланилиши керак. Маҳаллий губерния ижроия қўмиталари бу борада алоҳида ташаббус кўрсатишга мажбурдирлар. Милиция бўлимлари ва фавқулодда комиссиялар аксилинқилобий ва оқ гвардия ишига алоқаси бўлган гумондорларни аниқлаш, қамоқقا олиш ва уларнинг барчасини сўзсиз отиб ташлаш бўйича барча чораларни кўришлари шарт.

<sup>45</sup> “Еженедельник ВЧК”. 1918. № 1. С. 11.

<sup>46</sup> Г. А. Белов, цит. соч., с. 197—198.

Маҳаллий кенгаш органларининг бу йўналишдаги қатъиятсиз ҳаракатлари ҳақида ижроия қўмита бошқармаси бошлиқлари Ички ишлар халқ комиссариатига зудлик билан хабар беришлари шарт... Армиямиз оқ гвардиячилардан, ишчи синф ва қашшоқ дехқонлар ҳокимиятига қарши барча фитначилардан тамомила тозаланиши керак. Оммавий террорни қўллашда заррача иккиланишга ҳам, қатъиятсизликка ҳам ўрин йўқ!”.<sup>47 48 49</sup>

“И. Отиб ташлаш жазосини қўллаш:

1. ВЧК томонидан тасдиқланган махсус рўйхатга кўра, барча собиқ жандармерия офицерлари;
2. Тинтув натижаларига мувофиқ фаолияти шубҳали деб топилган барча жандармерия ва полиция офицерлари;
3. Агар енгиллаштирувчи ҳолатлар бўлмаса, (масалан, инқилобий Совет партиясига ёки ишчи ташкилотга аъзолик) рухсатсиз қуролга эга бўлганларни;
4. Агар қалбаки ҳужжати аниқланганлар аксилинқилобий фаолиятда гумон қилинаётган бўлса; шубҳали ҳолларда ишлар узил-кесил кўриб чиқиш ВЧКга берилиши шарт;
5. Жиноий мақсадда Россия ва чет эл аксилинқилобчилари ва уларнинг ташкилотлари билан (хоҳ Совет Россияси худудида, хоҳ ундан ташқарида бўлсин) муносабатда бўлганлиги фош бўлса;
6. Социалист-инқилобчилар партиясининг барча етакчилари бошқарув ташкилотларнинг аъзолари фаол аъзолар ҳисобланади – барча, марказийдан тортиб, то маҳаллий шаҳар ва туман қўмиталаригача; жанговор дружина аъзолари ва улар билан партия ишлари юзасидан муносабатда бўлганлар; жанговар дружиналарнинг ҳар қандай топшириқларини бажарувчилар; алоҳида ташкилотлар орасидаги хизматни ушлаб турувчилар ва ҳоказо);
7. Аксилинқилоб партияларининг барча фаол арбоблари (кадетлар, октябрчилар ва бошқалар);
8. Отиб ташлаш ҳақидаги иш Россия коммунистлари партияси вакили иштирокида муҳокама қилиниши шарт;

<sup>47</sup> Газета “Известия”, 4 сентября 1918 года

<sup>48</sup> История России. 1917—1940. Хрестоматия / Сост. В. А. Мазур и др.; под редакцией М. Е. Главацкого. Екатеринбург, 1993.

<sup>49</sup> Еженедельник ВЧК. 1918. N 1. С. 11.

9. Отиб ташлаш ҳукми Комиссиянинг уч нафар аъзоси томонидан бир овоздан қарор қилинганда ижро этилади;

10. РЧК аъзолари ўртасида зиддият юзага келган ҳолда, ишни ҳал қилиш учун Бутун Россия ФКсига берилиши шарт.

II. Кейинчалик концентрацион лагерга жўнатиладиган қамоққа олиш:

1. Агар сиёсий намойишларга ундовчи ва уларни ташкиллаштирувчиларнинг барчаси ҳамда Совет ҳокимиятини ағдаришга қаратилган бошқа чиқишлиарнинг фаоллари отиб ташлашга ҳукм қилинмаган бўлса;

2. Мазкур тинтувларга мувофик шубҳали деб топилганларнинг барчаси, шунингдек, муайян машғулотга эга бўлмаган собиқ офицерлар;

3. Аксилинқилобий буржуазия ва помешчикларнинг барча таниқли раҳбарлари;

4. Собиқ ватанпарварлик ва қорагурухчи (босқинчи) ташкилотларнинг аъзолари;

5. Партиянинг барча бошқарув маркази аъзолари, истисносиз ўнглар, ҳалқ социалистлари, кадетлар ва бошқа аксилинқилобчилар. Партиянинг оддий аъзоларига келсак, улар ўзларининг марказий идораларининг сиёсати ва уларнинг инглиз-француз империализми билан келишувини қоралаши ҳақидаги тилҳат асосида озод этилиши мумкин;

6. 6-модда изоҳида саналган аломатларга кўра меньшевиклар партиясининг фаол аъзолари.

Буржуазия орасида оммавий тинтувлар ва ҳибсга олиш ўтказилиши, ҳибсга олинган буржуа гаровга олинган деб эълон қилиниши ва концлагерга қамалиши, у ерда улар учун мажбурий меҳнат ташкил этилиши шарт. Буржуазияни террорлаш мақсадида уни кўчириш ва чиқиб кетиш учун энг қисқа муддат (24 – 36 соат) берилиши лозим...<sup>50</sup>

Қизил террорнинг энг йирик акцияси Петроградда 512 нафар юқори табақа вакилларининг (собиқ амалдорлар, вазирлар, профессорлар) отиб ташланиши бўлди. Ушбу фактни “Известия” газетасининг 1918 йил 3 сентябр сонидаги ФК томонидан

<sup>50</sup> Архив КГБ СССР, Фонд 1, опись 2, дело № 4, л.д. 64-65 (по книге Е. Альбац “Мина замедленного действия”)

Петроград шаҳридаги 500 дан ортиқ гаровдагиларнинг отиб ташланганлиги хабари тасдиқлайди. Лекин ФКнинг расмий маълумотларига кўра, Петрограддаги қизил террор доирасида ҳаммаси бўлиб 800га яқин киши отиб ташланган.<sup>51</sup>

Италиялик тарихчи Ж. Бофтининг тадқиқотларига кўра, В.И. Лениннинг қарорига биноан Петроградда ва Кронштадда 1000 нафар яқин аксилинқилобчилар отиб ташланган.<sup>52</sup>

1918 йилнинг сентябрида Г. Зиновьев баёнот қиласди: Агар биз армиямизни кенгайтирмасак, бизни буржуазия кесиб ташлайди. Ахир уларда ҳам, бизда ҳам иккинчи йўл йўқ. Биз улар билан битта планетада яшай олмаймиз. Бизга душманларимизни енгиш учун ўзимизга тегишли социолистик милитаризм (қуролланиш ва янги уруш оловини ёқишига қаратилган тажовузкорона сиёsat) керак. Биз Совет Россиясининг 100 миллион аҳолисидан 90 миллионини ортимиздан эргаштиришимиз шарт. Қолганлари билан гаплашиб бўлмайди – уларни йўқ қилиш керак.<sup>53</sup>

Айни дамда, ЦК РКП (Россия коммунистик партияси марказий комитети) ва ВЧК (Бутунроссия фавқулотта комиссияси) биргалиқда қуидаги мазмундаги йўриқномани ишлаб чиқади:

“Барча аксилинқилобчилар отиб ташлансин. Туманларга мустақил равишда отиб ташлаш ҳуқуқи берилсин... Гаровга олинсин... Туманларда майда концентрацион лагерлар ташкил этилсин... Бугуннинг ўзидаёқ ВЧК Президиуми аксилинқилобчиларнинг ишларини кўриб чиқсин ва барчаси ошкора отиб ташлансин. Худди шу ишни туман ФКлари ҳам амалга оширсин. Жасадлар бегона қўлларга тушмаслиги учун керакли чоралар кўрилсин...”<sup>54</sup>

### **Қизил террор хақидаги Декрет**

Оммавий террорга чақириқлар инқилобий матбуотда кенг ўрин эгаллаган. 1918 йил 31 августда “Правда” газетаси ёзади:

<sup>51</sup> G. Leggett, op. cit., p. 111. Так же: С. Мельгунов. “Красный террор в России”.

<sup>52</sup> Боффа Дж. История Советского Союза. Т. 1. М., 1994. С. 95.

<sup>53</sup> <http://www.personal.in.ua/pdf/2004-02.pdf>

<sup>54</sup> Литвин А. Л. “Красный и Белый террор в России в 1917—1922 годах”

“...Агар буржуазия бизни йўқ қилишини хоҳламасак, уни аёвсиз йўқ қилишимиз шарт. Бу жанобларнинг бари рўйхатга олинади ва улардан инқилобий синфга хавф туғдиради деб ҳисобланганлари йўқ қилинади. Ишчи синфнинг мадхияси эндилиқда нафрат ва қасос қўшиғи бўлади!”

1918 йил 3 сентябрда “Известия” газетаси Ф.Э. Дзержинскийнинг сўзларини эълон қиласди:

“Ишчи синфи оммавий террор орқали аксилинқилоб гидрасини яксон қилсин. Ишчи синф душманлари билсинки, қўлида қурол билан қўлга олинганлар жойида отиб ташланади, совет ҳокимиятига қарши, кичкинагина бўлса-да, ташвиқот ўтказганлар хибсга олинади ва концентрацион лагерларга улоқтирилади!”

Петросоветнинг расмий нашри “Красная газета” М.С. Урицкийнинг ўлдирилишига изоҳ бериб, ёзади:

“Урицкий ўлдирилди. Душманларимизнинг биргина террорига оммавий террор билан жавоб қайташимиз шарт... Битта курашчимизнинг ўлими учун мингта душман хаёти билан жазоланиши керак.

Уларда шафқат уйғониб қолмасин, душман қонини кўрганда улар қалтираб қолмасинлар. Шафқатсизлик билан, раҳм қилмасдан ўнлаб, юзлаб душманларимизни калтаклаймиз. Оммавий сўйишни биз уларга ташкиллаштириб берамиз. Биз ҳақиқий пулдор буржуачилар ва уларнинг қўл остидагиларни суреб чиқарамиз. Ўртоқ Урицкийнинг қони, ўртоқ Лениннинг яралангани учун, ўртоқ Зиновьевга уюштирилган суиқасд учун, Володарский, Нахимсон, латишлар, матросларнинг қасоси учун буржуазия ва унинг хизматчиларининг қони тўкилсин!”

Орадан тўрт кун ўтиб, ушбу нашр юқорида кўрсатилган жазолаш ҳаракатларининг натижаларини эълон қиласди.

“Ваъда берилган бир неча минг оқ гвардиячи ва унинг буржуа ташкилотчилари ўрнига бор-йўғи бир неча юзтаси отиб ташланди”.<sup>55</sup>

<sup>55</sup> 1. Литвин Л. А. Красный и белый террор в России 1918—1922 гг. Казань, 1995, стр. 63.

2. Г. С. Померанц, “Переписка из двух кварталов” // “Новый Мир” 2001, № 8, Москва [1]

1918 йилнинг 3 ноябрида (21 октября) Пятигорскда “8 октябрядаги 3-сонли буйруғига қўра, энг яхши ўртоқларимиз, ЦИК аъзолари ва бошқаларнинг ёвузларча ўлдирилишига жавобан, Фавқулодда комиссиянинг қарорига мувофиқ гаровдагилар ва аксилинқилоб ташкилотларига тегишли бўлган кишилар отиб ташланди”<sup>56</sup> Улар 59 нафар бўлиб, орасида княз Сергей, Фёдор ва Николай Урусовлар, Леонид ва Владимир Шаховский, княз Туманов, граф Капнист, граф Бобринский, вазирлар С. В. Рухлов ва Добровольский, бир қанча генераллар, полковниклар ва бошқа гаровда бўлган амалдорлар бор эди.<sup>57</sup>

1918 йил 13 ноября (31 октябр) Атарбеков раислигидаги ийғилишда аксилинқилобга қарши кураш бўйича Фавқулодда комиссия аксилинқилобчилар ва қалбаки пул ясовчилар тоифасидан бўлган яна 47 кишини отиб ташлаш ҳақида қарор қабул қилди.<sup>58</sup> Пятигорскдаги кўплаб гаровдагилар отиб ташланмаганди, балки чопиб ташланганди. Бу воқеалар “Пятигорск қирғинлари” деб ном олди.<sup>59</sup>

1919 йил 23 марта 1918 йил августдаги воқеалар ҳақида хабар берилади:

“Августнинг охирги кунларида офицерлар билан тўлдирилган иккита юк кема чўқтирилди ва жасадлар Фин кўрфазидаги дўстларимдан бирининг хўжалигига ташланди: кўплари иккитадан, учтадан тикан сим билан бирф-бирига боғланган эди...”<sup>60</sup>

ВЦИКнинг 1919 йилнинг 15 апрелида “Мажбурий меҳнат лагерлари ҳақида”ги қарори, 1919 йил 17 майда эса “Мажбурий меҳнат лагерлари ҳақида”ги декрети чиқди.

1919 йилнинг августида Киевда губерния ва уезд ФКларининг “инсоний курашчилар”и мавжудлиги ҳақида хабар берилади:

<sup>56</sup> Ю.Фельштинский. История революции в трудах революционеров.

<sup>57</sup> “Известия ЦИК Северо-Кавказской советской социалистической республики” № 157, 21 октября 1918.

<sup>58</sup> Ю.Фельштинский. История революции в трудах революционеров.

<sup>59</sup> Акт расследования по делу об аресте и убийстве заложников в Пятигорске в октябре 1918 года. По кн.: Красный террор в годы гражданской войны. По материалам Особой следственной комиссии по расследованию злодеяний большевиков. Редактор-составитель Ю. Г. Фельтишинский и Г. И. Чернявский. М., 2004.

<sup>60</sup> С. П. Мельгунов. “Красный террор” в России 1918—1923

“Катта гаражнинг поли қонга тўла эди... Мия, бош суюклари, соч уюмлари ва бошқа, инсон танаси қолдиқлари аралашиб ётарди... Деворларга қон сачраган, минглаб ўқ зарбидан ҳосил бўлган девор тешиклари мия ва бош териси қолдиқлари билан тўлиб қолган... 4 метр кенглик ва чукурликдаги, 10 метр чамаси узунликдаги нов қон билан тўла эди... Мана шу даҳшатли жой яқинида, айнан шу уйнинг боғида яқиндаги қатл этилиб, апилтапил кўмилган 127 та жасад ётарди... Ҳамма жасадларнинг бошлари ёрилган, кўпларининг бошлари ҳаттоки эзиб ташланганди... Баъзилари бошсиз эди. Биз боғнинг бурчагида бошқа эскироқ қабрга дуч келдик, унда 80 га яқин жасад бор эди... Жасадлар қорни ёрилган, баъзиларининг аъзолари йўқ эди, баъзилари эса умуман майдалаб чопиб ташланганди. Айримларининг кўзи ўйилган... Бош, юз, бўйин ва таналари тифли жароҳатлар билан қопланганди... Бир нечтасининг тили йўқ эди... Бу ерда қариялар, эркаклар, аёллар ва болалар бор эди. Бир аёл саккиз ёшлар атрофидаги қизи билан қўшиб арқонда боғлаб қўйилганди. Иккаласида ҳам ўқ яралари бор эди.

Чека губерниясида тиш шифокориникига ўхшаш курси топдик (Харьковда ҳам шундай бўлганди), унинг қурбонлар боғлаб қўйилишига мўлжалланган тасмалари бор эди. Хонанинг цементланган поли қон билан тўла эди, қонга беланганд курсида инсон танаси ва бошининг сочли териси ёпишиб қолган эди... Чека уездига ҳам худди шундай ҳолат: қонга беланганд пол ва ҳоказо... Бу бинода қурбоннинг боши қўйилиб, лом билан парчаланадиган ғўла, айниқса, кўзга ташланарди. Ғўланинг шундоққина ёнида инсон мияси билан тўла қопқоқли туйнукни эслатувчи чуқурча бор эди, бош уриб ёрилганда мия унга шу ондоёқ тушарди”.<sup>61</sup>

Киев шаҳри ФКси томонидан қўлланилган “хитойча” номланган қийноқлар ҳам шафқатсизликда кам эмас эди.

Азобланувчи деворга ёки устунга боғланади; кейин унга бир неча дюйм кенгликдаги трубанинг бир тарафи қаттиқ қилиб қотирилади... Бошқа тешикдан каламуш киргизилиб, сим билан беркитиб ташланади ва унга олов яқинлаштирилади. Иссиқдан саросимага келган ҳайвон чиқиши йўлини қидириб бечоранинг

<sup>61</sup> С. П. Мельгунов. “Красный террор” в России 1918—1923.

танасини ўйишни бошларди. Бундай қийноқлар бир неча соатлаб, қурбон ўлгунга қадар давом этарди.<sup>62</sup>

Маълумот берилишича, ўз навбатида Саенко раҳбарлигидаги Харков ФКси шилиш ва “қўл панжасидан қўлқопни ечиб олиш”ни, Воронеж ФКси ялангоч ҳолда мих қоқилган бочкада думалатиш қўлланган. Царицина ва Камишинада сұякларни арралашган. Полтава ва Кременчугада дин хизматчилари қозикқа ўтқазилган. Екатеринславда чормихга тортишган ва тошбўрон қилишган, Одессада офицерларни занжир билан тахтага боғлаб ёкишган ёки ғилдирак ёрдамида иккига ажратиб парчалашган, галма–галдан сув қайнаб турган қозонга тиқишиган. Армавирда, ўз навбатида, “ўлим тожлари” қўлланилган: инсон бошининг пешона қисми винт ва гайкали тасма билан ўралади. Тасма винтланган сайин бошни сиқа бошлайди. Орлов губерниясида инсонларни музлатиш кенг қўлланилган – паст ҳароратда устидан муздай сув қўйилган.<sup>63</sup>

Сўроқ пайтида қийноқлар қўлланилиши ҳақидаги маълумот инқилоб нашрларига кириб боради, чунки мазкур чоралар, табиийки, кўпчилик большевиклар учун одатий эмас эди. Хусусан, “Известия” газетасининг 1919 йил 26 январ сонида “Наҳотки ўрта аср қийноқ хоналари?” сарлавҳали мақолани Москвадаги Сушево-Мариинск тумани тергов комиссиясининг қийноқларидан тасодифан жабрланган РКП(Россия коммунистик партияси) аъзосининг хати билан чоп этади.

“Мен тасодифан қамоққа олиндим, айнан сохта керенкалар (Керенскийнинг вақтли ҳукумати даврида чиқарилган қофоз пул) чиқарилган жойда... Сўроққача 10 кун ўтиридим ва мумкин бўлмаган нарсаларни бошимдан ўтказдим... Бу ерда инсонларни ҳушидан кетгунча калтаклашарди, кейин эса ертўла ёки музлатгичга ташлашар, у ерда суткасига 18 соатлик фарқ билан калтаклашда давом этишарди. Бу менга шунчалик таъсир қилдики, ақлимни йўқотаёздим”.<sup>64</sup>

<sup>62</sup> С. П. Мельгунов. “Красный террор” в России 1918—1923.

<sup>63</sup> С. П. Мельгунов. “Красный террор” в России 1918—1923.

<sup>64</sup> С. П. Мельгунов. “Красный террор” в России 1918—1923.

“Правда” газетасининг 1919 йил 22 февралдаги 12-сонида Владимирск ФКси томонидан “товорнларга игна санчилаётгани” ҳақидаги хабар чоп этилади.<sup>65</sup>

“Социалистический Вестник” газетасининг 1922 йил 21 сентябрдаги сонида жамоат қораловчиси Шапиро ва терговчи-маърузачи Олшанскийлар Ставропол шахри губерния Трибунали комиссияси жиноий қидирав вақтида қўлланилган қийноқлар тафтиши натижалари ҳақида ёзади. Комиссиянинг аниқлашича, оддий калтаклаш, осиш ва бошқа қийноқлардан ташқари, жиноят қидирав раҳбари, Ставропол ижроия қўмитаси, РКП(б) Губком (Губерния камитети) аъзоси, маҳаллий Давлат сиёsat бошқармаси раҳбар ўринбосари Григоривичнинг бошчилигида ва шахсан иштирокида Ставропол жиноят қидирудида қўйидаги жазолар қўлланилган.<sup>66</sup>

Қайноқ ертўла – уч қадам узунлик ва бир яrim қадам кенглиқдаги икки-уч поғонали, ойнасиз камера бўлиб, у ерга, аниқланнишича, 18 киши, эркаклар ва аёллар 2-3 суткага емишсиз, сувсиз ва “табиий эҳтиёжларни қондириш” хукуқисиз жойлаштирилади.

Совуқ ертўла – илгариги музхонадан чуқур бўлиб, у ерга қишки қаҳратонларда яланғоч маҳбуслар жойлаштирилган ва аниқланган маълумотларга кўра, устидан 8 чеълаккача сув қўйилган.

Бош суюгини ўлчаш – сўроқ қилинаётганинг боши каноп ип билан боғланади, тахтачани мих билан қалаб, кийгазилиб, айлантирилади, натижада бош суюги қисилади... Бу бош териси соч билан бирга ажралиб чиққунча давом эттирилиши мумкин.

Қамалганларни қочиб кетишга уриниш баҳонасида ўлдириш.<sup>67</sup>

Аксилинқилобга қарши курашда қамалган аёллар шафқатсизликка дуч келган. Масалан, Вологодскга жойлашган қамоқхонада қамалган аёлларнинг деярли барчаси қамоқхона раҳбариюти томонидан зўрланган.<sup>68</sup>

<sup>65</sup> С. П. Мельгунов. “Красный террор” в России 1918—1923.

<sup>66</sup> С. П. Мельгунов. «Красный террор» в России 1918—1923

<sup>67</sup> С. П. Мельгунов. «Красный террор» в России 1918—1923

<sup>68</sup> С. П. Мельгунов. «Красный террор» в России 1918—1923

“Кетаётиб назоратчи аёл бизга эҳтиёт бўлишимизни тайинларди: кечаси бизнинг олдимизга маълум мақсад учун назоратчи ёки мудирнинг ўзи келиши мумкин. Одат шунаقا эди. Босқичма-босқич келган аёлларнинг барчасидан фойдаланишарди. Шу билан бирга барча хизматчилар касал эди ва улар аёлларга ўз касалликларини юқтиришарди... Огоҳлантиришлар бехуда эмас эди...”<sup>69</sup>

Қизил террор расман 1918 йилнинг 6 ноябрида тугатилган. Баъзи маълумотларга кўра, 1918 йил давомида ВЧК томонидан 31 минг инсон жазоланган, улардан 6 мингтаси отиб ташланган. 1918 йилнинг октябринида меньшевиклар партияси раҳбари Ю. Мартовнинг берган баёнотига кўра, қизил террор доирасида ФК репрессияси қурбонлари сентябр ойининг бошидан бери ўн мингдан кўпроқни ташкил этган.<sup>70</sup>

Лекин 1922 йилда В.И. Ленин террорни тугатиш имконсиз эканини ва уни қонунан тартибга солиш зарурлигини таъкидлайди. Бу ҳақда унинг Курск адлия халқ комиссарлигига 1922 йил 17 майда йўллаган мактубида ёзилган:

“Суд террорни йўқ қиласлиги керак; бунга ваъда бериш ўз-ўзини алдаш ёки кўзбўямачилик бўларди. Уни асослаш ва қонунлаштириш зарурати эса муболағасиз аниқ равшандир. Иложи борича кенгроқ таърифлаш керак, чунки ўз хукуқини таниш ва виждан оз ёки қўп даражада амалда қўллаш шартларини белгилайди. Коммунистик салом билан, Ленин”.<sup>71</sup>

Машҳур чекист М.Я. Лацис қизил террор принципларига қўйидагича таъриф беради:

“Биз алоҳида тоифадаги кишиларга нисбатан уруш олиб бораётганимиз йўқ. Биз буржуазияни синф сифатида йўқ қилмоқдамиз. Терговда айбланувчининг хатти-харакати ёки сўзи билан совет ҳукуматига қарши эканлигига доир манба ёки далилларни қидирманг. Унга беришимиз лозим бўлган биринчи савол – у қайси синфга тегишли, унинг келиб чиқиши, тарбияси, маълумоти ёки касби нима? Айнан мана шу саволлар

<sup>69</sup> С. П. Мельгунов. «Красный террор» в России 1918—1923

<sup>70</sup> Письмо Ю. Мартова А. Штейну от 25 октября 1918 года приводится в кн.: V. Brovkin, Behind the Front Lines of the Civil War, Princeton, 1994, p. 283.

<sup>71</sup> Сергей Татарников «Пытки: прошлое без настоящего» // КОДЕКСinfo № 19(151) от 24 апреля 1996

айбланувчининг тақдирини ҳал қилиши керак. Қизил террорнинг мазмун-моҳияти – мана шунда!»<sup>72</sup>

Кўпчилик большевиклар ҳаракати раҳнамолари ва ВЧК аъзоларининг мулоҳазаларини такрорлаган М.Я. Лациснинг фикрига кўра:

“Нафақат мавжуд душман кучларини яксон қилиш, балки кимки амалдаги синфий тузумга қарши қилич кўтарса, ўша қиличининг ўзи билан ўлдирилиши лозим. Буржуазия пролетариатга қарши олиб борган фуқаролар урушида айнан мана шу қоидага кўра ҳаракат қилган. Биз ҳали ушбу қоидани етарлича ўрганганимиз йўқ. Улар бизни юзлаб, минглаб ўлдирмоқда. Биз эса уларни комиссия ва судларда узок мухокама қилингандан кейин, битталаб қатл этяпмиз. Фуқаролар урушида душманлар устидан суд қилишга ўрин йўқ. Бу – ҳаёт-мамот жанги. Агар ўлдирмасанг, сени ўлдиришади. Ўлишни истамасанг, ўлдир!”<sup>73</sup>

Шу билан бирга, унинг сўзларига кўра, ФК органлари янги инқилобий ҳукумат душманларини ўлдириш, йўқ қилиш бўйича қарор қабул қилишда етарлича қаттиққўллик ва қатъийлик билан ҳаракат қилмаганлар: “Агарда ФКни нимададир айблаш мумкин бўлса, отиб ташлашга ҳукм қилишда ҳаракатсизлик, олий жазони етарли даражада қўлламасликда айблаш мумкин. Талабчан темир қўл доим қурбонлар сонини камайтиради”.<sup>74</sup>

М. Лациснинг шахсан ўзи томонидан нашр этилган маълумотларга кўра, 1918 йил ва 1919 йилнинг 7 ойи мобайнида 8389 киши отиб ташланган, улардан: Петроград ФК томонидан – 1206; Москва – 234; Киев – 825; ВЧК томонидан 781 киши, концлагерларга 9496, қамоқхоналарга 34334 киши отувга ҳукм қилинган; 13111 инсон гаровга олинган ва 86893 киши қамоқقا ташланган.<sup>75</sup>

Баъзи тарихшунослар 1918 йилдан 1919 йилга қадар 9641 кишининг отиб ташланганлигини маълум қилишади. Бу жазо огоҳлантирувчи чора сифатида гаровдагиларга нисбатан ҳам,

<sup>72</sup> Лацис М. И. «Красный террор». 01.11.1918, Казань.

<sup>73</sup> «Известия», 23 августа 1918 г., цит. по: G. Leggett, op. cit., p. 104.

<sup>74</sup> М. Лацис, цит. соч., с. 25.

<sup>75</sup> Лацис М. И. «Два года борьбы на внутреннем фронте». // Москва — 1920. с. 75, с.76.

бошқа шубҳали шахсларга нисбатан ҳам қўлланилган.<sup>76</sup> Жойлардаги Фавқулодда комиссияларга кўрсатманинг 37-бандига мувофиқ, 1918 йил декабридан Фкларга алоҳида ҳолларда (маъмурий тартибда, лекин суд эмас) отиб ташлаш жазосини қўллаш хуқуқи берилганди.<sup>77</sup>

Шу билан бирга террор нафақат сиёсий душманларга, балки умумий жиноятчиларга нисбатан ҳам йўналтирилганди: “Петроград ва инқилоб манфаатлари учун аксилинқилобчи деб эълон қилинган барча жиноят унсурларига нисбатан қизил террор эълон қилиш лозим”.<sup>78</sup>

1919 йилнинг 12 апрелида ВЦИК Декрет эълон қиласи, унда “Инқилоб трибуналари ҳақидаги Низом” тасдиқланади. Унда ишнинг ҳолати ва инқилобий виждонга амал қилган ҳолда Трибуналларга тақдим этилган жазолаш чораларини қўллашда чекланмаган хукуқлардан фойдаланиб, хукмларни чиқариш тартиби белгилаб берилганди. Кейинчалик, 1920 йил 18 марта “Инқилоб трибуналари Низоми” ушбу хукуқни амалдаги қонунчилик меъёрлари доирасида тасдиқлайди.

1919 йилнинг июнида В.И. Ленинга Украина ВЧК органларининг қизил террор давридада йўл қўйган қонун хатолари ҳақида маълумот берилади. Илгарироқ В.И. Ленин фавқулодда чоралар ва террор шароитида кўпинча қонунийликнинг бузилишига олиб келувчи ёлғон маълумотлар етказишни янада қаттикроқ таъқиб қилиш ва бунинг учун отиб ташлаш лозимлигига эътибор қаратганди.<sup>79</sup>

1920 йилнинг ноябрида амнистия бериш бўйича Москва комиссияси раиси маҳбусларнинг хужжатларини ўрганиб чиқиш натижалари ҳақида баёнот берар экан, бундай деб ёзади: “Ўрганиб чиқилган ишларнинг сўровнома карточкаларидаги “нима учун судланган” бандида 150 га яқин турли-туман жавобларга дуч келинди... У ерда одатий, замонавий жиноятлар – чайқовчилик, аксилинқилобчи, пора олиш, бандитлик, ўғрилик, мансабга оид

<sup>76</sup> Верт Н. История советского государства. 1900—1991. М., 1992. С. 130—131.

<sup>77</sup> Лубянка. ВЧК — ОГПУ — НКВД — НКГБ — МГБ — КГБ. 1917—1960. Справочник / А. И. Кокурина, Н. В. Петрова. М., 1997. С. 172.

<sup>78</sup> А. Н. Павлов «Преступный мир Ленинграда в период НЭП» // История государства и права, 2006, № 6.

<sup>79</sup> А. Велидов „Красная книга ВЧК“

жиноятчилик, дезертирлик...дан ташқари, “сергаплиги учун”, “эътиқоди учун”, “оқларнинг қўлида бўлган қариндошлари учун” (фуқаролик урушининг охирига қадар Вятск губеринияси ФК томонидан 8 кишидан иборат 12 ёшдан 70 ёшгача бўлган бутун Семёновлар деҳқон оиласи қамоқقا олинган)”, “Совет ҳукуматини танқид қилгани учун”, “Кремлга хужум қилингани ҳақида мишиш тарқатгани учун”, “шубҳали унсур сифатида”, “сиёсий муносабатларда ишончсиз”, “ичкилиkbозлиги учун” (фуқаролик уруши охирига қадар), “фоҳишабозлик учун”, “такасалтанглик учун”, “1905 йилги рус халқи Иттифоқида иштирок этгани учун”, “кадетлик учун”, “илгариги хизмат учун”, “фронт яқинидаги йўлда яшагани учун”, “ёлғон миш-мишлар тарқатгани учун” каби ва бошқа жавоблар ҳам бор эди.

Жазо муддатлари ҳам худди жиноят номлари каби хилма-хил эди. Жазони ўташ муддатлари турлича ифодаланганди: 3 ой, 6 ой, бир, икки, уч, беш, ўн, ўн беш, йигирма йил; вояга етгунга қадар, сиёсий қиёфаси аниқлангунча, муддатсиз, Польша уруши тугагунга қадар, фуқаролар уруши тугагунча, Польша билан тинчлик шартномаси ратификация қилингунча, Фарбий фронт йўқ қилингунга қадар, Эстония билан тинчлик битимиға келгунга қадар, Совет ҳукумати мустаҳкамлангунча...”<sup>80</sup>.

## **БОЛЬШЕВИКЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЗГОЛОНЛАРНИНГ БОСТИРИЛИШИ**

Большевикларга қарши қўзғолонлар, энг аввало, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашга қаршилик қўрсатган деҳқонлар қўзғолони бўлиб, ВЧКнинг алоҳида тайинланган бўлимлари томонидан аёвсиз бостирилган.

Ярославск қўзғолони вақтида “Правда” газетаси ўч олишга чакириб, 1918 йил 14 июлда мурожаатнома чоп этади (яъни

<sup>80</sup> Из доклада председателя Комиссии по проведению амнистии А. Г. Глузмана в президиум Моссовета о деятельности Московской комиссии.

Д. Б. Павлов. «Трибунальный этап советской судебной системы». 1917—1922 гг., «Вопросы истории», № 6, 2007

большевиклар томонидан қизил террор ҳақида расман эълон берилишидан анча олдин):<sup>81</sup>

“Ярославлда қўзғолончи оқ гвардиячилар томонидан Доброхотов, Закгейм, Нахимсон ўлдирилди. Ўртоқ ярославликлар! Биз сиздан жавоб кутамиз: уч нафар дўстимизнинг қадрли ҳаёти учун сиз қанча ярамас ва текинхўрларни ўлдиредингиз? Поп, офицер, банкчи, фабрикачи, монах, савдогар – барибир, на жубба, на мундир, на диплом уларга химоя бўла олмайди. Оқ гвардиячиларга ҳеч қандай раҳм-шафқат йўқ!

10 августда Ленин Пенза губерниясидаги қулоқлар қўзғолонини бостириш ҳақида телеграмма жўнатади:

“Пензага.

Ўртоқ Кураев, Минкин ва бошқа пензалик коммунистларга.

Ўртоқлар! Қулоқларнинг бешта волостдаги қўзғолонлари аёвсиз бостирилиши керак. Буни бутун инқилоб манфаатлари талаб этади, чунки энди бу қулоқлар билан охирги ҳал қилувчи курашдир. Ўрнак кўрсатиш шарт.

1. 100 тадан кам бўлмаган миқдорда машҳур қулоқлар, қишлоқ бойлари, қонхўрлар осилсин (халқ кўриши учун сўзсиз осилсин).

2. Уларнинг исмлари эълон қилинсин.

3. Улар бор будидан жудо қилинсин.

4. Кечаги телеграммага мувофиқ – гаровдагилар белгилансин.

Шундай қилинки, юз чақирим наридан ҳам халқ кўрсин, титрасин, билсин, бақирсан: қонхўр қулоқлар бўғилсин ва ўлдирилсин.

Олганлигингиж ва ижро этганлигингиж хабарини беринг. Сизнинг Ленин”.

ФКнинг қўзғолонларни бостириш жазо чоралари ҳақидаги хабарларидан:

1919 йил 30 апрел Тамбов губернияси. Апрел бошида Лебедянск уездидан инсонлар ва отлар сафарбар қилинганлиги, нонни ҳисобга олиш бошланганлиги сабаб қулоқлар ва дезертирлар қўзғолон кўтардилар. Қўзғолоннинг шиори “Коммунистлар йўқолсин! Иттифоқ йўқолсин!” эди.

<sup>81</sup> Кидяров А. Е. Ярославский мятеж 1918 г. и православная церковь. II Романовские чтения. Центр и провинция в системе Российской государственности: материалы конференции. Сайт «Хронос» (26—27 марта 2009 года).

Кўзғолончилар тўртта волост ижроия қўмиталарини яксон қиласидилар, етти нафар коммунистни ваҳшийларча қийноққа соладилар, тириклиайн арралаб ташлайдилар. Ёрдамга келган ички қўшинларнинг 212-отряди қулоқлар қўзғолонини бостиради, 60 киши ҳибсга олинади. 50 нафари жойида отиб ташланади, қўзғолон бошланган қишлоқ ёқиб юборилади.

1919 йил 11 июнь. Воронеж губернияси. Ахвол яхшиланмоқда. Новохопёрскдаги қўзғолонга барҳам берилди деб ҳисоблаш мумкин. Кўзғолоннинг ини – Третъяки қишлоғи аэропланлар орқали бомбага тутилиб, ёқиб юборилди. Ҳаракатлар давом этмоқда.”

1919 йил 23 июнь Ярославл. Петропавловск волостидаги дезертирлар исёни бостирилди. Дезертирларнинг оиласи гаров сифатида олинди. Ҳар бир оиладан эркаклар отила бошлагач, яшиллар ўрмондан чиқиб келиб, таслим бўла бошлади. 34 та қуролланган дезертир отиб ташланди.<sup>82</sup>

1921 йилдаги Тамбов қўзғолонини бостириш вақтида хабар берилади:

Босқинчи тўдаларда иштирок этган кимсаларнинг яқин қариндошлари бутун оиласи билан, жинс ва ёшига қарамасдан, тўлалигича гаровга олинмоқда. Лагерларга жуда кўп болалар, энг кичкина ёшдагилардан тортиб, ҳаттоқи эмизиклилари ҳам келиб тушмоқда.

### **Латвия ва Эстониядаги террор ҳақида Лениннинг мактуби**

1920 йилнинг ўрталарида Совет Иттифоқи тинчлик келишувини тузган Эстония ва Латвияда аксилинқилоб отрядларга кўнгиллиларнинг ёзилиши бораётгани ҳақида маълумот олганидан сўнг, Ленин республика Реввоенсовет (Иттифоқ ҳарбий кенгаши) раиси ўринbosари Э.М. Склянскийга бундай деб ёzáди:

“Ажойиб режа! Уни Дзержинский билан бирга якунланг. “Яшиллар” кўринишида (кейин биз уларга ағдарамиз) 10-20

<sup>82</sup> Данилов В. П. Советская деревня глазами ВЧК — ОГПУ — НКВД. 1918—1922. — М., 1998. Со ссылкой на Российский государственный военно-исторический архив, 33987/3/32.

чақирим юрамиз ва қулоклар, поплар, помешчикларни хабардор қиласиз. Мукофот: ҳар бир осилган учун 100000 р”.<sup>83</sup>

## 1920 йилдаги Кримдаги қатлиомлар

Рус армияси Кримни тарк этгач, яrimорол худудида жуда кўплаб офицерлар ва аскарлар қолди, улар у ери тарк эта олишмади ёки тарк этишини исташмади.

14 ноябрда Крим ревкоми (инқилоб комиссияси) ташкил этилди. Унга чекланмаган ваколатлар берилди. ИКга Бела Кун раҳбарлик қилди, Лиде, Гавен, Меметов, Идрисов ва Давидов-Вульфсонлар аъзолари бўлишиди. Кейинроқ ИК таркибиға Землячка кирди. Крим ИК яrimоролда дарҳол фавқулодда ҳолат эълон қилди ва зудлик билан террор сиёсатини ўтказа бошлади, унинг зулм даражаси бошқа минтақаларнидан ошиб тушди<sup>84</sup>.

16 ноября ВЧК бошлиғи Ф. Дзержинский томонидан Кримни аксилиңқилобчилардан тозалаш ишларини бошлаш ҳакида буйруқ берилади. Умумий раҳбарлик Г. Пятаковга топширилганди. 17 ноября 1919 йилнинг июнидан бошлаб Кримга келган барча чет эл фуқароларини; офицерлар, ҳарбий давр амалдорлари ва Кўнгиллилар армияси хизматчиларининг барини мажбурий рўйхатдан ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқади. Рўйхатга олинганлар, дастлаб, казармаларга йигилади, кейин эса қамоқхоналарга жўнатилади. Тез орада қўлга олинганларни отиб, осиб, денгизда чўқтириб ўлдира бошладилар.<sup>85</sup>

Террорнинг асосий раҳбарлари Бела Кун ва Землячка бўлишиди, лекин Крим ФК ва Қизил армиянинг маҳсус бўлимлари ҳам муҳим ўрин эгаллашди. Хусусан, 21 ноября Жанубий ва Жануби-Фарбий фронтнинг маҳсус бўлими бошлиғи ўринбосари Е.Г. Евдокимов раҳбарлиги остида Крим зарба гуруҳи ташкил этилади. Бу гуруҳ фаолияти натижасида 12000 киши қўлга

<sup>83</sup> Литвин А. Л. “Красный и Белый террор в России в 1917—1922 годах”.

<sup>84</sup> Политичний терор и терроризм в Україні XIX-XX ст.: Історичні нариси / НАН України; Інститут історії України / Видп. ред. В. А. Смолій. — К.: Наук. думка, 2002. — 952 с. ISBN 7-7702-3348-9.

<sup>85</sup> Политичний терори терроризм в Україні XIX-XX ст.: Історичні нариси / НАН України; Інститут історії України / Видп. ред. В. А. Смолій. — К.: Наук. думка, 2002. — 952 с. ISBN 7-7702-3348-9.

олинади, улардан 30 тачаси губернатор, 50дан ортиғи генерал, 300дан зиёди полковник, яна шунчаси контрразведкачи ва айғоқчи еди.<sup>86</sup>

Кримдаги террор аҳолининг энг кенг ижтимоий қатламларига таъсирини ўтказади: офицерлар ва ҳарбий амалдорлар, аскарлар, шифокорлар ва Қизил Хоч хизматчилари, меҳр-муруват ҳамширалари, ветеринарлар, ўқитувчилар, амалдорлар, умумдавлат кенгаши фаоллари, журналистлар, муҳандислар, собиқ зодагонлар, руҳонийлар, дехқонлар, ҳаттоқи лазаретдаги (ҳарбий касалхона) касаллар ва жароҳат олганларни ҳам ўлдиришарди.<sup>87</sup>

Ўлдирилган ва қийноққа солинганларнинг аниқ сони маълум эмас ва манбадан манбага турличадир. Тарихчилардан С.П. Мельгунов биринчи бўлиб террорнинг кўламига баҳо беради, у китобида ёзишича, расмий маълумотларга кўра, 56000 киши отиб ташланган. Крим тарихчиси В.П. Петров минимал ва исботланган сон 20000 кишини ташкил этиши ҳақида қўрсатма берган.<sup>88</sup> М.Султан-Галиев 70000 ҳақида гапиради, И. Шмелёв эса ўлдирилганларни 120000 нафар дейди.<sup>89</sup> Фуқаролик уруши давридаги Крим тарихи тадқиқотчилари Зарубинлар “ҳеч қандай шубҳасиз, ўн минглаб киши ҳақида ҳисоб боришини тахмин қиласидилар.”<sup>90</sup>

Кенг кўламдаги террор бир қанча иттифоқ ишчиларининг норозилигига сабаб бўлди ва Крим раҳбарияти ўртасида келишмовчиликларни келтириб чиқарди. Яриморолга МК вакили

<sup>86</sup> Абраменко, Л. М. Предисловие Белоконь, С. И. // Последняя обитель. Крым, 1920–1921 годы. — 1-е. — Киев: МАУП, 2005. — 480 с. — ISBN 966-608-424-4.

<sup>87</sup> Политичний терор и терроризм в Україні XIX–XX ст.: Історичні нариси / НАН України; Інститут історії України / Видп. ред. В. А. Смолій. — К.: Наук. думка, 2002. — 952 с. ISBN 7-7702-3348-9.

<sup>88</sup> Петров В. П. К вопросу о красном терроре в Крыму в 1920—1921 гг. // Проблемы истории Крыма: Тезисы докладов научной конференции (23—28 сентября). — Симферополь, 1992. — Выпуск второй. — С. 58—61.

<sup>89</sup> Мельгунов, С. П. Красный террор в России (1918—1923). Чекистский Олимп/С. П. Мельгунов; [предисл. Ю. Н. Емельянова]. — 2-е изд., дополненное. — М.: Айрис-пресс, 2008. — 400 с., [8] л. ил., портр. — (Белая Россия). ISBN 978-5-8112-3269-7

<sup>90</sup> Зарубин, А. Г., Зарубин, В. Г. Красный террор в Крыму: концепция (рус.) // Крым и Россия: неразрывные исторические судьбы и культура Материалы республиканской научно-общественной конференции : Сборник. — Симферополь, 1994. — С. 31—33.

М. Султан–Галиев ташриф буюради. Ишларнинг ҳолатини ўрганиб чикқач, Москвага Кримдаги вазият ҳақида баёнот юборади. Унда у яриморолдаги оммавий террор янглиш бўлганлигини таъкидлайди. Баёнот портлаган бомба таассуротини уйготади, чунки ошкор этилмайдиган партия этикаси бузилишларида аниқ фактлар ва исмлар кўрсатиб ўтилган эди. Ва 1921 йилнинг майидаёқ Кримга ЦК ва СНКнинг комиссияси юборилади. Кун ва Землячка эса чақириб олинади.<sup>91</sup>

### **Православ черковига қарши репрессия**

1918 йилда Ставропол епархиясида 37 та диний хизматчи ўлдирилади, уларнинг орасида 72 ёшли Павел Калиновский ва 80 ёшли руҳоний Золотовскийлар бўлган.<sup>92</sup>

Баъзи қотилликлар ошкора, намойишкорона тахқирлашлар билан биргаликда амалга оширилган. Хусусан, қари дин хизматчиси Золотовскийга аввал аёллар кийимини кийгизишган ва кейин осишган. 1917 йилнинг 8 ноябрида Царскосельск протоиерейси (православ руҳонийсининг расмий номи) Иоанн Kochurov давомли калтаклашларга мубтало бўлади, сўнгра темир йўл тўсинларига боғлаб, чўзиб тортиш орқали ўлдирилади. 1918 йилда Херсон шаҳрида уч нафар православ иерейлари (уиланишига рухсат берилган руҳонийлар) хочга михланадилар. 1918 йилнинг декабрида епископ Соликамский Феофан (Ильменский) социдан бойланган ҳолда муздаги тешикка тиқиб, музлатиб ўлдирилади, Самарада сабиқ Михайловск епископи Исидор (Колоколов) қозиққа ўтқазилиши натижасида ўлади. Перм епископи Андроник (Никольский) ерга тириклайн қўмиб ташланади. Нижегород архиепископи Иоаким (Левицкий) Севастополь соборида халойиқ олдида оёғидан осилган.<sup>93</sup> Серапульск епископи Амвросий (Гудко) от думига боғланган

<sup>91</sup> Политичний терор и терроризм в Україні XIX-XX ст.: Історичні нариси / НАН України; Інститут історії України / Видп. ред. В. А. Смолій. — К.: Наук. думка, 2002. — 952 с. ISBN 7-7702-3348-9.

<sup>92</sup> Красный террор в годы Гражданской войны: По материалам Особой следственной комиссии по расследованию злодеяний большевиков. Под ред. докторов исторических наук Ю. Г. Фельштинского и Г. И. Чернявского / London, 1992.

<sup>93</sup> Биография на сайте “Хронос”.

ҳолда қатл қилинган; 1919 йил Воронежда бир вақтнинг ўзида архиепископ Тихон (Никаноровым) бошчилигига 160 нафар руҳоний ўлдирилади, Тихон Митрофановск монастири черковининг Шоҳ дарвозасига осилади...<sup>94</sup> 1919 йил январ ойининг бошларида бошқалар қаторида епископ Ревельский Платон (Кульбуш) ваҳшийларча ўлдирилади.

1921 йил 9 апрелда Ф. Дзержинский Лацисга қуидагиларни ёзади:

Черков қуламоқда, бунга кўмаклашишимиз керак, лекин унинг янги шаклда қайтадан туғилишига йўл қўймаслик керак. Шу сабабли Черков ағдарилиш сиёсатини ВЧК олиб бориши лозим, бошқа бирор эмас... Бизнинг умидимиз коммунизм, дин эмас. Фақатгина ВЧК йўқ қилиши мумкин...<sup>95</sup>

Ўзгача фикрда бўлиш ва аксилинқилоб билан курашиш сиёсатини татбиқ қилишдаги муҳим жиҳат республикадаги сиёсий, ижтимоий, маданий вазиятга реакцион руҳонийлик деб аталган черковнинг таъсирини батамом йўқ қилиш эди. Хусусан, РКП(б)нинг қизил террор давридаги сиёсатини В.И. Лениннинг 1923 йил 19 марта Сиёсий бюро, ОГПУ, Адлия Халқ комиссиарияти ва Инқилобий трибунал раҳбарларига йўллаган хати аниқлаб беради:

Монастирлар ва черковлардан бойликларни олиш аёвсиз қатъият билан, ҳеч нарса олдида тўхтамасдан ва энг қисқа муддатда амалга оширилиши лозим. Биз қанча реакцион буржуазия ва реакцион руҳонийлик вакилларини отиб ташлай олсанқ, шунча яхши. Айнан ҳозир бу жамоатнинг таъзирини бериш керакки, яна бир неча ўн йил ҳеч қандай қаршилик ҳақида ўйлай олмасинлар”.<sup>96</sup>

Баъзи тарихчиларнинг ҳисобига қўра, 1918 йилдан 1930 йилнинг охирига қадар руҳонийларга қарши репрессияда отиб ташланган ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ўлдирилган

<sup>94</sup> Д.Орехов. “Русские святые и подвижники XX столетия”

<sup>95</sup> Александр ЯКОВЛЕВ, академик. “История и современность. Гимн ненависти и мести”. ЦПА, Ф. 76, оп. 3, ед. хр. 196, л. 2. 3.

<sup>96</sup> Александр ЯКОВЛЕВ, академик. “История и современность. Гимн ненависти и мести”. “Известия ЦК КПСС” № 4, с. 192. — 1992 год. Олег Платонов. История русского народа в XX веке. Том 1 (гл. 39-81). Архивы Кремля. В 2х кн./ Кн.1. Политбюро и Церковь. 1922-1925 гг. М. Новосибирск, “Сибирский хронограф”, 1997 г., стр.143.

дин хизматчиларининг сони 42000 нафарни ташкил этган. Шунга ўхшаш маълумотларни руҳонийларга нисбатан амалга оширилган репрессия ҳақидаги архив материалларига асосланган ҳолда Свято-Тихоновский Богословский институти ҳам келтиради. Уларнинг маълумотига кўра, 1918 йилда 3000 та дин хизматчиси отиб ташланган.<sup>97</sup>

Совет тузумининг кўпийиллик террори ҳукмига қўра қизил террорга учраган руҳонийларни оқлаш 14.03.1996 йилдаги “Дин хизматчилари ва асоссиз репрессия қурбони бўлган диндорларни реабилитация қилиш чоралари тўғрисида”ги РФ Президенти фармонига биноан амалга оширилди.

90-йилларнинг охирида пайдо бўлган нашрлар қаторида 1919 йил 1 майда “ВЦИК томонидан ВЧКнинг раиси Ф.Э. Дзержинскийга 13666/2-сон билан берилган “Поп ва динга қарши кураш тўғрисида”ги махфий фармон” ҳам эълон қилинди. У СНК раиси В.И. Ленин ва ВЦИК раиси Калинин томонидан имзоланган бўлиб, унда руҳонийларни жисмонан йўқ қилишга доир кўрсатмалар назарда тутилган эди.<sup>98</sup> Лекин кейинроқ аниқланишича, ушбу “...Фармон” XX асрнинг 90-йилларида кимлардир томонидан тайёрланган сохта хужжат экан.<sup>99</sup>

### **ВЧКнинг ҳафталиги ва қизил террор**

Ф.Э. Дзержинский ВЧК ҳафталигини чоп этиш ҳақида буйруқ чиқаради, унга қўра аксилинқилобчиларни тугатиш ва “номақбул унсурларни йўқ қилиш” бўйича ФК органларининг фаолияти ҳақидаги маълумотлар чоп этилиши топширилган эди.

<sup>97</sup> Д. В. Поспеловский, “Русская Православная Церковь в ХХ веке”, Москва, 1995., с.168.

<sup>98</sup> ↑ А. Латышев “О рассекречивании трудов Ленина”.

↑ Зоркальцев В. И., член Президиума ЦК КПРФ, «КПРФ и религия» // Полный текст в газете Правда № 123 от 24-25 октября 2000 г., № 124 от 26 октября 2000 г., № 125 от 27-30 октября 2000 г., № 126 от 31 октября — 1 ноября 2000 г.

↑ Карпов В. В., академик. «Генералиссимус»: Историко-док. изд. (в 2 кн.). — Калининград, 2002.

<sup>99</sup> Игорь КУРЛЯНДСКИЙ ПРОТОКОЛЫ ЦЕРКОВНЫХ МУДРЕЦОВ. К ИСТОРИИ МНИМОГО ПОВОРОТА СТАЛИНА К РЕЛИГИИ И ПРАВОСЛАВНОЙ ЦЕРКВИ В 1930-Е ГОДЫ.

Деярли олти ҳафта мобайнида МК партия қарорига мувофиқ (МК партия раҳбарлари ва аъзоларининг кўпчилигининг талабига кўра) “ВЧК ҳафталиги” ёпилгунга қадар, гаровга олинганлар, хибс қилинганлар ва концентрацион лагерларга жўнатилганлар, отиб ташланганлар ва йўқ қилинганлар ҳақида маълумотлар бериб борилди. Шундай қилиб, нашр 1918 йилнинг сентябридан октябригача қизил террорга доир расмий маълумотлар манбаси бўлди. Газетанинг маълумотларига кўра, Н. Булганин бошчилигидаги Нижний Новгород ФК 31 августда 141 та гаровга олинганларни йўқ қилди, 700 нафар гаровга олинганлар бир неча кун ичida хибса сақланди. Вятка шаҳрида Уральск ФК бир ҳафта мобайнида 23 нафар собиқ жандарм, 154 та аксилинқилобчи, 8 та монархист, 28 нафар кадет партияси аъзоларини, 186 та офицер ва 10 та менышевик ва ўнг эсерларни ўлдирди. Иваново-Вознесенск ФК 181 та гаровга олинган, 25 нафар йўқ қилинган аксилинқилобчилар ва концентрацион лагерларда 1000 та ўрин ташкил этилганлиги ҳақида хабар беради. Себежа шаҳри ФК подшо Николай II хотирасига ибодат қилиб, дуо қилган 16 та қулоқ ва попни яксон қиласи; Твер ФК 130 кишини гаровга олади, 39 нафарини ўлдиради; Перм ФКда 50 киши ўлдирилган. Келтирилган рўйхат – маълумотларнинг бир қисми, холос.<sup>100</sup>

Айнан ўша пайтда 1918 йилнинг кузида бошқа босма нашрлар ҳам минглаб ҳибсга олишлар, юзлаб қатллар, аксилинқилобни даҳшатга солиш ва унинг олдини олиш бўйича амалга оширилган чоралар ҳақида маълумотларни ошкора чоп этади. Масалан, “Известия Царицынской Губчека” газетаси расмий баёнотларда 3-10 сентябр кунлари 103 нафар киши йўқ қилинганини, 1918 йилнинг 1 дан 8 ноябряга қадар 371 киши ФК томонидан ҳибсга олинганлигини, улардан 50 нафари қатл этилганлигини, қолганлари ФК органлари томонидан барча аксилинқилобий кўзғолонлар бостирилгунча, эҳтиёт чораси сифатида гаровга олиниб, концентрацион лагерларга ҳукм қилинганини” ёзади.<sup>101</sup> “Известия Пензенской Губчека” нашри қўйидаги маълумотни чоп этади:

<sup>100</sup> “Еженедельник ВЧК”. 22 сентября 1918 — 27 октября 1918 г (6 номеров издания).

<sup>101</sup> „Известия Царицынского Губчека“, № 1, 7 ноября 1918 г., с. 16-22, в Архивах Б. Николаевского в гуверовском институте, Стенфорд; „Известия“, 29 сентября 1918 г., с. 2.

Үртоқ Егоровнинг ўлими учун 152 та оқ гвардиячи отиб ташланди. Бундан кейин пролетариатнинг “темир қўли”га суиқасд қилишга жасорат қилганларга нисбатан бундан ҳам қаттиқроқ чоралар кўрилади.

1918 йилнинг 6 октябрида нашрнинг З-сони Нолинск ФК раисининг “Нимага сиз қўнгли бўшлик қилаяпсиз?” сарлавҳали мақоласини чоп этади.<sup>102</sup>

Айтигчи, нега сиз уни азобларга дучор қилмасдан, ФКни тарк этишига рухсат бердингиз? Кўнгли бўшликка чек қўйинг!.. Хавфли аглаҳ қўлга олинган... Ундан нимаики олиш мумкин бўлса, ўрганинг ва нариги дунёга равона қилинг.<sup>103</sup>

### **“Миллий марказ” иши**

1919 йилнинг 23 сентябрида ВЧК “Совет Россиясининг барча фуқароларига!” деб номланган мурожаатни чоп этади, унда “Миллий марказ”(ММ) аксилинқилобчилар ташкилоти фош қилингани ва унинг раҳбари кадетларнинг МК партияси аъзолари Н.Н. Щепкин, А.Д. Алферов, Н.А. Огородников ва бошқалар отиб ташланганлиги ҳақида хабар берилади.

### **“Тактик марказ” иши**

1920 йилнинг августида “Тактик марказ” деб номланган иш юзасидан олий инқилоб трибунали томонидан 19 кишига қатл ҳукми берилади. Лекин отиб ташлаш жазоси бошқа жазо чоралари билан алмаштирилади:

- марказ ҳайъат аъзоси Н.И. Виноградский ва профессор В.Н. Муравьевлар амнистияга кўра жазодан озод этилиб, 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинадилар;

- кадетларнинг МК партияси аъзолари Ю.Г. Губарева (Топоркова), Н.М. Кишкин, Д.Д. Протопопов, С.А. Котляревский, профессорлар Н.К. Кольцов, В.С. Муралевич, М.С. Фельдштейн, Давлат Думасининг собиқ аъзоси В.И. Стемповскийлар – 5 йилга қамоқ жазосига шартли ҳукм қилинадилар;

<sup>102</sup> С. П. Мельгунов. «Красный террор» в России 1918—1923

<sup>103</sup> С. П. Мельгунов. «Красный террор» в России 1918—1923

– меншевиклар В.Н. Розанов, В.О. Левицкий (Цедербаум), халқ социалисти Г.В. Филатьев, иқтисодчи Н.Д. Кондратьев, собиқ судья И.И. Шейман – фуқаролик иши тугагунга қадар концлагерга қамаладилар;

Д.М. Щепкин, С.М. Леонтьев, С.П. Мельгунов, княз С.Е. Трубецкойлар – 10 йилга озодликдан маҳрум этиладилар. С. П. Мельгунов 1921 йилда озод этилади, кейинроқ чет элга чиқариб юборилади. С.Е. Трубецкой 1922 йилда чет элга кетиш бўйича илтимоснома ёзади ва онаси, синглиси, Софья Щербакова (Новосильцевой), қизи билан бирга чиқиб кетади. Д.М. Щепкин тез орада амнистияга мувофиқ озод этилади; 1922 йилда қайтадан қамалади ва озод этилади;<sup>104</sup> 1937 йилнинг 10 декабрида отиб ташланади ва Бутовск полигонига кўмилади.<sup>105</sup> С.М. Леонтьев 1921 йилнинг августида озод этилади; 1924 йил майда қайтадан ҳибсга олинади ва июнда яна озод этилади; 1930 йил қамалади ва 1931 йилнинг январида Уралга 3 йилга сургун қилинади, лекин 1932 йил августда озод этилади; 1938 йил 10 июнда отиб ташланади;<sup>106</sup> 1989 йилда оқланади;

Професорлар В.М. Устинов ва Г.В. Сергиевскийлар жиноятга шерик бўлганликда айланади (иккаласи ҳам амнистия асосида озод этилади), саноатчи С.А. Морозов, геолог П.Н. Каптерев, “Қизил Хоч”нинг машхур арбоби Л.Н. Хрущёва (3 йилга қамоқ жазосига шартли ҳукм қилинган); “Рус ёшлари иттифоқи” аъзоси Н.С. Пучков, котиба Е.И. Малеина ва Л.Н. Толстойнинг қизи - А.Л. Толстая (3 йилга концлагерга ҳукм қилинади).

### **Казакларни депортация қилиш ва казакчиликка нисбатан репрессия**

1919 йил 24 январда МК ташкилий бюроси йиғилишида бой казаклар, шунингдек, совет ҳукумати билан курашга бевосита ёки билвосита қандайдир алоқаси бўлган барча казакларга нисбатан оммавий террорнинг бошланишига замин яратган директив қабул

<sup>104</sup> Щепкин Дмитрий Митрофанович

<sup>105</sup> Расстрелы в Москве — Р

<sup>106</sup> Сталинские списки

қилинади.<sup>107</sup> 1919 йил 29 январда ВЦИК раиси Я. Свердлов томонидан директивга илова хат имзоланиб, Жанубий фронтнинг партия ташкилотларига юборилади.<sup>108</sup> МК РКП(б) раёсатининг 1919 йил 16 мартдаги қарорига кўра директив кўрсатмалари тўхтатилади. Раёсат қарорида, жумладан, шундай дейилади: “Дондаги шимолий ва жанубий казакчилик ўртасида келишмовчилик яққол намоён бўлмоқда, Шимолий казаклик биз билан ҳамкорлик қилиши мумкинлигини ҳисобга олиб, казакчиликка нисбатан чора кўришни тўхтатамиз ва уларнинг табақалашишига тўсқинлик қилмаймиз”<sup>109</sup> Кейинчалик большевикларнинг репрессив ҳаракатлари синфий аломатга кўра амалга оширилди.

1920 йилнинг кузида 9 минг терсклик казак оилалари (тахминан 45 минг киши) қишлоқларидан чиқазилади ва Архангельск губерниясига депортация қилинади. Ўзбошимчалик билан қайтишларга тўсқинлик қилинади. Бўшатилган ерлар тоғли ингуш ва чечен камбағалларига бериб юборилади.<sup>110</sup>

### **Оқ ҳаракат иштирокчиларининг қабрларига нисбатан амалга оширилган ишлар**

1918 йил 31 мартдаги (13 апрель) Екатеринодарга ўюштирилган муваффақиятсиз хужум натижасида Кўнгиллилар армияси бош қўмондони, инфантерия генерали (чор армияси пиёда қўшинларидаги энг юқори генераллик) Л.Г. Корнилов ҳалок бўлади. Унинг жасади кўнгиллилар томонидан 40 чақирим наридаги немис колонияси Гначбауга олиб борилади ва 1918 йилнинг 2 (15) апрелида яширин тарзда ерга қўйилади.

Кейинги куннинг тонгидаги, 3 апрелда, хужум вақтида кўнгиллилар томонидан эгалланган Екатеринодар атрофида большевиклар пайдо бўлади ва улар дастлабки иш сифатида гўёки кадетлар томонидан кўмилган ғазна ва қимматбаҳо буюмларни

<sup>107</sup> Известия ЦК КПСС, 1989, № 6, с. 178.

<sup>108</sup> П. А. Голуб Правда и ложь о «красказачивании казаков».

<sup>109</sup> Известия ЦК КПСС, 1989, № 8, с. 163.

<sup>110</sup> ↑ У истоков советской депортационной политики: выселения белых казаков и крупных землевладельцев (1918—1925).

↑ Кавказская депортация.

қидиришга ташланадилар.<sup>111</sup> Ушбу қидирувлар вақтида большевиклар янги қабрларга дуч келишади, кейин совет қўмондони Сорокиннинг буйруғига биноан<sup>112</sup> ҳар иккала жасад ҳам кавлаб олинади. Улардан бирида тўлиқ генерал погонларини кўргач, қизиллар бу генерал Корниловнинг жасади деб ўйлашади ва полковник Неженцевнинг жасадини қайтадан қўмиб қўйишади, собиқ Рус армиясининг Олий бош қўмондонининг жасадини битта кўйлакда, устига брезент ёпган ҳолда Екатеринодарга олиб боришади, тахқирлаш ва ҳурматсизликлардан кейин у ёқиб юборилади.<sup>113</sup> Корниловнинг ўлими билан тугаган кўнгиллилар ҳужуми вақтида, қуршаб олинган Екатеринодарда Советларнинг съезди бўлиб ўтаётганди.<sup>114</sup> Съезд доирасида Кубан совет республикаси ташкил этилади ва республиканинг ВЦИК ва СНК сайланади, унда кўпчиликни (16 тадан 10 тасини) большевиклар ташкил этган эди. Съезд охирда Кубан совет республикаси РСФСРнинг таркибида деб эълон қилинади.

Екатеринодарга кирган Лавр Георгиевичнинг жасади юкланган арава Собор майдонига – Губкин меҳмонхонаси ҳовлисига йўл олади. У ерда Шимолий–Кавказ қизил армияси қўмондонлари Сорокин, Золотарёв, Чистов, Чуприн ва бошқалар истиқомат қилишарди. Меҳмонхона ҳовлиси қизил армиячиларга тўла эди, улар генерал Корниловни сўкишарди.

Сорокин ва Золотарёв ўлган генерал жасадини расмга олишга буйруқ берадилар. Корнилов жасади расмга олиб бўлингач, Сорокин ва Золотарёв мурданинг танасидан кителини ечишни ва танани дарахтга осишни буюришади, кейин эса қилич билан зарбалар беришади. Сархуш қизил қўмондонлар генералнинг

<sup>111</sup> Красный террор в годы Гражданской войны: По материалам Особой следственной комиссии по расследованию злодеяний большевиков. Под ред. докторов исторических наук Ю. Г. Фельштинского и Г. И. Чернявского / London, 1992. Белое движение. Поход от Тихого Дона до Тихого океана. — М.: Вече, 2007. — 378 с. — (За веру и верность). — ISBN 978-5-9533-1988-1, стр. 50.

<sup>112</sup> Цветков В. Ж. Лавр Георгиевич Корнилов.

<sup>113</sup> Кенез Питер Красная атака, белое сопротивление. 1917—1918/Пер. с англ. К. А. Никифорова. — М.: ЗАО Центрполиграф, 2007. — 287 с — (Россия в переломный момент истории). ISBN 978-5-9524-2748-8, стр. 119—120.

↑ Кенез Питер Красная атака, белое сопротивление. 1917—1918/Пер. с англ. К. А. Никифорова. — М.: ЗАО Центрполиграф, 2007. — 287 с — (Россия в переломный момент истории). ISBN 978-5-9524-2748-8, стр. 117.

<sup>114</sup> Иоффе Г. З. Иоффе Г. З. «Белое дело. Генерал Корнилов.» М., 1989 г., С. 258.

танасини қиймалаб ташлаганидан кейин, уни шаҳар күшхонасига олиб бориб ташлашга буйруқ берадилар.<sup>115</sup>

Ҳатто совет тарихшунослигига ҳам большевикларнинг ўлдирилган генералнинг танастига нисбатан қилган ҳаракатлари шахсиятга тегиши деб аталади, жасадни таҳқирлаш ва уни ёқилишига йўл қўйиб берган совет қўмандони И. Сорокин эса яққол қоралаш билан эсга олинади.<sup>116</sup>

Шаҳар күшхонасига етиб келгач, Рус армиясининг ўлдирилган собиқ олий бош қўмандонининг танастини аравадан туширишади, воқеа жойига автомобилларида етиб келган большевиклар ҳукуматининг олий вакиллари иштироқида<sup>117</sup> дастлаб атрофини сомон билан ўраб, ёқа бошлашади.<sup>118</sup> Олов хунук аҳволга келтирилган жасадни қуршаб ола бошлагач, солдатлар югуриб келишди ва найзаларини унинг қорнига санчишди, кейин яна сомон қўйиб, яна ёқишли. Бу ишнинг тугасига бир кун етмади: эртаси куни ҳам большевиклар генералнинг қолдиқларини ёқишида давом этишди, ёқишида ва оёқлари билан топташди. Кейин йиғилган кулни кўкка совуришди. Бу воқеаларни томоша қилиш учун Екатеринодар шаҳрида ўша пайтда бўлган барча қўмандонлар ва комиссарлар йиғилишди.<sup>119</sup>

Мавжуд маълумотларга кўра большевикларнинг қабиҳликларини тадқиқ қилган Махсус тергов комиссиясининг материалиларида генерал Корниловнинг жасадини қиймалаган большевиклардан бири мурда заҳрини юқтирган ва ўлган<sup>120</sup>.

Бир неча кундан кейин большевиклар ҳукумати Корниловнинг дафн қилиниши муносабати билан масхарабозлик маросимини ўтказадилар: шаҳар бўйича оломон кўз ўнгидаги масхарабоз кийимида юришлар уюштирилади. Бу Корниловнинг

<sup>115</sup> Белое движение. Поход от Тихого Дона до Тихого океана. — М.: Вече, 2007. — 378 с. — (За веру и верность). — ISBN 978-5-9533-1988-1, стр. 50.

<sup>116</sup> Иоффе Г. З. Иоффе Г. З. «Белое дело. Генерал Корнилов.» М., 1989 г., С. 258.

<sup>117</sup> Очерки Русской Смуты.

<sup>118</sup> Иоффе Г. З. Иоффе Г. З. «Белое дело. Генерал Корнилов.» М., 1989 г., С. 258.

<sup>119</sup> Белое движение. Поход от Тихого Дона до Тихого океана. — М.: Вече, 2007. — 378 с. — (За веру и верность). — ISBN 978-5-9533-1988-1, стр. 50.

<sup>120</sup> Красный террор в годы Гражданской войны: По материалам Особой следственной комиссии по расследованию злодеяний большевиков. Под ред. докторов исторических наук Ю. Г. Фельштинского и Г. И. Чернявского / London, 1992. Предисловие.

дафн маросимини ифода этиши лозим эди. Бу воқеа сабаб шаҳар ахолиси “руҳ хотираси учун товон”га тутилганди: масхараbos кийимидағилар уйларнинг олдида тўхтаб, қўнғироқларини чалишарди ва Корнилов руҳини хотирлаш учун одамлардан пул талаб қилишарди.<sup>121</sup>

Ҳарбий тарихчи Армен Гаспаряннинг ёзишича, Махсус тергов комиссияси томонидан тафтиш қилинган Екатеринодар озод қилингандан кейинги бошлбшевикларнинг қабиҳликлари, Деникин қўшини томонидан Кўнгиллилар армиясининг бош қўмондонининг устидан қилинган разилликлар Корнилов ҳужумчи полки – ВСЮРнинг энг олий “гултож”ларидан бири бўлган ва шунга қадар на комиссар, на офицер, на Қизил армияда хизмат қилганларнинг биронтасини асирга олмаган қисм томонидан ҳеч қачон унутилмади. Шундай қилиб, генерал Корнилов жасадининг таҳқирланиши Фуқаролик урушининг кескинлашувига муайян таъсирини ўтказди.

### **Таниқли қурбонлар Романовлар уйи аъзолари**

Николай II (у билан бирга унинг барча оила аъзолари, доктор Боткин ва хизматкор аёл ўлдирилади.

Буюк князлар: Михаил Александрович, унинг инглиз котиби Брайан Джонсон, Николай Михайлович, Павел Александрович, Дмитрий Константинович, Георгий Михайлович.

Буюк княгиня Елизавета Фёдоровна; императорлар наслидан бўлган князлар Иоанн Константинович, Константин Константинович (кенж), Игорь Константинович (буюк княз Константин Константиновичнинг фарзандлари), княз Владимир Павлович Палей (буюк княз Павел Александровичнинг Ольга Пистолькорс билан никоҳидаги ўғли).

### **Россия империясининг давлат хизматчилари Россия империяси ҳукуматининг вазирлари**

<sup>121</sup> Белое движение. Поход от Тихого Дона до Тихого океана. — М.: Вече, 2007. — 378 с. — (За веру и верность). — ISBN 978-5-9533-1988-1, стр. 50.

А.Н. Хвостов, Н.А. Маклаков, А.А. Макаров, А.Г. Булыгин, Н.А. Добровольский, А.Д. Протопопов, С.В. Рухлов, И.Г. Щегловитов. Г.Э. Зенгер, М.А. Беляев.

### **Россия империясининг губернаторлари ва генерал – губернаторлари**

Н.Н. Медем, А.П. Сабуров, Н.И. Суковкин, Я.Е. Эрдели, Н.Д. Голицын, М.Н. Шрамченко, А.Б. Нейдгардт, Ф.А. Зейн, А.В. Гудович, Д.Н. Татищев, А.А. Ломачевский, К.С. Нолькен, Ф.А. Бантыш, Н.П. Урусов, Н.А. Айгустов, В.Ф. Трепов.

### **Рус императорлик армиясининг генераллари**

Н.И. Алексеев, Н.П. Бирюков, Н.П. Бобырь, М.М. Бородкин, М.П. Бабич, В.В. Бонч-Осмоловский, А.И. Багратион-Мухранский, А.П. Вернандер, А.Н. Волков, Н.Н. Духонин, Я.Г. Жилинский, В.А. Комаров, Г.Н. Мазуров, П.А. Мачканин, В.И. Невражин, А.В. Перепеловский, С.А. Перфильев, Э.Ф. Раддац, А.Н. Рыков, Н.В. Рузский, Радко Дмитриев, П.К. Ренненкампф, В.В. Смирнов, С.Е. Толстов, Г.А. Туманов, Г. Нахичеванский, А.П. Шевцов, М.И. Эбелов, Н.Н. Янушкевич

### **Россия императорлик флоти адмираллари**

А.М. Щастный, М.К. Бахирев, В.К. Гирс, С.В. Зарубаев, К.Д. Нилов, С.Ф. Васильковский, А.П. Капнист, Н.С. Маньковский, М.Ф. Шульц, Н.М. Яковлев, А.В. Колчак.

### **Сенаторлар ва бошқа юқори амалдорлар**

С.П. Белецкий, О.Ю. Виппер, С.Е. Виссарионов, А.А. Зеленцов, И.Е. Ильяшенко, Н.С. Крашенинников, И.П. Манус, А.П. Нарышкин, В.Т. Судейкин, А.О. Эссэн, Н.Д. Голицын

### **Сиёсатчилар ва жамоат арбоблари**

А.В. Адрианов, В.А. Жардецкий, П.Я. Армашевский, М.О. Меньшиков, М.П. Богаевский, П.Ф. Булацель, А.Н. Быков, А.И. Шингарёв, А.И. Дубровин, М.Л. Коган-Бернштейн, Н.В. Клейнмихель, А.И. Коновницын, И.П. Матченко, Б.В. Никольский, В.Г. Орлов, Е.А. Полубояринова, В.В. Пашуканис, И.Е. Ракович, И.И. Дусинский, П.Н. Зепалов,

### **Россия империяси Давлат думаси депутатлари**

Н.Н. Щепкин, П.В. Герасимов, К.Н. Гримм, М.К. Ермолаев, А.Н. Баратынский, К.Л. Бардиж, С.Н. Клочков, И.Я. Павлович, К.К. Черносвитов, Н.И. Шетохин, А.А. Кардашев, А.М. Черносвитов, К.А. Тарасов, Б.Г. Залевский, З.И. Выровой, А.Е. Исупов, Ф.Ф. Кокошкин, Н.В. Огнёв, Н.А. Огородников, П.П. Толстой, (Кўпчиликнинг 1917 йилдан кейинги тақдири номаълум).

### **Тадбиркорлар**

А.П. Слинко, А.Н. Найдёнов

### **Маданият арбоблари (ёзувчилар, шоирлар, рассомлар ва бошқалар)**

А.С. Алфёрова, М.М. Андроников, Николай Гумилёв, Алексей Алексеевич Ганин, Николай Давидович Бурлюк, Тимофей Флоринский, Андрей Сергеевич Вязигин, С.Н. Щёголев.

### **Дин арбоблари**

Иоанн Восторгов, Ефрем (Кузнецов).

### **Олимлар**

А.И. Астров, А.Д. Алфёров, А.А. Волков, А.Р. Колли, В.Н. Таганцев

### **Қизил террорнинг Совет давлати ва партия ичидаги танқид қилиниши**

Қизил террор қурбонлар сонининг кўплиги, ВЧК Ф.Э. Дзержинскийнинг ҳаракатларида асослилик ва қонунийликнинг йўқлиги большевиклар орасида бир қанча партия арбоблари томонидан қаршиликларни келтириб чиқармаслиги имконсиз эди. Бунга 1918 йииднинг октябрь-декабрь ойларидағи баҳс-мунозаралар гувоҳлик беради. Хусусан, 25 октябрда Марказий Қўмита ВЧК тўғрисида янги низомни муҳокама қила бошлайди, партиянинг бир нечта аъзолари ташкилот чекланмаган ҳокимиятга эга эканлигини, ўзларини нафақат Советлардан, балки партиядан ҳам устун қўйишларини қоралайди. Бухарин, Ольминский ва Ички ишлар халқ комиссари Г.И. Петровский “жиноятчилар, шафқатсизлар ва люмпен-пролетариатнинг (капиталистик жамиятда синфий қиёфасини йўқотган аҳоли табақаси – ялангоёқлар, қашшоқлар) ўрнашиб олган унсурлар билан тўла ташкилотнинг ўзбошимчалигига чек қўйиш бўйича чора кўришни талаб қиласидилар, сиёсий назорат комиссиясининг раиси этиб тайинланган Л.Б. Каменев ВЧКни бекор қилишни таклиф қиласиди.<sup>122</sup>

В.И. Ленин ўзининг баъзи ҳаракатлари учун террор масаласини теран англамаган, чегараланган зиёлилар томонидан “ноҳақ” айловга дучор бўлган ФКни қатъий ҳимоя қиласиди.<sup>123</sup>

ФК ни усиз ҳам қатъий бўлмаган танқид қилиш В.И. Лениннинг таклифига кўра, МК РКП(б) томонидан 1918 йил 19 декабрда чиқарилган қарор билан бутунлай тақиқланди.

Партия ва совет нашрларида ўта оғир шароитларда ишлаётган ВЧКнинг фаолияти хақида баъзи мақолаларда бўлгани каби, совет муассасалари ҳақидаги ашаддий танқидларга бундан кейин ўрин бўлмаслиги керак.<sup>124</sup>

## Қурбонлар сони

---

<sup>122</sup> 1.Александр ЯКОВЛЕВ, академик. «История и современность. Гимн ненависти и мести»

2. Архивные материалы: Российский центр хранения и изучения документов новейшей истории, 5/1/2558

<sup>123</sup> Ленин и ВЧК: сборник, с. 122.

<sup>124</sup> Ленин и ВЧК: сборник, с. 133

Роберт Конквестга кўра, 1917 – 1922 йилдаги инқилоб трибуналлари ва ЧКнинг суддан ташкари йиғилишлари ҳукмига мувофиқ 140 минг киши отиб ташланган.

ВЧК тарихини тадқиқ қилган О.Б. Мозохин архив маълумотлариiga асосланиб, ушбу сонни танқид қиласди. Унинг сўзларига кўра, “барча боҳона ва важларни, шубҳаларни инобатга олган ҳолда, ВЧК органларининг қурбонларини 50 минг кишидан ортиқ эмас деб санаш мумкин”. Ўрганилган Фавқулодда комиссия йиғилиши баённомаларига асосланиб, у олий жазо одатдан кўра, кўпроқ истисно тариқасида қўлланилганлигини таъкидлайди, кўпчилик қатл этилганлар умумжиноий ҳаракатлар учун отиб ташланган.<sup>125</sup>

1919 йилнинг охирида генерал Деникин томонидан ташкил этилган махсус комиссия Совет ҳукумати томонидан факатгина 1918-1919 йилларда ўтказилган террор натижасида 1 766 188 киши, шулардан 260 000 солдат ва 54 650 офицер, 1,5 мингга яқин руҳоний, 815 минг деҳқон, 193 минг ишчи, 59 минг полициячи, 13 минг помешчик, 370 мингдан ортикроқ зиёли ва буржуазия вакиллари ҳалок бўлганини аниқлади.<sup>126</sup>

Тарихчи С.В. Волков “қизил террор”га тор маънода – ВЧК органларининг қизил террорга доир қатл қарорлари деб эмас, фуқаролик уруши йилларида (1917-1922) большевикларнинг бутун репрессив сиёсати деб баҳо бериб, бу ёндашувда қизил террорнинг қурбонлари сони 2 миллион кишига яқинни ташкил этишини кўрсатиб ўтган. Тарихчининг айтишича, бальзида бундан ҳам кўпроқ сонни айтишади, лекин бундай ҳолларда террор қурбонларига отиб ташланганларнинг оила аъзоларининг очликдан, касалликдан, яшаш учун манбаси қолмаганлиқдан ва ҳоказодан ҳалок бўлганини ҳам киритишади.<sup>127</sup>

Таққослаш учун: чор Россиясида 1825 йилдан 1905 йилга қадар сиёсий жиноятлар учун 625та қатл ҳукми чиқарилган, шундан фақат 191 таси ижро этилган, инқилоб йилларида эса –

<sup>125</sup> Мозохин О. Б. Правовое регулирование внесудебных полномочий ВЧК.

<sup>126</sup> Геноцид народов России, или Холокост по-русски. Соколов Б. В. Сто великих войн. Гражданская война в России (1917—1922 годы). Мельгунов С. П. «Красный террор» в России 1918—1923. — Ч. IV. На гражданской войне.

<sup>127</sup> Волков С. В. Генетическому фонду России был нанесён чудовищный, не восполненный до сего времени, урон. Сайт «Архипелаг Святая Русь» (август 2010).

1905 дан 1910 йиллар оралиғида – 5735та сиёсий жиноят учун үлим ҳукми чиқарилиб, дала – ҳарбий судларининг ҳукмлари билан қўшиб ҳисоблагандა, улардан 3741 ҳукм ижро этилган.<sup>128</sup>

## Баҳолар

Т.ф.н., профессор П.А. Голуб “Россиядаги оқ террор (1918-1920 й.) асарида таъкидлашича, қизил террор оқ террорга, тарафдорлари, чет эл мамлакатларининг аввалги тузумни қайта тиклаш бўйича босқинчиликларига нисбатан ҳимоя, жавоб, айнан шу сабабли ҳам адолатли реакциясиdir.

Т.ф.д. Ю.Г. Фельштинский ва т.ф.д. Г.И. Чернявскийларнинг таъкидлашича, оммавий террорда мафкуравий ва амалий заруратни кўра олмаган оқлардан фарқли равишда, большевикларнинг террористик сиёсати тамомила ўзгача хусусият ташиган. Большевик раҳнамоларининг баландпарвоз сафсата ва қуруқ гапларига қарамасдан, совет ҳукумати ҳалқ манфаатлари учун уруш олиб бормаган. Шу сабабли большевикларнинг раҳбарлари томонидан бутун деҳқонларга нисбатан зўровонлик ҳаракатлари ўтказилди. Совет ҳукумати ўзининг бу хатти-ҳаракатларида қишлоқнинг – ароқхўр, дангаса такасалтангларига таянган, шу билан бирга уларни “қишлоқ пролетариати” нишони билан ясантириб қўйган. Совет ҳукуматининг ҳалокатли душманлари деб деярли барча зиёлилар ва хўжалик фаолиятида фаол бўлганлар эълон қилинади, улар ўз зиммаларида мамлакат иқтисодий ривожининг юкини кўтарар ва маданиятининг ташувчиси эдилар.<sup>129</sup>

Т.ф.д. Ю.Г. Фельштинский ва т.ф.д. Г.И. Чернявский “Қизил террор” ишида қуйидаги хulosага келишади: қизил террорнинг асосий сабаби совет ҳукуматининг жамиятнинг асосий ижтимоий тузилмаларидан узоклашиши, оддий ишчилар, билим эгалари ва ижтимоий фаол кишиларга душманона муносабатда бўлишларидир. Большевиклар партияси ва ҳукумат раҳбари В.И.

<sup>128</sup> Куртуа С. и др. Чёрная книга коммунизма. — 2-е изд. — Три века истории, 2001. — 780 с. — 100 000 экз. — ISBN 5-95423-037-2.

<sup>129</sup> Красный террор в годы Гражданской войны: По материалам Особой следственной комиссии по расследованию злодеяний большевиков. Под ред. докторов исторических наук Ю. Г. Фельштинского и Г. И. Чернявского / London, 1992.

Лениннинг юқори қўллаб-қувватлаши билан ўтказилган қизил террор ҳеч қачон ўзининг кўлами, теранлиги, шафқатсизлиги даражаси билан жавоб реакцияси сифатида фуқаролар уруши шароитида келиб чиқсан “оқ террорга” тенглаштирилиши мумкин эмас.

### **В.В. Путиннинг баёноти**

Фуқаролик уруши вақтида асиirlарни отиб ташлаш, бутун бошли табака, руҳонийларнинг йўқ қилиниши, дехқонларнинг қулоқ қилиниши, казакларнинг яксон этилишини эслашнинг ўзи кифоя. Инсоният тарихида бундай фожиалар бир неча бор такрорланган. Ва бу, дастлабки қарашда завқли туюлган, лекин текширилганда пуч ғоялар асосий мақсаддан – инсон ҳаётининг қадриятлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларидан устун қўйилганда юз берган. Бизнинг мамлакатимиз учун бу алоҳида фожиа. Чунки кўлами жуда ҳам кенг. Ахир юз минглаб, миллионлаб инсонлар йўқ қилинган. Лагерларга жўнатилган, отиб ташланган, қийноққа солинган. Ҳолбуки, бу инсонлар, қоидага қўра, ўз фикрига эга бўлган кишилардир. Улар ўз нуқтаи назарларини эркин ифода этишга қўрқмаган. Улар энг фойдали инсонлар. Улар миллатнинг кўрки. Ва, албатта, биз узоқ йиллар давомида шу кунга қадар бу фожиани ўзимизда хис қилиб келмоқдамиз. Бу ҳеч қачон унутилмаслиги учун жуда кўп нарса қилишимиз керак.<sup>130</sup>

### **Қизил террор қурбонлари хотираси**

Россия сиёсий полицияси музейи – ВЧКнинг биринчи тарихий биноси, ВЧК – ОГПУнинг идоравий музейи (Петербург, Гороховая кўчаси 2-уй)

### **Багреевкадаги ибодатхона**

2008 йил 10 декабрда Багреевка қўрғонида (Ялта яқинидаги) 1920 йил декабрдан 1921 йил 25 мартача Ялта аҳолисининг оммавий қирғинлари ўтказилган жойда “Знамения Пресвятыя

<sup>130</sup> “Труд” газетасига берилган интервью.

Богородицы Курско-Коренной” (1925 й.) иконаси номига барпо этиладиган бўлғуси ибодатхонани қуриш ишлари бошланди. Бу ерда 1000 га яқин киши ўлдирилган. Ҳозирги кунда киевлик собиқ прокурор Л.М. Абраменконинг уринишлари туфайли Багреевкада жасадлари қолган 800га яқин кишининг исмлари аниқланди.

Отиб ташланганлар орасида княгиня Н.А. Барятинская, унинг қизи И.В. Мальцова (ҳомиладор бўлган), унинг эри Қора денгиз флоти капитан-лейтенанти С.И. Мальцов, унинг отаси генерал И.С. Мальцов бўлган. Қатл этилганлар орасида Оқ армияда хизмат қилмаган машҳур собиқ генераллар: генерал-майор А.П. Багратион (бевосита 1812 йилги қаҳрамоннинг авлоди), генерал-лейтенант Н.П. Бобырь, генерал-майор В.Д. Орехов ва бошқалар. Багреевкада Муқаддас Александр Невский ибодатхонаси (Ялта) руҳонийси К.М. Агеев, Павел Ундолскийнинг ўғли (Форосс черковининг асосчиси ва биринчи руҳонийси) – Василий, шоҳимператорнинг фотографи А.М. Иваницкий, Д.А. Алчевский, Алчевск шаҳри асосчиси А.Ю. Алчевскийнинг ўғли ва хотини – машҳур педагог Христина Алчевская. Отиб ташланганлар орасида турли миллат ва ижтимоий табақа вакиллари бўлган: зодагонлар ва деҳқонлар, ҳарбий хизматчилар ва дин хизматчилари, талabalар ва ҳамширалар, ишчилар ва олимлар, адвокатлар ва судьялар.<sup>131</sup>

1970-йиллардан бошлаб қизил террор қурбонларини хотирлаш 5 сентябрда – Совет ҳалқ комиссариати томонидан “Қизил террор ҳақида”ги декрет қабул қилинган кунда бўлиб ўтади.<sup>132</sup>

<sup>131</sup> А. Христофорова Трагический Некрополь в Багреевке.

<sup>132</sup> О красном терроре Петербургские националисты почтят память жертв красного террора.

## КАТТА ТЕРРОР

«Катта террор» - замонавий тарихшунослик атамаси бўлиб, собиқ СССРда 1937-1938 йилларда рўй берган энг оммавий сталинча қатағон ва сиёсий таъқиблар даврини тавсифлайди.<sup>133</sup> Илмий доираларда террорга олиб келган сабаблар ҳақида яқдил бир фикр ҳалигача йўқ. Бунда тарихчиларнинг аксарияти қатағонлар ташкил қилиш ва амалга оширишда Сталин ҳал қилувчи роль ўйнаган деб ҳисоблайди.<sup>134</sup>

Катта террор давридаги оммавий қатағонлар капиталистлар синфий қолдиқлариға қарши кураш учун, уларни бошқалардан ажратиб қўйиш ва СССР раҳбарияти нуқтаи назаридан совет тизимиға ғанимлик руҳида бўлган шахсларни йўқ қилиш йўли билан уларни тугатиш учун пролетариат диктатураси органларини кучайтириш ҳақида Сталин назариясига мақсад равишда қабул қилинган ВКП (б) МК Сиёсий бюроси қарорларига асосланган.<sup>135</sup> «Халқ душманлари»ни аниқлаш ва жазолаш бўйича белгиланадиган «режа топшириқлари» асосида амалга оширилган.<sup>136</sup> Тарихчи Земсковнинг баҳоларига кўра, икки йил ичida 681692 киши антисовет фаолиятида айбланган бўлиб,<sup>137</sup> бу шартли «сталин даври» да отишга хукм қилинганларнинг 85%ини ташкил қилган (1921 йилдан 1953 йилгacha бўлган даврда 799 455 киши).<sup>138</sup>

<sup>133</sup> БОЛЬШОЙ ТЕРРОР. Большая российская энциклопедия - электронная версия. [bigenc.ru](http://bigenc.ru).

Новейшая отечественная историография о масштабах политических репрессий в 1937—1938 годах.

Юнге, М., Биннер, Р. Как террор стал «большим»: секретный приказ № 00447 и технология его исполнения. Ч. I.

<sup>134</sup> Хлевнюк, О. В. Хозяин. Stalin и утверждение сталинской диктатуры. — М.: РОССПЭН, 2012. — С. 12—13.

<sup>135</sup> БОЛЬШОЙ ТЕРРОР. Большая российская энциклопедия - электронная версия. [bigenc.ru](http://bigenc.ru).

<sup>136</sup> Оперативный приказ народного комиссара внутренних дел Союза С. С. Р. № 00447 об операции по репрессированию бывших кулаков, уголовников и др. антисоветских элементов, 1937.

<sup>137</sup> Земсков В.Н. К вопросу о масштабах репрессий в СССР (рус.) // Научно-образовательный портал Высшей Школы Экономики. — 1995.

<sup>138</sup> В.Н.Земсков. О масштабах политических репрессий в СССР. | POLITPROS.COM. Онлайн-журнал Politpros.com.

«Катта террор» атамасини биринчи бўлиб британиялик тарихчи Роберт Конквест «Катта террор» (ингл. *The Great Terror*)<sup>139</sup> китобида қўллаган. Сталин вафотида кейин собиқ СССР да 1937-1938 йиллардаги қатағон даврини ички ишлар халқ комиссари Н. И. Ежовнинг номи билан «ежовщина»<sup>140</sup> деб аташ қабул қилинган.

### **Катта террорнинг эҳтимолий сабаблари ҳақида фикрлар**

Вариантлардан бирига кўра, Stalin томонидан ишлаб чиқилган, у ҳақида илк марта 1928 йилнинг 9 июлида ВКП (б) МК пленумида сўз юритилган «социализм қурилишини якунлаш бўйича синфий курашни кучайтириш» доктринаси 1937-1938 йиллардаги Катта тозалаш учун мафкуравий асос бўлиб хизмат қилган. Террор бу пайтга келиб шаклланиб бўлган механизмларга таянган. Суддан ташқари (судсиз) қатағонлар коммунистлар томонидан Фуқаролик уруши вақтидаёқ қўлланган, 1922 йил эсерлар устидан олиб борилган, бошқаларга кўрсатиш учун қилинган жараён «москва жараёнлари» учун биринчи «намуна» бўлган.

Тарихчи Ю. Н. Жуков Катта террор 1936 йил СССР Конституцияси қабул қилиниши ва 1937 йил декабрда СССР Олий Советига сайловлар билан боғлик бўлганлиги ҳақида ғояни илгари сурган. Унинг фикрига кўра, Stalin СССР Олий Советига биринчи сайловларни муқобил, мусобақали руҳда ўтказиш истагида бўлган, «партияни ҳукуматдан умуман четлатиш»ни хоҳлаган, лекин бунда унга гўёки бу сайловлар давомида ўз мансабини йўқотиб қўйишдан қўрқкан ва шу сабабли Катта террор ташаббусчилари бўлган минтақавий партия органлари раҳбарлари халақит берган.<sup>141</sup> И. В. Павлова бу концепцияни танқид қилиб, террорнинг ташаббусчиси айнан Stalin эканлигини, сайловлар эса аввалбошдан факат демократияга «ўхшатма» бўлганлигини

<sup>139</sup> The Great Terror: Stalin's Purge of the Thirties (1968).

<sup>140</sup> БОЛЬШОЙ ТЕРРОР. Большая российская энциклопедия - электронная версия. bigenc.ru.

<sup>141</sup> Жуков, Ю. Иной Stalin. Политические реформы в СССР в 1933—1937 гг.

исботлаб берган.<sup>142</sup> 1920-1950 йиллар СССР тарихи бўйича мутахассис О. В. Хлевнюк манбаларга ўта ихтиёрий мурожаат қилинганини айтган ҳолда Жуковнинг назариясини танқиб қилиб чиқкан.<sup>143</sup> О. В. Хлевнюкнинг таъкидлашича, террорнинг бундай авж олишида Сталиннинг роли алоҳида эканлиги ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди ва, бундан ташқари, ҳужжатлар билан ҳам тасдиқланган.<sup>144</sup> Масалан, у хибсга олинган шахсларга қарши жисмоний куч ишлатиш, зўрлаш усуllibарини қўллашни талаб қилган қайдлар мавжуд.<sup>145</sup>

Германиялик тарихчи Йорг Баберовский-Сталинга марказнинг буйруқ ва кўрсатмаларига зимдан қаршилик қилган (саботаж қилган) диний ва маҳаллий миқёсдаги сара кишилар (элита) қаршилигини Катта террорга ўтишнинг асл сабаби деб ҳисоблаган.<sup>146</sup> Француз тарихчиси Николя Верт Катта террорни ҳукумат томонидан амалга оширилган ижтимоий муҳандислик механизми, «қулоқларни тугатиш» ва «ёт унсурлар»ни депортация қилиш сиёсатининг якуни сифатида кўриб чиқкан.<sup>147</sup> Америкалик тарихчи Дэвид Ширер Катта террорнинг вужудга келишини 1930-йилларнинг биринчи ярми ва ўрталарида умумий хўжалик-сиёсий тартибсизликларни бартараф қилиш билан боғлаган.<sup>148</sup>

Россиялик тарихчи А. Г. Тепляков қаламига мансуб тарихий шарҳда айтилишича, XXI асрнинг бошида тадқиқотчиларнинг аксарияти Катта террор олдиндан тайёрланган ва режалаштирилган ҳаракат эканлигига ишончи комил бўлган.<sup>149</sup>

<sup>142</sup> Павлова, И. В. 1937: выборы как мистификация, террор как реальность. // Вопросы истории. — 2003. — № 10. — С. 19-37.

<sup>143</sup> Хлевнюк, О. В. Хозяин. Сталин и утверждение сталинской диктатуры. — М.: РОССПЭН, 2010. — С. 12.

<sup>144</sup> Хлевнюк, О. В. Хозяин. Сталин и утверждение сталинской диктатуры. — М.: РОССПЭН, 2012. — С. 12—13.

<sup>145</sup> О.В. Хлевнюк. Сталин. Жизнь одного вождя. — Москва: Corpus, 2015. — С. 212. — 464 с

<sup>146</sup> Barberowski, J. Der rote Terror. Die Geschichte des Stalinismus. — München: Deutsche Verlags-Anstalt, 2003.

<sup>147</sup> Werth, N. L'Ivrogne et la Marchande de fleurs: Autopsie d'un meurtre de masse, 1937—1938. — Paris: Tallandier, 2009.

<sup>148</sup> Shearer, David R. Policing Stalin's Socialism. Repression and Social Order in the Soviet Union, 1924—1953. — New Haven: Yale University Press, 2009.

<sup>149</sup> Тепляков, А. Г. Эпоха репрессий: субъекты и объекты / Между канунами. Исторические исследования в России за последние 25 лет / Под ред. Г. А. Бордюгова. — М.: АИРО-XXI, 2013.

Тепляковнинг фикрига кўра, илмий муҳитда 1937-1938 йилларда бўлиб ўтган террорнинг қониқарли сабаблари борасида яқдиллик йўқ. Тепляков Сталин даври мадаиняти тарихчиси Е.А.Добренконинг илмий муҳитда анъанавий советшуносликнинг тасаввурларини ҳам (тоталитар режим ва азият чекаётган омма), ревизионизм мактаби қоидаларини ҳам қайта кўриб чиқсан Ш.Фитцпатрик, Э. Найман, К.Кларк, Т. Лахузен, И. Халфин ва О. Хархординнинг фикрига кўра, қатағонлар сабабларига кенг ёндашув пайдо бўлгани ҳақидаги фикрини келтириб ўтган. Ушбу ёндашув доирасида бир қатор тарихчилар оммалар ва режимнинг анъанавий қарама-қаршилиги ўрнига уларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаши, кучайиши ва бирлашувига алоҳида эътибор қаратган, террор манбаси эса, уларнинг фикрига кўра, режимда эмас, балки омманинг ўзида, режимни кўкларга кўтариб мақтаган, институцион равишда оммавий агрессияни ва шахсиятни жамоавий писанд қилмасликни юзага келтирган, қолоқ сиёсий маданиятда бўлган.

Америкалик тадқиқотчи В.З.Голдман Катта террорнинг ривожланиш сабаби Stalinning яккаҳокимликка интилишида бўлганлигини кўришни истамасдан, давлат аппарати босими остида қатағонларда омманинг иштироки вариантини илгари сурган.<sup>150</sup> Немис тарихчиси К.Шлегельнинг ҳисоблашича, душманлардан халос бўлиш мақсадида сиёсий ҳукумат тепасидагилар ташаббуси билан юзага келган террор кўплаб структуралар ва фуқаролар томонидан ўз муаммоларини ҳал қилиш учун жон деб қабул қилинган ва фойдаланилган.<sup>151</sup>

### **Кировнинг ўлдирилиши ва бунинг оқибатлари**

1934 йил 1 декабрда Кировнинг ўлдирилиши сиёсий қатағонларни қучайтириш учун баҳона сифатида фойдаланилган. СССР раҳбариятининг фикрига кўра, Кировнинг қотили Леонид Николаев ўз ташаббуси билан ҳаракат қилмаган, балки 1920-йилларда яксон қилинган, қонуний кураш майдонидан сиқиб

<sup>150</sup> Голдман, Венди З. Террор и демократия в эпоху Сталина. Социальная динамика репрессий. — М: РОССПЭН, 2010.

<sup>151</sup> Шлегель, К. Террор и мечта. Москва 1937. — М: РОССПЭН, 2010.

чиқарылғандан сүнг гүёки бевосита террористик усулларга ўтган ички партия оппозицияси қолдиклари билан боғлиқ бўлган.

Кировнинг ўлдирилиши ҳақидаги ишни тергов қилишда Сталин Кировнинг ўлимиди Г. Е. Зиновьев, Л. Б. Каменев ва уларнинг тарафдорларини айблаған ҳолда «Зиновьев изи» билан ишлашга топшириқ берган. Бир неча кундан сүнг Зиновьев оппозицияси собиқ тарафдорларини хибсга олиш бошланди, 16 декабрда эса Каменев ва Зиновьевнинг ўзлари ҳам хибсга олинди. 28-29 декабрь кунлари бевосита қотилликни ташкил қилишда айбланган 14 киши отишга ҳукм қилинди. Суд ҳукмида таъкидланишича, уларнинг барчаси «Ленинград шахридаги зиновьевчи антисовет гурухнинг фаол қатнашчилари», кейинчалик эса – «Ленинград маркази» томонидан бошқарилган «махфий террорчи аксилинқиобчилар гурухи» аъзолари бўлган. 1953 йилнинг 9 январида СССР НКВД (ички ишлар халқ комиссарлиги) қошидаги «Сафаров, Залуцкий ва бошқаларнинг Ленинград аксилинқиобчи зиновьевчилар гурухи» жиной иши бўйича Махсус кенгашда 77 киши жазога ҳукм қилинди. 16 январь куни Зиновьев ва Каменев бошчилигидаги «Москва маркази» иши бўйича 19 нафар айбланувчи жазога ҳукм қилинди.<sup>152</sup>

О. Г. Шатуновская А. Н. Яковлевга ёзган мактубда таъкидлашича, «Сталиннинг шахсий архивида тергов давомида у томонидан ўз қўли билан тузилган троцкийчи-зиновьевчи террорчилар марказлари – Ленинград ва Москва маркази рўйхати топилди».<sup>153</sup>

Бундан кейинги йиллар давомида Сталин Кировнинг ўлдирилишидан 1920-йилларда партияда турли оппозиция оқимларига бошчилиқ қилган ёки уларда иштирок этган ўзининг собиқ сиёсий рақибларини шафқатсизлик билан узил-кесил жазолаш учун фойдаланди. Уларнинг барчаси террорчилик фаолиятида айблов бўйича йўқ қилинди.

1935 йилнинг январида тайёрланган ва воқеа жойида тарқатилган «ўртоқ Кировнинг ваҳшиёна ўлдирилиши билан боғлиқ воқеалар сабоқлари» деб номланган ВКП (б) МК ёпиқ хатида Сталин ВКП (б) тарихида ўринга эга бўлган «партия

<sup>152</sup> Ленин или Сталин: кто закончил Русскую революцию, Газета.Ru.

<sup>153</sup> Хлевнюк О. В. Политбюро. Механизмы политической власти в 30-е годы. М.: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 1996. Гл. 4

ицидаги бошқа гурухлар» -«троцкийчилар», «демократик марказчилар», «ишчи оппозиция», «ўнг оғмачилар» ҳақида эслатиб ўтган. Бу хат жойларда бевосита ҳаракатлар учун йўл-йўриқ, кўрсатма сифатида фойдаланилиши лозим эди.<sup>154</sup>

1935 йилнинг 26 январида Сталин Сиёсий бюронинг 663 нафар собиқ Зиновьев тарафдорларини Ленинграддан Сибирь шимолига чиқариб юбориш (сургун қилиш) ҳақида қарорини имзолади. Шу билан бир пайтда 325 нафар собиқ оппозициячи Ленинграддан бошқа ҳудудларга партия ишига ўтказилди. Ҳудди шунга ўхшаш ҳаракатлар бошқа жойларда ҳам амалга оширилди. Масалан, 1935 йилнинг 17 январь куни УКП МК Сиёсий бюроси собиқ фаол троцкийчилар ва зиновьевчиларни республиканинг йирик саноат марказларидан кўчириб юбориш ҳамда партия сафидан, жумладан, «троцкийчилар ва троцкийчи-зиновьевчилар блоки»га мансублик учун чиқарилган шахслар ҳақида материал тайёрлаш масаласини кўндаланг қўйди. Жами 1935 йилнинг январь ва февраль ойларида Ленинград шаҳрида 843 нафар «зиновьевчи» ҳисбга олинди.<sup>155</sup>

Ленинград видояти бўйича НКВД Бошқармаси<sup>156</sup> режаси бўйича собиқ дворянлар ва бошқа шунга ўхшаш «собиқ кишилар»нинг 5 мингдан ортиқ оиласи бир ой давомида Ленинграддан чиқариб юборилиши лозим эди. 1935 йил 28 февралдан 27 мартача бўлган даврда 11 072 киши (4 833 нафар оила бошлифи ва 6 239 киши оила аъзолари), жумладан: собиқ князлар – 67 нафар, графлар – 44 нафар, баронлар – 106 нафар, чор Россияси ва оқ армия собиқ зобитларидан – 177 киши, ва 218 нафар руҳонийлар сургун қилинди. 1935 йил 1 апрелдан бошланган янги операция давомида 25 апрелга қадар яна 5100 оила (22511 киши) чиқариб сургун қилинди. Кейинроқ, 1935 йилнинг 15 июнигача 8 мингдан ортиқ киши - «Киров оқими»<sup>157</sup> Ленинград ҳудудидан, чегара ҳудудидан ва 100 км масофадаги режим ҳудудидан ташқарига чиқариб юборилди.

<sup>154</sup> Ленин или Сталин: кто закончил Русскую революцию, Газета.Ru.

<sup>155</sup> Шатуновская О. Г. Письма Хрущёву и Яковлеву

<sup>156</sup> «Кировский поток»

<sup>157</sup> Циркуляр от 27.02.1935 «О выселении контрреволюционного элемента из Ленинграда и пригородных районов в отдалённые районы страны»

1935 йилнинг март-апрель ойларида СССР НКВД қошидаги Махсус кенгаш бир қатор машхур партия арбобларини суд қилди, масалан, 1921 йил партияниң X съезди материаллари бўйича баҳс-мунозаралар вақтида «ишчи оппозиция» платформасини қўллаб-қувватлаган А. Г. Шляпников «аксилинқилобий ташкилот» ташкил қилганлик борасида сохта айблов билан жазога ҳукм қилинди.

1935 йилнинг январь-апрель ойларида НКВД органлари «кремль иши»ни «фош» қилиб, унинг доирасида Кремлдаги ҳукумат муассасаларининг бир грух хизматчилари давлат раҳбарларига суиқасд тайёрлаган террорчилар грухи ташкил қишида айбланиб, ҳибсга олинди. Шу муносабат билан 1935 йилнинг 3 марта СССР МИК котиби Авель Енукидзе лавозимидан озод этилди. Унинг ўрнига СССР собиқ прокурори И. А. Акулов тайинланиб, ўз навбатида, у хам ўрнини биринчи ўринбосари А. Я. Вышинскийга бўшатиб берди.

1935 йил НКВД бошлиғи Генрих Яода ва СССР прокурори Андрей Вышинский паспорт режимини бузган шахслар учун суддан ташқари «учлиқ»лар ташкил қилингани ҳақида маълумот берди.<sup>158</sup> Бу «милиция учликлари» СССР НКВД 1935 йил 27 майдаги 00192-сонли буйруғи билан ташкил қилинди. Ушбу буйруқ билан жиноятчи ва тубанликка юз тутган унсурларни «муомаладан чиқариш»да оммавий операцияларга мутлақ йўл қўймасликка эътибор қаратилган. Қарор қабул қилишда НКВД «учлиқ»ларига СССР НКВД ҳузуридаги Махсус кенгаш ҳақида Низомда кўзда тутилган ҳуқуқларга амал қилиш тавсия этилган. Прокурорнинг «учлиқ»да иштирок этиши мажбурий бўлган. «Учлиқ»лар баённомалари ишчи-дехқон милицияси Бош бошқармасига СССР НКВД Махсус кенгашига тақдим этиш учун юборилган.<sup>159</sup>

## **Москва жараёнлари**

Москва жараёнлари – Москва шаҳрида 1936-1938 йилларда бўлиб ўтган, 20-йилларда троцкийчилар ёки ўнг оппозиция билан

<sup>158</sup> «Бывшие люди»

<sup>159</sup> Е. Жирнов. «Не имеют права на паспорт 37 процентов граждан», Коммерсантъ

боғлиқ бўлган ВКП (б) олий даражадаги собиқ раҳбарлари устидан амалга оширилган учта очик суд жараёнларининг умумий номидир. «Москва жараёнлари» (ингл. «Moscow Trials») номи дастлаб хорижда берилган, лекин кейинчалик бу ном Россияда ҳам кенг тарқалган.

## Жараёнлар тавсифи

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан судланган айбланувчиларга Сталин ва бошқа совет етакчилариға сүиқасд қилиш, СССРни тарқатиб юбориш ва капитализмни тиклаш, шунингдек, худди шу мақсадларда иқтисодиётнинг турли тармоқларида зааркунандалик (диверсия) ташкил қилиш мақсадида ғарб мамлакатлари разведкаси билан ҳамкорлик қилиш айби қўйилган.

Биринчи Москва жараёни «троцкийчи-зиновьевчи террорчилар маркази»нинг 16 нафар аъзоси устидан 1936 йилнинг август ойида бўлиб ўтди. Асосий айбланувчилар Зиновьев ва Каменев бўлди. Бошқа айбловлардан ташқари, уларга Кировни ўлдириш ва Сталинни ўлдириш мақсадида фитна уюштириш айби қўйилди.

Иккинчи жараён («Параллел антисовет троцкийчилар маркази» иши) 1937 йилнинг январида Карл Радек, Юрий Пятаков ва Григорий Сокольников каби 17 нафар нисбатан йирик бўлмаган арбоблар устидан бўлиб ўтди. 13 киши отиб ўлдирилди, қолганлар узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Учинчи жараён 1938 йил марта «ўнг троцкийчилар блоки»нинг 21 нафар аъзоси устидан бўлиб ўтди. Коминтерн собиқ раҳбари Николай Бухарин, шунингдек, Совнарком собиқ раиси Алексей Рыков, Христиан Раковский, Николай Крестинский ва Генрих Ягода – биринчи Москва жараёни ташкилотчиси асосий айбланувчилар бўлган. Барча айбланувчилар, уч кишини истисно қилганда, қатл этилди.

Тирик қолган судланувчиларнинг барчаси 1941 йилнинг сентябрь ойида отиб ўлдирилда ёки қамоқда ўлиб кетди (Радек ва Сокольников).

### **Замондошлар реакцияси ва суд хукмлариadolatli эканлиги масаласи**

Советлар тарафдори бўлган бир қатор хорижий шархловчилар ўша пайтларда судланувчиларнинг айби исботлаб берилган деб ҳисоблаган. Барча судланувчилар айларини тан олиб, керакли маълумот берган, суд очик бўлган, гиёхванд

моддалар берилганилиги ёки қийноқ излари бўлмаган. Иккинчи Москва жараёнида иштирок этган немис ёзувчиси Леон Фейхтвангер қуидаги сатрларни ёзиб қолдирган:

Суд курсисида ўтирган одамларни мутлақо азобланган, умидсизликка тушган шахслар деб бўлмасди. Айбланувчилар авайлаб-асралган, яхши кийинган ва ўзини эркин тутган шахслар эди. Улар чой ичар, чўнтағидан газета қўриниб турарди ... Умумий қўриниши бўйича бу кўпроқ ўқимишли кишилар ўртасида баҳс-мунозарарага, сухбатга ўхшаб кетарди. Шундай таассурот туғилдики, гўё айбланувчилар, прокурор ва судьялар бир хил даражада, айтиш мумкинки, спортга қизиқиш билан барча рўй берган воқеаларни максимал даражада аниқлик билан аниқлашга ҳаракат қиласди. Агар бу судни саҳналаштириш режиссерга топширилган бўлганида эди, эҳтимол, айбланувчиларнинг бундай уйғунлигига эришиш учун кўплаб йиллар давомида саноқсиз машқлар талаб этилган бўларди ...

Кейинроқ шундай нуқтаи назар устунлик қила бошладики, унга кўра айбланувчилар психологик босимга учраган ва эътирофли маълумотлар куч билан олинган. Учинчи Москва жараёнида Крестинский Вышинский билан айтишиб қолгани, эртаси куни эса ўзи сўз олгани ва айбини тан олгани қизиқарлидир.

1937 йилнинг май ойида Троцкий тарафдорлари АҚШда Дьюи комиссиясига асос солдилар. Москва жараёнларида Георгий Пятаков берган кўрсатмага кўра, 1935 йилнинг декабрида у Ослога Троцкийдан «террорга оид йўриқномалар олиш» учун самолетда учиб борган. Комиссиянинг таъкидлашича, аэрором персоналиниң кўрсатмаларига кўра, бу куни у ерга ҳеч қандай хорижий самолет қўнмаган. Бошқа бир айбланувчи, Иван Смирнов эса гарчи бу пайт қамоқда бўлган бўлсада, 1934 йилнинг декабрида Сергей Кировнинг ўлдирилишида иштирок этганлигини тан олди.

Дьюи комиссияси 422 саҳифадан иборат бўлган «Айбисизлар» китобини ёзган бўлиб, унда айбланувчилар айбисиз эканлиги, Троцкий эса хорижий давлатлар билан ҳеч қандай битим тузмаганлиги, ҳеч қачон СССРда капитализмни тиклашни тавсия қилмагани, режалаштиргмагани ва ҳаракат қилмагани таъкидланган.

Кейинчалик Генрих Ягодадан ташқари барча судланувчилар оқланди (реабилитация қилинди), унга нисбатан чиқарилган ҳукмдан норози бўлиб шикоят аризаси берилмади.<sup>160</sup>

### **Армиядаги қатағон**

Қатағон қурбони бўлган ҳарбийларнинг биринчи сафларидан ўрин олган Г. Д. Гай 1935 йил шахсий сухбатлардан бирида ширакайф бўлган ҳолда «Сталинни олиб ташлаш керак, у барибир олиб ташланади» деб айтган сўзлари учун ҳибсга олинган. кўп ўтмай у НКВД томонидан ҳибсга олинди ва 5 йил лагерь жазосига ҳукм қилинди, бироқ 1935 йилнинг 22 октябрь куни Ярославль қамоқхонасига кўчириб ўtkазишда қочиб кетди.<sup>161</sup> Уни қўлга тушириш мақсадида НКВД радиуси 1000 км бўлган халқа тузиш учун минглаб чекистлар, комсомоллар ва колхозчиларни сафарбар қилди. Икки кундан кейин Гай қўлга туширилди.

1937 йилнинг июнида РККА (ишчи-дехқон қизил армияси) бир гурух юқори мартабали зобитлари, жумладан, Михаил Тухачевский устидан «троцкийчи антисовет ҳарбий ташкилот иши» бўйича суд бўлиб ўтди.

### **«Тухачевский иши» бўйича айбланувчилар**

Тухачевский М. Н., 1937 йил 12 июнда отиб ўлдирилган  
 Якир И. Э., 1937 йил 12 июнда отиб ўлдирилган  
 Уборевич И. П., 1937 йил 12 июнда отиб ўлдирилган  
 Эйдеман Р. П., 1937 йил 12 июнда отиб ўлдирилган  
 Путна В. К., 1937 йил 12 июнда отиб ўлдирилган  
 Примаков В. М., 1937 йил 12 июнда отиб ўлдирилган  
 Гамарник Я. Б., 1937 йил 31 май куни ўзини отиб ўлдирилган  
 Фельдман Б. М., 1937 йил 12 июнда отиб ўлдирилган

### **«Тухачевский судьялари»**

<sup>160</sup> Ягода Генрих Григорьевич // Хронос.

<sup>161</sup> Библиотека — Люди и книги: Гай Гая Дмитриевич

Блюхер В. К., 1938 йил 9 ноябрда тергов остида бўлган пайтда ўлган

Будённый С. М.

Алкснис Я. И. 1938 йил 29 июлда отиб ўлдирилган

Шапошников Б. М.

Горячев Е. И. 1938 йил 12 декабря ҳибсга олишларини кутиб ўтирган пайтида ўз жонига суиқасд қилган

Дыбенко П. Е. 1938 йил 29 июлда отиб ўлдирилган

Каширин Н. Д. 1938 йил 14 июня отиб ўлдирилган

## НКВД ИЧИДА ТОЗАЛАШ

1937-1938 йиллардаги тозалаш давомида СССРда турли баҳоларга кўра 1,5 млн. дан 3,7 млн. кишигача турли қатағонларга учраган (хизматдан бўшатиш, лагерь муддатлари, отишга ҳукм қилиш), шундан, В. Н. Земсков ва В. З. Роговиннинг маълумотларига кўра, дастлабки бир ярим йилнинг ўзида 680 минг киши отиб ўлдирилган. Собиқ «қулоқ»лар – маҳсус бадарға (сургун) қилинган шахслар, хилма-хил ички партия оппозицияларининг собиқ аъзолари, СССР учун хорижий ҳисобланган миллатлар вакиллари (айниқса «поляклар операцияси» кенг қамровлилик билан ажралиб туради) – ҳукуматга потенциал содик бўлмаган бутун бошли аҳоли гуруҳлари НКВД ўзига хос шубҳалари предмети саналган. Ҳаттоқи СССРга ўз мамлакатларидан сиёсий таъқибдан қочиб келган сиёсий муҳожир бўлган коммунистлар, шунингдек, Қизил Армия асосчиларидан бири – Троцкийга потенциал хайриҳоҳ бўлиши мумкин бўлган РККА юқори табақалари вакиллари ҳам шубҳа остида қолган.

Гарчи террорнинг асосий зарбдор кучи НКВД органлари саналган бўлсада, қанчалик мантиққа зид равишда бўлмасин, унинг ходимлари кўпинча энг қаттиқ тозалашлар қурбонларига айланган. Тадқиқотчи Л.А.Наумовнинг кўрсатишича, НКВД таркибида тозлаш бошланишидан олдин кескин структурали ўзгаришлар қузатилди; хусусан, ходимларнинг учдан бир қисмига яқини келиб чиқиши большевикларга бориб тақалмасди, келиб чиқиши ишчилар ва дехқонлар бўлган шахслар эса мутлақ камчиликни ташкил қилган (42%). Бундан ташқари, маълумки, 20-йилларда рўй берган ички партия қурашларида ОГПУ маълум бир қисмини Троцкийнинг ғоявий тарафдорлари ташкил қилган. Сталин томонидан 1936 йил 25 сентябрда партия Марказий қўмитасига юборилган шифротелеграммада «ОГПУ троцкийчиновьевчилар блоки»га қарши қурашда «4 йилга кечиккан» НКВД фаолиятидан норозилик ошкора ифодаланган.

Шуниси қизиқки, Биринчи Москва жараёни ташкилотчиларидан бири, Ички ишлар халқ комиссари Генрих Ягода Учинчи Москва жараёнида суд курсисидан жой олди, унинг ўрнини эгаллаган Николай Ежов эса, ўз навбатида, хорижий

разведка фойдасига айғоқчилик, уйдирма (бўхтон) ишларни ташкиллаштириш, террор ҳаракатларини ташкил қилиш ва бесоқолбозлиқда айбланиб, отишга ҳукм қилинган.<sup>162</sup>

## **Ежовнинг тайинланиши**

Биринчи Москва жараёни вақтида Генрих Ягода ички ишлар халқ комиссари ва Давлат хавфсизлиги бош бошқармаси (ГУГБ) раҳбари бўлган. У суд жараёнига асос қилиб олинган Кировнинг ўлдирилиши билан боғлик ишни тергов қилишда фаол қатнашган.

Суд жараёни 1936 йилнинг августида бўлиб ўтган ва сентябрь ойига келиб Ягода алоқа ҳалқ комиссари лавозимига ўтказилган, 1937 йилнинг 4 апрелида эса ҳибсга олинган. 1938 йилнинг февраль ойида хорижий разведкалар билан ҳамкорлик қилиш ва Максим Горькийни ўлдиришда айблангандан ҳолда Учинчи Москва жараёнида кора курсидан ўрин олган. Тарихчи М. С. Восленскийнинг қўрсатишича, террор механикаси шундай эдикни, Биринчи Москва жараёнининг асосий ташкилотиси бўлган Ягода учинчи жараёнда судланувчига айланди.

Ватанига қайтиб келмаган собиқ совет разведкачиси бўлган хоин А.М.Орловнинг хотирлашича, Ягода 1936 йил ўзининг тезда ишдан олинишини асло олдиндан кўра билмаган, «баҳорда [1936 йил] у маршал унвонига тенглаштирилган давлат хавфсизлиги генерал комиссари унвони ва маҳсус унинг учун ўйлаб чиқилган янги ҳарбий мундир олди.

1936 йилнинг 26 сентябрида Ягоданинг ўрнига Ежов ички ишлар халқ комиссари этиб тайинланди ва унинг раҳбарлиги остида Иккинчи ва Учинчи Москва жараёнлари, «ҳарбийлар иши» суд жараёни ўтказилди. 1937-1938 йиллардаги тозалашни расмий совет тарғиботи биринчи навбатда, Ежовнинг номи билан боғлаган («ежовщина»). Бу давр мобайнида жумладан, 2273 нафар НКВД ходимлари ишдан бўшатилган.

1937 йининг 5 апрелида Ягода ҳибсга олинди. 1938 йил февраль ойида бошқаларга ибрат бўлиши учун ташкил қилинган Учинчи Москва жараёнида у Максим Горький, шунингдек,

<sup>162</sup> Ежов, Николай Иванович

Куйбышев ва Менжинскийнинг қотиллигига ва «троцкийчилар фитнаси»да айланди.

*Москва суд фантастикялари сериясининг энг фантастик қисми узоқ йиллар давомида ГПУ раҳбари бўлган Генрих Ягоданинг троцкийчи-бухаринчи «фитначилар» марказига киритилиши бўлган бўлса керак. Ҳамма нарсани кутиши мумкин эди, фақат буни эмас.*

Сталин ўзининг энг ишончли шахси бўлган Ягодани ГПУ бошлиги этиб тайинлаш учун Сиёсий бюорода узоқ вақт усталик билан ҳаракат қилиши ва ҳийла-найранг ишлатишига тўғри келган. 1923 йилдан бошлаб барча оппозиция турларига қарши кураш Ягоданинг қўлларида эди. У нафақат барча соҳта айловлар ва қалбакчиликларнинг энг яқин ижрочиси, балки узоқ 1929 йилда оппозициячилар – Блюмкин, Силов ва Рабиновични отиб ўлдиришининг ташкилотчиси ҳам бўлган. Лев Седов томонидан Парижда чоп этилган «Оппозиция Бюллетени» саҳифаларида Ягоданинг номи худди бир пайтлар революцион нашрларда чор ҳукумати қўриқлаш хизмати бошлиги бўлган Зубатовнинг номи каби оҳангда ўнлаб марта ёдга олиб ўтилади. Киров ўлдирилган пайтдан бошлаб то 1936 йилнинг августида Зиновьев-Каменев жараёнигача бўлган барча шов-шувли жараёнларни айнан Ягода, прокурор Вышинский билан қўлни қўлга бериб, тайёрлаган. Сидқидилдан тавба-тазарру қилиши тизими тарихдан Генрих Ягоданинг ихтироси сифатида ўрин олган. Агар кимдир Геббельс Рим папасининг агенти саналади деб айтганида ҳам бу Ягода Троцкийнинг агенти деган гап билан таққослагандага бемаъни ва тутуриқсиз гап бўлган бўларди.

## ТОЗАЛАШ

1937-1938 йилларда Ягоданинг «ўнг қўли», «фалсафа кемаси» ташкилотчиларидан бири бўлган Я. С. Агранов, Ягода ёрдамида пастдан юқорига кўтарилилган А. Я. Лурье, Ежовга қарши «теракт» тайёрлашда айбланган Г. Е. Прокофьев, Ф. И. Эйхманс, Л. М. Заковский, «баҳор иши» ташкилотчиси И. М. Леплевский, Сталин қўриқлаш хизмати бошлиги К. В. Паукер, «киров оқими» ташкилотчиларидан бири Г. А. Молчанов, В. А. Балицкий, З. Б. Кацнельсон, С. Г. Фирин, Л. Б. Залин, С. М. Шпигельглас,

Москва-Волга канали қурилиш бошлиғи Берман М. Д. каби ўзлари оммавий террор ўтказишда бевосита иштирок этган қўплаб НКВД ходимлари ҳибсга олинди ва отиб ташланди.

Сталин қўриқлаш хизмати бошлиғи К. В. Паукер ҳибсга олиниши ҳалигача жумбоқли бўлиб қолавермоқда: замондошларнинг гувоҳлик беришича, Сталин билан Паукер ўртасида ишончли муносабатлар бўлган. Содик хизматлари учун Сталин Паукерни Ленин ордени ва Қизил Байроқ ордени билан, иккита автомобиль - Кадиллак ва Линкольн билан мкофотлаган. 1938 йил Учинчи Москва жараёнида Паукер немис айғокчиси деб эълон қилинган. 1937 йилнинг июлида Сталин қўриқаш хизматини бошқара бошлаган Дагин И. Я. Ҳам кўп ўтмай ҳибсга олинди. Дагин 1940 йилнинг февралида отиб ташланди, Сталин қўриқлаш хизматининг янги раҳбари этиб эса, бу сафар охиригача, Власик Н. С. тайинланди.

1937 йил 4 май куни Ягода ёрдамида пастдан юқорига кўтарилиган шахслардан бири, Биринчи Москва жараёни ташкилотчиларидан саналган Белоруссия ички ишлар халқ комиссари Молчанов Г. А. ҳибсга олинди. Молчанов судланувчи Гольцманни 1932 йилда Л.Д.Троцкийнинг ўғли Лев Седов билан Копенгаген шахридаги «Бристоль» меҳмонхонасида учрашган эканлигини «тан олиш»га мажбур қилган, ваҳоланки, аслида бу меҳмонхона 1917 йилда ёки бузуб ташланган, Молчановнинг котибаси уни Осло шахридаги «Бристоль» меҳмонхонаси билан адаштириб юборганди.<sup>163</sup> Бундан ташқари, Лев Седовнинг ўзи бу пайтда Берлин Олий техника мактаби талабаси бўлган ва Копенгагенда «учрашув» бўлиб ўтган вақтда Берлинда имтиҳон топширган.

1937 йилнинг 15 ноябрида илк чекистлардан бири, Петроград ВРК аъзоси ва ҳаттоқи «Ишчи синфини озод қилиш учун кураш иттифоки» аъзоси бўлган Бокий Г. И. отишга хукм қилинди.

### **ВЧКнинг отиб ташланган асосчилари**

Бокий Г. И., ГПУ маҳсус бўлимининг биринчи бошлиғи. 1937 йил 15 ноябрда отиб ташланган.

<sup>163</sup> Наумов А. А. Сталин и НКВД. Часть I

Уншлихт И. С., 1917 йил декабрдан бошлаб чекист. 1938 йил 29 июнда отиб ташланган

Петерс Я. Х., 1917 йил декабрдан бошлаб ВЧК Раис мувини. 1938 йил 25 апрелда отиб ташланган.

Беленъкий А. Я., 1917 йил декабрдан бошлаб чекист, ВЧК коллегияси биринчи таркиби аъзоси. 1938 май ойида ҳибсга олинган, 1941 йил 16 октябрда отиб ташланган.

Трилиссер М. А., ГПУ хорижий бўлими (ИНО) асосчиларидан бири. 1938 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, 1940 йил 2 февралда отиб ташланган.

Михаил Тумшис ва Александр Папчинский «1937. Катта тозалаш. НКВД ЧКга қарши» асарида қайд этишларича, НКВДни тозалаш давомида сўроқ пайти тўрт давлат разведкаси билан ҳамкорликни «тан олган», шубҳали шуҳрат қозонган «Шахтин иши» асосий ташкилотчиси Е.Г.Евдокимов отиб ташланди.

Шуниси ҳам диққатга сазоворки, Шахтин иши бўйича жамоат айбловчилари (қораловчилари) сифатида иштирок этган Осадчий ва Шеин Промпартия иши бўйича эндиликда айбланувчилар сифатида ўтган. Ниҳоят, 1930 йил Промпартия иши бўйича давлат қораловчиси сифатида иштирок этган Крыленко Н. В. ҳам 1938 йил отиб ташланди.

Берия томонидан ҳибсга олинган, НКВД Бош бошқармаси собиқ раҳбари ва террор ишларида Ежовнинг ўнг қўли бўлган Фриновский М. П. сўроқ пайтида чекситлар томонидан «очилган» барча махфий террорчилар фитналари аслида тегишли кўрсатмалар олиш мақсадида судланувчиларни сурункали равишда уриб азоблаш йўли билан олинган маълумотлар асосида сохта айбловлар бўлганлигини тан олган.

Террор бошланишибилан, 1936 йилнинг 4 июлида Харьков вилояти НКВД бошлиғи Мазо С. С. ўзини отиб ўлдирди. 1937 йил 8 июнда ички ишлар халқ комиссари ўринбосари Курский В. М. ҳам ўзини отиб ўлдирди. 1938 йил 17 февралда НКВД томонидан хорижда амалга оширилган маҳсус операциялар ташкилотчиларидан бири, Ягоданинг ёрдамида пастдан юқорига кўтарилиган А.А.Слуцкий НКВД давлат хавфсизлик Бош бошқармаси бошлиғининг кабинетида сирли равишда ўлим топди.

1938 йил 13 май куни Москва вилояти бўйича НКВД бошқарма бошлиғи А.В.Каруцкий ўзини отиб ўлдирди.

### **Тозалаш давомида НКВД таркибидаги ўзгаришлари**

Катта террор давомида НКВД биринчи навбатда, қуйидагилардан тозаланди:

- инқилобдан олдинги даврдан бошланган партия стажига эга бўлган большевиклар (уларнинг улуши 1934 йилдаги 20,83%дан 1938 йил 1 сентябрь холатида 4%га тушиб кетди),<sup>164</sup> уларнинг ўрнига «ленин чақириғи» бўйича тўпланган коммунистлар келди (1925-1928 йилларда партияга кирганлар улуши худди шу даврда 1%дан 66%гача, 1929-1932 йилларда партияга кирганлар улуши 0%дан 38%гача ўсди). 1895 йил ва ундан олдин туғилганлар улуши бунда 56,25 % дан 4,95 %гача пасайди, 1901-1905 йилларда туғилганлар улуши эса, аксинча, 6,25%дан 46,15%гача, 1906-1910 йилларда туғилганлар улуши - 0 % дан 29,12%гача ўсди;<sup>165</sup>

- нокоммунистик ўтмишга эга бўлган шахслар (собиқ эсерлар, меньшевиклар, анархистлар ва бошқалар): уларнинг улуши 1934 йил 1 июлдаги 31,25%дан 1938 йил 1 июлда 0,65%гача пасайди.<sup>166</sup> Террор якун топган пайтга келиб, НКВД раҳбариятининг нокоммунистик ўтмишга эга бўлган ягона аъзоси Л.П.Бериянинг ўзи бўлиб, у ёшлигиде мусаввийлар (мусаватистлар) озарбайжон миллатчилар партияси билан боғлиқ бўлган;

- ишчилар (23,96 % дан 28,67%гача) ва дехқонлар (17,71% дан 30%гача) улуш ортди, хизматчилар (25% дан 18%гача), шунингдек, «помещиклар, савдогарлар, майда тадбиркорлар ва ҳунармандлар» (28,13%дан 12%гача) улуши пасайди.<sup>167</sup> НКВД раҳбариятида ишчилар ва дехқонлар умумий улуши 1934 йилдаги 42%дан 1938 йилда 60%гача ва 1939 йилда 80%гача ўсди;

- худди шу даврда - 1934 йил 1 июлдан 1939 йил 1 сентябргача руслар (31,25 % дан 56,67 %гача) ва украинлар (5,21% дан 6,67%гача, 1939 йил 1 июляга 12,42 %гача) ортди, яхудийлар (38,54 % дан 21,33 %гача, 1939 йил 1 июляга 3,92 %гача; Хрушёв

<sup>164</sup> Кто руководил НКВД : 1934—1941

<sup>165</sup> Кто руководил НКВД : 1934—1941

<sup>166</sup> НКВД изнутри. Записки чекиста

<sup>167</sup> НКВД изнутри. Записки чекиста

Н.С. ва Л.П.Бериянинг ўғли С.Л.Бериянинг хотираларига кўра, НКВДни яхудийлардан оммавий тозалаш 1939 йил террорнинг асосий тўлқини якунидаёқ ўринга эга бўлган), латишлар (7,29 % дан 0 %гача) ва поляклар (4,17 % дан 0,67 %гача, 1939 йил 1 июлига 0 %гача) улуши пасайди.<sup>168</sup> Шунингдек, НКВД барча руслашган немислардан ҳам тозаланди. Бундан ташқари, Бериянинг тайинланиши билан грузинлар улуши икки марта ўсади (1938 йил 1 сентябрда 3,33% дан 1940 йил 1 январда 6,98%гача);

- 1934-1938 йиллар НКВД органлари учун, шунингдек, фақат бошланғич маълумотга эга бўлган шахслар фоиздаги улушкининг юқори эканлиги ҳам хосдир: 1934 йилнинг 10 июль ҳолатига 40,63% дан 1938 йил 1 сентябрда 42,67%гача. Террорнинг асосий тўлқини якун топиши билан бундай ходимлар сони пасая бошлади ва 1941 йилнинг 26 февраляга келиб, 19,23%гача тушди, НКВД органларида олий маълумотли шахслар сони 1938 йилдан 1941 йилгача 10% дан 34,07%гача ўсади.<sup>169</sup>

- НКВД раҳбар ходимлари учун хос бўлган яна бир хусусият болалиги оғир шароитларда ўтган (мактабдан ҳайдалиш, тўлиқ бўлмаган оила, дайдилик ва ҳ.к.) шахслар улушкининг юқорилигидир; 1934 йил бундай шахслар улиши 5-6%ни ташкил қилган. 1937 йил бу кўрсаткич 8%гача, 1938 йил эса 12,7%гача ўсади. Террорнинг асосий тўлқини якун топиши билан бундай шахслар улуши 1940 йилда яна 6%гача пасайди.<sup>170</sup>

### **Ички ишлар халқ комиссарлари алмаштирилишининг НКВД таркиби ўзгаришига таъсири**

НКВДда таркибida кадрлар билан боғлиқ оммавий ўзгаришларнинг камида учта асосий «тўлқини»ни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи тўлқин 1934 йилнинг 10 июлида амалда бу муассасани олдин ҳам бошқариб келган Г.К.Ягоданинг ички ишлар халқ комиссари лавозимига тайинланиши билан боғлиқ бўлди.

Иккинчи «тўлқин» 1936 йил 26 сентябрда Н.И.Ежовнинг тайинланиши билан бошланган бўлиб, у 1937 йилнинг ёзидан

<sup>168</sup> НКВД изнутри. Записки чекиста

<sup>169</sup> НКВД изнутри. Записки чекиста

<sup>170</sup> НКВД изнутри. Записки чекиста

НКВДни бу лавозимда ўзидан олдин ишлаган мансабдоши томонидан тайинланган ходимлардан оммавий равища тозалашни ва 1934 йилнинг 1 декабрида С.М.Кировни ўлдирган «фитначилар»га қарши кураш баҳонаси остида асосий лавозимларга ўз одамларини қўя бошлади. Тадқиқотчи Леонид Наумов М.И.Литвин (1939 йил ўзини отиб ўлдирган), И.И.Шапиро, В.Е.Цесарский, С.Б.Жуковскийларни НКВДга келган «Ежовнинг биринчи гурухи» деб атаган. Умуман олганда Ежов ўзининг халқ комисариатида «Шимолий Кавказликлар» (Фуқаролик уруши даврида Шимолий Кавказда хизмат қилган чекистлар) ва «Туркистонликлар» (Фуқаролик уруши даврида Сибирда хизмат қилган, сўнгра Ўрта Осиёга ўтказилган чекистлар) «клан»ларига таянган. Ежов кўп жиҳатдан Шимолий Кавказдан ўтказилган кадрларга таянган эканлиги сабабли, НУВДни тозалаш минимал бўлган; Ежовнинг ўзи эътироф этганидек: «Мен ҳамма жойда чекситларни тозалаганман. Фақат Москва, Ленинград ва Шимолий Кавказдагина уларни тозаламаганман, холос...».

Собиқ чекист М.П.Шрейдернинг гувоҳлик беришича, Яода томонидан пастдан юқорига кўтарилиган Фриновский унинг қулаши билан дарҳол Ежов томонга «қочиб ўтган» ва Ягодани ҳибсга олишжа иштирок этишга тайёрлигини билдирган.<sup>171</sup> Бошқа далилларга кўра, Я.С.Агранов ҳам Ежов томонига «қочиб» ўтди.

Умуман олганда, ижтимоий келиб чиқиши, миллий таркиби, маълумоти даражаси, партия стажи бўйича дастлабки паллада Ежов томонидан илгари сурилган шахслар Ягоданинг «одамлари»дан умуман фарқ қилмаган.

### **«Ежовнинг одамлари»:**

Фриновский М. П. (1940 йил отиб ўлдирилган)

Заковский Л. М. (1938 йил отиб ўлдирилган)

Люшков Г. С. (1938 йил қочган, 1945 йил ҳалок бўлган)

Миронов С. Н. (1940 йил отиб ўлдирилган)

Евдокимов, Е. Г. (1940 йил отиб ўлдирилган)

<sup>171</sup> Авторские публикации: В архивно-следственных делах 1937 года довольно часто встречается фамилия главы украинского НКВД Александра Успенского. Сергей Федосеев

Литвин М. И. (1939 йил ўзини отиб ўлдирган)

Учинчи ва сўнгги «тўлқин» асосан Ежов томонидан амалга оширилган Катта террордан сўнг, 1938 йилнинг 25 ноябрида Л.П.Бериянинг тайинланиши билан бошланди. Берия ички ишлар халқ комиссари лавозимида фаолият кўрсатган илк йилларда давлат террори қўлами кескин қисқарди, НКВДни Катта террорда иштирок этган Ежов номзодларидан оммавий тозалаш амалга оширилди (жумладан, Ежов томонидан қўтарилилган Фриновский М. П. ва Евдокимов Е. Г. қатағон қилинди), 1937-1938 йилларда қатағон қилинганлар қисман оқланди.

Ички ишлар халқ комиссариатида Берия дастлабки паллада ўзининг Грузиялик собиқ хизматдошларига таняшига ҳаракат қилди. Натижада НКВД раҳбариятида грузинлар улуши 1938 йил 1 сентябрдаги 3,33%дан 1940 йилнинг 1 январида 6,98%гача ўсди.

Тадқиқотчи Борис Соколов қуйидаги шахсларни НКВД олий раҳбарияти таркибиغا киритилган «Берия одамлари» деб атаган:

- Кобулов Б.З. - Грузия собиқ ички ишлар халқ комиссарининг ўринбосари ва унинг укаси Кобулов А. З.;
- Гоглидзе С. А., Грузия собиқ ички ишлар халқ комиссари
- Рапава А. Н., Абхазия Халқ комиссарлари совети собиқ раиси
- Меркулов В. Н., Грузия Компартияси МК саноат-транспорт бўлими собиқ бошлифи
- Деканозов В. Г., Грузия Давлат план қўмитаси собиқ раҳбари.

Бу шахсларнинг барчаси Бериянинг ўзи лавозимидан олинганидан кейин отиб ташланган.

### **«Берия одамлари»:**

Кобулов Б. З. (1953 йил отиб ташланган)

Гоглидзе С. А. (1953 йил отиб ташланган)

Рапава А. Н. (1955 йил отиб ташланган)

Меркулов В. Н. (1953 йил отиб ташланган)

Деканозов В. Г. (1953 йил отиб ташланган)

### **Тозалаш механизми**

НКВДни тозалаш чекистларни ғафдатда қолдириши күзда тутилган бир қатор хийла-найранглар билан биргаликда кузатилган. 1935 йил «давлат хавфсизлик комиссарлари» маҳсус олий унвонлари жорий қилинди. 1935 йил бу унвонга эга бўлган 37 нафар олий мартабали чекистдан 1941 йилга келиб атиги иккитаси тирик қолган эди.

1937 йилнинг ёзида тозалашнинг бошланиши билан параллел равишда НКВД ходимларига бир қатор олий мукофотлар «ёғилди», жумладан, кўплаб ходимларга Ленин ордени берилди. Бундан ташқари, НКВДни тозалаш билан бир пайтда чекистлар ва шахсан ички ишлар халқ комиссари Ежов номини кўкларга кўтариб мақташ кампанияси кузатилди. НКВД юкри мансабдор зобитларини ҳисбга олиш қатор ҳолатларда Москвага «малака ошириш»га чакирув баҳонаси остида амалга оширилди.

Тозалаш давомида кўтарилиб кетган Ежов тарафдорларини йўқ қилиш учун НКВДнинг ўзида мураккаб қайта ташкил қилиш амалга оширилиб, ҳибсга олишдан олдин турли ёрдамчи лавозимларга ўтказиш амалиёти кенг қўлланди; масалан, Фриновский М. П. СССР Ҳарбий денгиз флоти (МВФ) халқ комиссари лавозимига, Заковский Л. М. Куйбишев гидроузели қурилиш бошлиғи лавозимига ўтказилди. Умуман олганда, НКВДни тозалаш кадрларни узлуксиз бир лавозимдан бошқа лавозимга кўчиришлар билан биргаликда кузатилди. Халқ комиссари Ежовнинг истеъфо бериши кўп босқичли мураккаб комбинация характеристига эга бўлди: 1938 йилнинг 8 апрелида у ўриндошлиқ асосида СССР сув транспорти халқ комиссари этиб тайинланди ва бир вақтнинг ўзида ички ишлар халқ комиссари бўлиб ҳам қолаверди. 23 ноябрда Ежовнинг ўзи ички ишлар халқ комиссари лавоимидан истеъфо берди ва бу истеъфо 25 ноябрь куни қабул қилинди. НКВД Узок Шарқ бўйича мухтор вакили Г.С.Люшков ва Украина ички ишлар халқ комиссари А.И.Успенскийнинг ҳибсга олинишни кутиб ўтирасдан қочиб кетиши истеъфо учун баҳона бўлди.

ВКП(б) МКУ Сиёсий бюросининг Ежов ички ишлар халқ комиссари давозимидан истеъфо бериши ҳақида қарорида унинг ҳибсга олиниши ҳақида ҳеч нарса дейилмаган: фақат унинг «бир вақтнинг ўзида иккита халқ комиссариатини бошқаришга имкон бермайдиган саломатлик билан боғлиқ ҳолати» ёдга олиб ўтилган,

холос. Ежов 1939 йилнинг апрелида ҳибсга олинди. Ежовнинг истеъфо беришидан сал олдин вазият аниқланмаган ҳолатда унинг турмуш ўртоғи Хаютина Е. С. ҳалок бўлди.

Ежвонинг босқичма-босқич қулаши билан параллел равишда худди шу тарзда 1938 йилнинг августида Грузиядан марказга ўтказилган Бериянинг босқичма-босқич қўтарилиши рўй берди. Берия 22 августда ички ишлар ҳалқ комиссарининг биринчи ўринbosари этиб, 8 сентябрда НКВД 1-бошқармаси бошлиғи, 29 сентябрда – НКВД Давлат хавфсизлик Бош бοқармаси бошлиғи ва ниҳоят, 25 ноябрда – СССР ички ишлар ҳалқ комиссари этиб тайинланди.

Сталин ўзига хуш келмайдиган кишиларни ёрдамчи лавозимларга ўтказиш усулидан 1920-йилларда, ҳукумат учун кураш даврида кенг фойдалана бошлаган. Сталиннинг асосий рақиби бўлган Троцкий узоқ вақт давомида тайёрланган Ҳарбий денгиз ҳалқ комиссари ва Революцион ҳарбий кенгаши раиси лавозимларидан концессия қўмитаси раиси ёрдамчи лавозимига ўтказилган, унинг тарафдорларидан бири саналган Муралов Н. И. эса Москвадан Шимолий Кавказ ҳарбий округига ўтказилган. «Зиновьевчи» Сокольников Г. Я. Молия ҳалқ комиссари лавозимидан СССР Давлат план қўмитаси раиси лавозимига ўтказилган, оппозициячиларни чет мамлакатларга элчи қилиб ўтказиш амалиёти кенг қўлланган.

НКВДда тозалаш муҳити куплаб бўлим бошлиқлари ва бошқа бошлиқларининг ўринбосарларига ўз бошлиқларини, жумладан, жисмоний йўқ қилган ҳолда тезда қўтарилиш учун имконият яратиб берди.<sup>172</sup> Раҳбар ходимларни СССРнинг бир минтақасидан бошқа минтақасига қўчириб ўтказиш «мустаҳкам боғланган», иноқ чекистлар «клан»ларини барбод қилишнинг бошқа бир усули бўлган.

Тадқиқотчи Л.А.Наумовнинг фикрига кўра, жойларда НКВД аппаратини тозалаш 1937 йилнинг июлида Украинадан бошланган. Илгари Украинада УССР ички ишлар ҳалқ комиссари лавозимида хизмат қилган Балицкий В. А. Узоқ Шарққа тозалаш ишларини амалга ошириш учун ўтказилган, бироқ бир ойдан кейин ўзи ҳам ўша ерда қатағон қилинган. 1937 йилнинг 17

<sup>172</sup> Кто руководил НКВД : 1934—1941

июлида Балицкий «антисовет троцкийчи-фашистлар фитнаси»ни ташкил қилганликни «тан олган» ва Украинадаги ўзининг сабиқ бир қатор ходимлариға қарши кўрсатмалар берган.

Балицкий кадрларини тозалашга Украина ички ишлар халқ комиссари ва Балицкийнинг сабиқ ўринбосари Леплевский И. М. бошчилик қилган бўлиб, унинг ўзи 1938 йилнинг апрелида қатағон қилинган. Украина нинг янгчи ички ишлар халқ комиссари этиб тайинланган А.И.Успенский Украина НКВДни энди «Леплевскийнинг одамлари»дан тозалаш ташаббуси билан чиқди. Успенскийнинг ўзи ҳибсга олиниши муқаррар эканлигини хис қилган ҳолда 1938 йилнинг нояброда ўз жонига қасд қилганликни ўхшатиб,<sup>173</sup> Воронежга қочиб кетди. У 1939 йилнинг апрелида Челябинск вилоятида ҳибсга олинди ва кўп ўтмасдан Германия фойдасига айтоқчилик ва «аксилинқилобий фитна» ташкил қилганликни «тан олди». 1940 йил Успенский, шунингдек, унинг турмуш ўртоғи ҳам отиб ташланди.

Қочоқ ички ишлар халқ комиссари Успенскийнинг Бутуниттифоқ қидирувини Сталин шахсан ўз назоратига олган. Қидирув давомида Успенскийнинг турмуш ўртоғи ҳибсга олинган, унинг қариндошларидан бири эса, ҳибсга олиниши муқаррар эканлигини билган ҳолда ўзини осиб ўлдирган. 1938 йил 16 ноября Н.С.Хрущёв қамоқдан қочишнинг олдини олмаганликда айблаб, Житомир вилояти НКВД бошқармаси бошлиғи Г.М.Вяткинни ҳибсга олиш ҳақида шахсан ўзи санкция берди. Сўроқ пайтида Вяткин Житомир вилоятида тўрт минг кишини, жумладан, вояга етмаган болалар ва ҳомиладор аёлларни отишга ҳукм қилишни тасдиқлаган эканлигини кўрсатди, ўзи эса 1939 йилнинг февралида отиб ташланди.

Узоқ Шарқни тозалаш учун Украинадан Катта террорнинг фаол қатнашчиларидан бири, этник кроейслар оммавий қатағони ва бошқа «миллий нуқтаи назарлар» бўйича қатағонлар бош ташкилотчиси Г.С.Люшков жалб қилинди. Люшков Узоқ Шарқда «ўнг троцкийчилар фитнасини» «фош қилди», жумладан, ўзидан олдин бу лавозимда ўтирган Д.Т.Дерибасни ҳибсга олди. 1938 йил эса ҳибсга олиниши муқаррар эканлигини хис қилган ҳолда

<sup>173</sup> Авторские публикации: В архивно-следственных делах 1937 года довольно часто встречается фамилия главы украинского НКВД Александра Успенского. Сергей Федосеев

Японияга қочди ва у ерда 1945 йил ҳалок бўлди. Ўз навбатида, Люшковнинг қочиши Узок Шарқда янги тозалашлар тўлқини учун баҳона бўлди. Прировардида, Люшковнинг қочиши Ежовнинг ўзини ҳам ишдан олиш учун баҳона бўлди.

Михаил Тумшис ва Александр Папчинский ўз асарларида кўрсатиб ўтганидек, Хабаровск шаҳрига маҳаллий НКВДда тозалаш ишларини ўtkазиш учун Ленинград, Москва, Вологда, Куйбишев ва Челябинскдан чекистлар келтирилди. Бу ерга келган шахсан ички ишлар ҳарбий комиссарининг биринчи ўринbosари М.П.Фриновский (кейинчалик у ҳам қатағон қилинган) «Узок Шарқдаги шаҳарлар аксилинқилобчи унсурларга тўлиб кетгани, НКВД органлари эса – ижтимоий ёт унсурларга тўла эканлиги ... Узок Шарққа хизмат сафарига юборилганларнинг асосий вазифаси НКВД органларини антивосетчи унсурлардан тозалашдан иборат эканлиги» ҳақида баёнот берди.

Миронов С. Н. был переведён из Днепропетровска Гарбий Сибирга ўтказилган бўлиб, у ерда «Польша айғоқчилари»ни<sup>174</sup> қатағон қилди, ўзи эса Берия томонидан 1939 йилнинг 6 январида ҳибсга олинди. Ҳозирги пайтда маҳфийлик тамғаси олиб ташланган ва ошкора қилинган Польша архивларининг кўрсатишича, 1930-йилларда Гарбий Сибирда аслида умуман Польша резидентураси бўлмаган.

Омскини тозалаш учун Шимолий Кавказдан юборилган Горбач Г. Ф. ва Валухин К. Н. ҳам кейинчалик қатағонга учраган (Горбач «давлат тўнтариши тайёрлаганлик»да айбланган). Отиб ўлдиришга ҳукм қилинган колхозчи Григорий Чазов ижрочиларнинг эътиборсизлиги туфайли бошқа отиб ташланганлар орасида ўрада тирик қолиб, кейинчалик Москвада М.И.Калинин қабулига қадар етиб борганлиги билан боғлиқ шармандали ҳолат Горбачни отиб ташлаш учун баҳоналардан бири бўлди.

Ўзбекистон ва Тожикистонни тозалаш учун Москвадан Сиёсий бюро аъзоси А.А.Андреев жўнатилди. Бошқирдистонни тозалаш учун келган А.Ажданов бу ерда иккита «фитна»: «троцкийчи-бухаринчилар» ва «миллатчи-буржуа фитнас»ни «аниқлади». Арманистонни тозалаш учун марказдан Микоян А. С.

<sup>174</sup> Наумов А. А. Сталин и НКВД. Часть I

ва Маленков Г. М. юборилди, Каганович Л. М. эса умумий ҳисобда собиқ СССРнинг тўртта вилоятида тозалаш ишларини олиб борди, шунингдек, алоқа йўллари халқ комиссари сифатида темир йўлларни ҳам «тозалади».

### **Хорижий бўлим**

НКВД хорижий бўлими (ИНО) раҳбариятини йўқ қилиш кўпинча маҳфий равишда, ҳеч қандай суд ва терговларсиз амалга оширилган. Хусусан, НКВД ИНО бошлиғи А. А. Слуцкий (1938 йил 17 февраль куни) бевосита НКВД давлат хавфсизлик Бош бошқармаси бошлиғи М.П.Фриновскийнинг кабинетида калий цианид инъекцияси ёрдамида ўлдирилган. Маҳфий (сир тутилган) қатллардан мақсад НКВД хорижий агентураси сафида саросималик ва дезертирикнинг олдини олиш бўлган.<sup>175</sup> Бироқ «тозалаш» кўламини яширишнинг имкони бўлмаган ва кўплаб агентлар Farbda қолиб кетишни афзал деб билган. Хусусан, қуидагилар чет элдан қайтиб келмади:

- И. С. Рейсс – НКВД ИНО Париждаги агенти. 1937 йилнинг бошида чақирув бўйича Москвага келишдан бош тортган. Француз газеталарида Сталин сиёсатини фош қиласиган очик хат билан чиқиш қилган. 1937 йил 17 июль куни Швейцарияда НКВД агенти С. М. Шпигельгласс томонидан ўлдирилган.

- А. М. Орлов – НКВД ИНО Мадриддаги резиденти. 1938 йилнинг июлида Антверпенга Шпигельглас билан учрашувга келмаган. НКВД тезкор мақсадлар учун мўлжалланган маблағлардан 60 минг долларни ўзлаштириб, Орлов яширин равишда хотини ва қизи билан биргаликда Францияга, у ердан эса – АҚШга қочиб кетган.

### **НКВД ходимларининг кўрсатмаларни бажаришдан бош тортиш ҳолати**

НКВД ходимлари айбиз шахсларни жазолашда иштирок этишдан бош тортган ҳолатлар камдан-кам учраган, чунки бундай бош тортиш НКВД ходимининг ўзи учун ўлим хавфини

---

<sup>175</sup> Рейфильд, с. 334.

англатарди. Лекин шунга қарамай, тарихда бундай ҳолатлар ҳам учраган.

Хусусан, Сибирь ҳарбий округи НКВД ГУГБ (давлат хавфсизлик бош бошқармаси) Махсус бўлими бошлиғи ўринбосари П.Ф.Коломиец ҳарбий хизматчилар ўртасида оммавий ҳисга олиш ва отиб ташлашларга дуч келгач, 1937 йилнинг 7 декабрида «ҳаво почтаси» орқали Ежовга терговлардаги бузуқликларни очиб ташлаш учун комиссия юборишни сўраб мурожаат қилди. Унинг фикрига хилоф равишда, қоровул Легалов ўт қўйганлик ҳақида уйдирма асосида отиб ташланганлигини билгач, Коломийц ўз билдиргиси (рапорт) ҳақида УНКВД бошлиғи ўринбосари И.А.Мальцевга маълум қилди. Кўп ўтмай Коломийц бошқарма бошлиғи Горбачнинг олдига кириб, бўлим учун бошқа жавоб беришдан бош тортишини маълум қилди. 23 декабрь куни у ҳисбга олинди ва қийноқقا солинди. 1938 йилнинг март ойида у қуидаги сатрларни битишга мажбур бўлди: «... сўнгги 6-7 йил давомиде мен оммавий операциялар бўйича ишларда, зарбдор тергов ишларида иштирок этмадим ... ўз ёғимга қовурилдим ва шу сабабдан илғор органлар ва ОГПУ-НКВД ходимлари тўплаган ижобий тажрибага эга бўлиш имкониятидан маҳрум эдим [...] Совет ҳукумати ва ВКП (б) жазо сиёсатини амалга ошириш бўйича чекистлар амалий ишларининг айrim жиҳатларини бир қатор ҳолатларда ёлғон, чиркин ахлоқ нуқтаи назаридан кўриб чиқдим». Коломийц 20 йил лагерь жазосига ҳукм қилинди, лекин 1940 йил оқланди.

НКВД сафига террор энг авжига чиққан пайтда сафарбар этилган Сиبلاغ тезкор чекистлар бўлими ёш ходими Садовский Сталинга сохта айбловлар ва қийноқларга қарши норозилик билдирган ҳолда хат ёзди. У дарҳол ҳисбга олиниб, қийноқقا солинди ва 1938 йилнинг кузида отиб ташланди.

Татаристон АССР НКВД «учлик» аъзоси ва СПО бошлиғи Я.Я.Веверс 1937 йилнинг ноябрида маҳкумларни отиб ташлашда (отиб ўлдиришда) иштирок этишдан бош тортганлиги учун қўл остидаги ходими С. А. Аухадеевни ҳисбга олиш ҳақида буйруқ берди. Аухадеев «антисоветча ташвиқот» учун 5 йил қамоқ жазоси олди, лекин 1939 йил унинг иши бекор қилинди.

Олтой ўлкаси бўйича УНКВД Благовещенск туман бўлинмаси бошлигининг ўринбосари М.Сейфулин,

ҳамкасларидан бирининг сўзларига кўра, «ўша пайтларда ҳибсга олиш ва тергов усуулларига рози бўлмаган ҳолда 1938 йилнинг баҳорида ўзини отиб ўлдирди». Курск вилояти НКВД туман бўлинмаларидан бирининг бошлиғи Д.Щекин 1938 йилнинг 4 августида ўз жонига қасд қилган, бундан олдин эса ҳибсга олинганларнинг оиласларига ташриф буюрган ва улар билан спиртли ичимликлар ичган.

1937 йилнинг сентябрь ойида Воронеж вилояти УНКВД тергов ишлари бўйича референти Гуднев «МКга қарши бузғунчилик ташвиқоти ва ноконуний адабиётлар чоп этганлик» учун ҳибсга олинган тўрт кишини ўз бошлиғига хабар бермаган ҳолда озод қилиб юборди. Шундан сўнг Гуднев ва у билан бирга озод қилинган шахслар ҳам ғойиб бўлдилар. Бунгача эса Гуднев ўз қўлида бўлган ва айланувчиларга отиб ташлаш жазоси таҳдид солаётган барча ишларни йўқ қилди.<sup>176</sup>

### *Репрессиялар қўлами*

1937 йилнинг 1 март ҳолатига давлат хавфсизлик органлари умумий рўйхатдаги сони 25 минг киши бўлгани ҳолда 1937-1938 йилларда 2273 нафар НКВД ходими тозаланди ва ҳибсга олинди, 1939 йил эса Берия томонидан яна 937 нафар НКВД ходими қатағон қилинди. 1939 йил Берия томонидан 7372 киши хизматдан бўшатиб юборилди.

«Мемориал» жамияти қатағон қилинган 20 минг киши борасида шубҳа билдиради ва бу ракам, чекистлардан ташқари, милиция, ёнғин хавфсизлиги, ФХДЁ ва НКВД тизимидаги бошқа муассасалар ходимларини ҳам ўз ичига олганлигини кўрсатади.

1934 йилнинг июлидан 1938 йил сентябргача республика НКВД, ўлка ва влиоятлар УНКВД, марказий аппарат бўлинмалари 322 нафар бошлиқларидан 241 киши ҳибсга олинди (қарийб 75 %). 1935 йил давлат хавфсизлик комиссари унвонига эга бўлган 37 кишидан 1935 йилга келиб атиги икк киши тирик қолганди.

<sup>176</sup> Машина террора. ОГПУ-НКВД в Сибири в 1929—1941 гг.

## ***Сабаблар таҳлили***

### ***«Авлодлар ўртасидаги кураш»***

Машхур тарихчи Михаил Восленский НКВД тизимида кадрларни «тозалаш» сабабларини совет номенклатурасида<sup>177</sup> икки авлод ўртасида хукумат учун курашда деб кўрган. Восленскийнинг ҳисоблашича, 30-йилларнинг ўрталарида ВКП(б) да иккита раҳбарлик қилувчи гурӯҳ шаклланган бўлиб, тадқиқотчи уларни шартли равишда *ленинчи* ва *сталинчи* гурӯҳларга ажратади. Биринчи гурӯҳ аъзолари ўз лавозимини инқилобдан олдинги стажга эга бўлган ленинча гурӯҳга аъзолик ҳукуқи бўйича эгаллаган, иккинчи гурӯҳ эса Сталинга содиқлик аломати бўйича танлаб олинган, 20-йилларда пастдан юқорига кўтарилиган шахслардан иборат эди.<sup>178</sup> 30-йилларнинг ўрталариға келиб, партия аппаратида сталинчилар улуши сезиларли даражада ўси, лекин ленинчилар сони ҳам кам эмасди, бу эса авлодлар ўртасидаги қаттиқ рақобатга олиб келган.<sup>179</sup> Восленскийнинг фикрича, 1936-1938 йилларда амалга оширилган «тозалашлар»дан мақсад, СССР раҳбариятидан, жумладан, НКВД раҳбариятидан «ленинчи»ларни чиқаруб ташлаш бўлган.<sup>180</sup>

Восленскийнинг кўрсатишича, 20-йиллардан бошлаб, Сталин раҳбар кадрлар танлашни ўз қўлларида мужассам этишга ҳаракат қилган.<sup>181</sup> 30-йиллар ўрталариға келиб, Сталин тарафдорлари барча соҳаларда раҳбариятнинг олий ва ўрта бўғинларида кўплаб раҳбар лавозимларни эгаллаб олган эди. Бироқ талайгина юқори

<sup>177</sup> Восленский, глава 2, раздел 13 "Гибель ленинской гвардии".

<sup>178</sup> Восленский, глава 2, раздел 13 "Гибель ленинской гвардии".

<sup>179</sup> В 1930 году среди секретарей обкомов, крайкомов и ЦК союзных республик 69 % — больше 2/3 — были с дореволюционным партстажем. Из делегатов XVII съезда БКП(б) (1934 год) 80 % вступили в партию до 1920 года, то есть до победы в гражданской войне.

<sup>180</sup> В результате «чистки» НКВД были отстранены от руководства и затем физически уничтожены все оставшиеся на тот момент основатели ЧК. Все они были объявлены «предателями». Например, Глеб Бокий, стоявший вместе с Лениным у истоков рабочего движения в Петербурге, был расстрелян по обвинению в «предательстве и контрреволюционной деятельности».

<sup>181</sup> Известно, что картотеку на наиболее интересовавших его людей Сталин с первой половины 20-х годов вел сам, не допуская к ней даже своего секретаря. В эти годы в аппарате ЦК Сталина называли за глаза «товарищ Картотеков»(Восленский, глава 2, раздел 13)

мансаб ва лавозимларни, жумладан, ОГПУ/НКВД тизимида ўз каръераси борасида Сталиндан қарздор бўлмаган шахслар эгаллаганди. Восленскийнинг фикрига кўра, Кировнинг ўлдирилиши ва ундан кейин авж олган «Катта террор» Сталинга жумладан, НКВД тизимида ҳам «ленинчи гвардия» қолдиқларидан халос бўлиш ҳамда 20-йилларда пастдан юқорига кўтарилган шахсларга таянган ҳолда мутлақ яккаҳокимлик режими ўрнатишга имкон берди.<sup>182</sup>

### **«Кланлар ўртасида кураш»**

Л. А. Наумов<sup>183</sup> НКВД раҳбар таркибидаги туб ўзгаришлар Сталиннинг онгли равища юритган сиёсати эмас, балки НКВДдаги «клан»лар: «Ягоданинг одамлари», «Ежовнинг одамлари», «украиналиклар (Украинада хизмат қилган чекситлар)», «Шимолий Кавказликлар», «туркистонликлар» ва х.к. ўртасида стихияли кураш оқибати бўлган деб ҳисоблайди. Бу кланларнинг бир-бирини йўқ қилиб юбориши натижасида, тадқиқотчининг фикрича, уларга нисбатан ҳеч қандай «компромат» бўлмаган, «тоза анкетали» янги кадрларнинг оммавий равища юқорига кўтарилиши рўй берди.<sup>184</sup>

---

<sup>182</sup> Восленский, глава 2, раздел 13 "Гибель ленинской гвардии".

<sup>183</sup> Кандидат исторических наук. Тема диссертации: «Отечественная историография Д. И. Писарева»

<sup>184</sup> Наумов А. А. Сталин и НКВД. Часть I

## ОММАВИЙ ТЕРРОР

### ВКП (б) МК февраль-март пленуми

НКВД сафларини тозалаш ҳақида кўрсатма ВКП(б) МКнинг 1937 йил 23 февраль - 3 март кунлари бўлиб ўтган пленумида берилган эди. Ушбу пленумда «Партия ишидаги камчиликлар ҳамда троцкийчилар ва бошқа мунофиқларни тугатиш чоратадбирлари тўғрисида» маъruzаси билан сўзга чиққан И.В.Сталин «социализм қуриш борасида синфий курашнинг кучайиши» ҳақида ўз доктринасини такрорлади. Пленумда Н.И.Бухаринга қаратса айтилган, гўёки собиқ сўл оппозицияларини (троцкийчи Пятаков Г. Л., Карл Радек, зиновьевчи Каменев Л. Б., Сокольников Г. Я. ва б.) ҳам, собиқ «ўнг оғмачилар»ни (Бухарин Н. И., Рыков А. И., Угланов Н.А.) ҳам бирлаштириши лозим бўлган «ўнг-сўл оппозиция»ни маҳфий равишда ташкил қилиш борасида айловлар тингланди. Бухарин билан Каменев ўртасида бундай «ўнг-сўл» (сталинча атамада – «троцкийчи-бухаринчи») бирлашга оппозиция ташкил қилиш ҳақида яширин музокаралар ёзуви НКВД қўлига тушиб қолди. Бундан ташқари, Н.И.Ежовнинг маърузасига кўра, Бухарин ва Рыков гўёки бевосита Сталинга қарши террор режалаштирган.

«Бухарин-Рыков иши»ни кўриб чиққач, пленум омма олдида «хатоларнинг тан олиниши»га қарамай, биринчи навбатда Бухаринни «мунофиқликда» (яширин оппозиция фаолияти юритишда) айблади. Бухариннинг террорчилик фаолияти ҳақида маълумотлар бўхтон эканлиги, мос келувчи кўрсатмалар эса НКВД терговчилари томонидан зўрлик билан олингани ҳақидаги баёноти совет тузумини қоралаш деб эълон қилинди; Бухарин томонидан норозилик сифатида эълон қилинган очлик эса «троцкийча усул» деб лъянатланди. Пленум якунларига кўра Бухарин партиядан чиқарилди, унинг иши эса НКВДга топширилди.

Ушбу пленумда сўзга чиққан 72 шахсдан 52 таси террор давомида отиб ташланди:<sup>185</sup>

- Агранов Я. С. 1938 йилнинг 1 августида отиб ташланди

---

<sup>185</sup> 1937 год — год «Большого террора»

- Акулов И. А. 1937 йилнинг 30 октябрида отиб ташланди
- Андреев А. А. тозалашдан омон қолди
- Антипов Н. К. 1938 йилнинг 28 июлида отиб ташланди
- Багиров, М. Д. тозалашдан омон қолди, 1956 йилнинг 26 апрелида отиб ташланди
- Балицкий В. А. 1937 йилнинг 27 ноябрида отиб ташланди
- Берия Л. П. тозалашдан омон қолди, 1953 йилнинг 23 декабряда отиб ташланди
- Богушевский В. С. 1939 йилнинг 31 марта отиб ташланди
- Бухарин Н. И. 1938 йилнинг 15 марта отиб ташланди
- Быкин (Беркович) Я. Б. 1938 йилнинг 10 февраля отиб ташланди
- Вегер Е. И. 1937 йилнинг 27 ноябрида отиб ташланди
- Ворошилов К. Е. тозалашдан омон қолди
- Вышинский А. Я. тозалашдан омон қолди. КПСС XX съездигача яшамаган.
- Гамарник Я. Б. ҳисбса олишларини кутмасдан 1937 йил 31 май куни ўзини отиб ўлдирди
- Гуревич А. И. 1937 йилнинг 30 октября отиб ташланди
- Евдокимов Е. Г. 1940 йилнинг 2 февраля отиб ташланди
- Ежов Н. И. 1940 йилнинг 4 февраля отиб ташланди
- Жданов А. А. тозалашдан омон қолди, 1948 йил вафот этди. Ждановнинг ўлими «врачлар иши» учун баҳоналардан бири бўлди.
- Жуков И. П. 1937 йил 30 октября отиб ташланди
- Завенягин А. П. тозалашдан омон қолди
- Заковский Л. М. (Штубис Г. Э.) 1938 йил 29 августа отиб ташланди
- Икрамов А. И. 1938 йил 15 марта отиб ташланди
- Кабаков И. Д. 1937 йил 30 октября отиб ташланди
- Каганович Л. М. тозалашдан омон қолди, СССР парчаланиб кетишига ярим йил қолганда, 1991 йил вафот этди
- Калинин М. И. тозалашдан омон қолди
- Калманович М. И. 1937 йилнинг 27 ноябрида отиб ташланди
- Калыгина А. С. 1937 йилнинг 27 ноябрида отиб ташланди
- Каминский Г. Н. 1938 йилнинг 10 февраля отиб ташланди
- Косарев А. В. 1939 йилнинг 23 февраля отиб ташланди
- Косиор С. В. 1939 йилнинг 26 февраля отиб ташланди

- Криницкий А. И. 1937 йилнинг 30 октябрида отиб ташланди
- Крупская Н. К. 1939 йилнинг 27 февраляда вафот этди
- Кудрявцев С. А. 1938 йилнинг 25 апреляда отиб ташланди
- Левченко Н. И. 1938 йилнинг 25 февраляда отиб ташланди
- Литвинов М. М. (Валлах М. М.) тозалашдан омон қолди, 1951 йил 31 декабря шубҳали вазиятларда вафот этди
- Любимов И. Е. 1937 йилнинг 27 ноябряда отиб ташланди
- Любченко П. П. 1937 йилнинг 29 августа ҳибсга олишларини кутиб ўтирмасдан ўзини отиб ўлдирди
- Макаров И. Г. тозалашдан омон қолди
- Маленков Г. М. тозалашдан омон қолди
- Межлаук В. И. 1938 йилнинг 29 июляда отиб ташланди
- Мехлис Л. З. тозалашдан омон қолди
- Микоян А. И. тозалашдан омон қолди
- Мирзоян Л. И. 1939 йилнинг 26 февраляда отиб ташланди
- Миронов (Каган) Л. Г. 1938 йилнинг 29 августа отиб ташланди
- Михайлов (Кацелененбоген) М. Е. 1938 йилнинг 1 августа отиб ташланди
- Молотов (Скрябин) В. М. тозалашдан омон қолди
- Оболенский В. В. (Осинский Н.) 1938 йилнинг 1 сентября 1938 года отиб ташланди
- Пахомов Н. Н. 1938 йилнинг 19 августа отиб ташланди
- Полонский В. И. 1937 йилнинг 30 октября отиб ташланди
- Попов Н. Н. 1938 йилнинг 10 февраля отиб ташланди
- Попок Я. А. 1938 йилнинг 28 июляда отиб ташланди
- Постышев П. П. 1939 йилнинг 26 февраля отиб ташланди
- Прамнек Э. К. 1938 йилнинг 29 июляда отиб ташланди
- Разумов М. О. (Арханцев А. И.) 1937 йилнинг 30 октября отиб ташланди
- Реденс С. Ф. 1940 йилнинг 12 февраля отиб ташланди
- Рухимович М. Л. 1938 йилнинг 29 июляда отиб ташланди
- Рыков А. И. 1938 йилнинг 15 марта отиб ташланди
- Рындин К. В. 1938 йилнинг 10 февраля отиб ташланди
- Саркисов С. А. 1938 йилнинг 1 сентября отиб ташланди
- Стецкий А. И. 1938 йилнинг 1 августа отиб ташланди
- Угаров А. И. 1939 йилнинг 25 февраля отиб ташланди
- Хатаевич М. М. 1937 йилнинг 30 октября отиб ташланди

- Хрушёв Н. С. тозалашдан омон қолди
- Чубарь В. Я. 1939 йилнинг 26 февраляда отиб ташланди
- Шверник Н. М. тозалашдан омон қолди
- Шеболдаев Б. П. 1937 йилнинг 30 октябряда отиб ташланди
- Шкирятов М. Ф. тозалашдан омон қолди
- Эйхе Р. И. 1940 йилнинг 4 февраляда отиб ташланди
- Ягода Г. Г. 1938 йилнинг 15 мартада отиб ташланди
- Яковлев (Эпштейн) Я. А. 1938 йилнинг 29 июняда отиб ташланди
- Ярославский Е. М. (Губельман М. И.) тозалашдан омон қолди

### **Оммавий террорнинг бошланиши**

1937 йилнинг июнида Мексикада қувғинда яшаётган Троцкий ССРВ ВЦИК га телеграмма жўнатиб, унда қуидаги сўзларни ёзган: «Сталин сиёсати ҳам ички, ҳам ташқи майдонда узил-кесил мағлубиятга олиб келади. Сўнгти суд жараёнларини очишдан бошлаб, совет демократияси томон бурилишгина қутулишнинг ягона йўли ҳисобланади. Бу йўлда мен имкон қадар мадад беришни таклиф қиласман». Телеграмма Сталинга етказилди ва у: «Жосус башара! Гитлернинг безбет жосуси!» деб резолюция қўйди.<sup>186</sup> 1937 йилнинг 28 июнида ВКП(б) МК Сиёсий бюроси қарор қилди: «1. Сургун қилинган қулоқлар исёнчи ташкилотига мансуб бўлган барча фаолларга нисбатан олий жазони қўллаш зарур деб топилсин. 2. Масалани тезроқ ҳал қилиш учун Ғарбий Сибирь бўйича НКВД бошқарма бошлиги ўртоқ Миронов (раис), Ғарбий Сибирь ўлкаси прокурори ўртоқ Барков ва Ғарбий Сибирь ўлка партия қўмитаси котиби ўртоқ Эйхедан иборат учлик ташкил қилинсин».<sup>187</sup>

2 июль куни Сиёсий бюро иттифоқдош республикалар компартия МК, вилоят қўмиталари, ўлка қўмиталари котиблариiga қуидаги мазмунда телеграмма йўллашга қарор қилди:

Қайд этилишисп, бир пайтлар турли вилоятлардан Шимол ва Сибирь худудларига бадарға қилинган, кейинчалик эса, сургун

<sup>186</sup> Роговин, В. LV. Июньский пленум ЦК — 1937.

<sup>187</sup> <http://malchish.org/lib/Stalin/inoy.htm>

муддати тугагач, ўз вилоятларига қайтиб келган собиқ қулоқлар ва жиноятчиларнинг катта қисми колхоз ва совхозларда ҳам, транспорт ва саноатнинг айрим тармоқларида ҳам турли хилдаги антисовет ва қўпорувчилик (диверсия) жиноятларининг бош сабабчилари ҳисобланади.

ВКП(б) МК барча вилоят ва ўлка ташкилотлари котибларига ва НКВД барча вилоят, ўлка ва республика вакилларига ватанига қайтиб келган барча қулоқлар ва жиноятчиларни уларнинг энг душманларча муносабатда бўлганларини зудлик билан ҳибсга олиш ва учликлар орқали уларнинг ишларини маъмурий ўтказиш тартибида отиб ташланиши, қолган у қадар фаол бўлмаган, лекин барibir душманлик рухида бўлган ёт унсурлар рўйхатга олиниши ва НКВД кўрсатмаси бўйича кўрсатилган худудларга бадарға қилиниши учун уларни ҳисобга олишни таклиф қиласди.

ВКП(б) МК беш кунлик муддат ичида МКга учликлар таркибини, шунингдек, отиб ташланиши лозим бўлганлар ва сургун қилиниши лозим бўлганлар рўйхати тақдим этишни таклиф қиласди.

16 июль куни Ежовнинг амалга ошириш режалаштирилган операцияни муҳокама қилиш учун НКВД вилоят бошқармалари бошлиқлари билан мажлиси бўлиб ўтди. С. Н. Миронов (Гарбий Сибирь ўлкаси бўйича УНКВД бошлиғи) кейинрок ҳикоя қилишича: «Ежов тезкор-сиёсий директива берди, Фриновский эса уни ривожлантириш учун ҳар бир бошқарма бошлиғи билан «тезкор лимит»,<sup>188</sup> яъни СССРнинг у ёки бу минтақасида қатағон қилиниши лозим бўлган шахслар сонини ишлаб чиқди. Л.П.Берия номига ёзилган аризада Миронов қуйидаги сўзларни битди: «... июлда Ежовга маълумот тақдим этиш жараёнида мен унга туман ва шаҳар фаоллари бўйича бундай кенг кўламли операциялар хатарли бўлишини айтдим, чунки аксилинқилоби ташкилотнинг ҳақиқий аъзолари билан бир қаторда улар бир қатор шахсларнинг алоқадор эканлигини учалик ишончли кўрсатмайди. Ежов менга бундай жавоб берди: „Нимага унда уларни ҳибсга олмайсиз? Биз сизнинг ўрнингизга ишламаймиз, уларни қамоқقا олинг, кейин эса аниқлаштириб оласиз – кимга қарши кўрсатма бўлмаса, кейинроқ ғалвирдан ўтказасиз. Дадилроқ бўлинг, буни мен сизга бир неча

<sup>188</sup> ЦА ФСБ РФ. Арх. № Н-15301. Т. 7. Л. 33

марта айтганман“. Бунда у менга айрим ҳолатларда, агар керак бўлса „сизнинг рухсатингиз билан бўлим бошлиқлари жисмоний таъсири усусларини ҳам қўллаши мумкин“ эканлигини айтди». <sup>189</sup> Кондаков ўзининг Ярославль НКВД бошқармаси бўйича собиқ бошлиғи А. М. Ершовнинг сўзларига ҳавола келтирган ҳолда маълум қиласиди: «Ежов қўйидаги фикр билдирган „Агар бу операция вақтида ортиқча минг киши отиб ташланса ҳам – бу ҳеч қанақа кулфат эмас. Шу сабабли ҳибсга олишда ортиқча тортиниб ўтираслик керак“». <sup>190</sup> «Бошқарма бошлиқлари, - деб айтади А. И. Успенский, - бир-биридан устун келиш ниятида ҳибсга олинганлар ҳақида жуда катта рақамларни маълум қиласди. Ежовнинг ушбу мажлисдаги сўзга чиқиши „Текшириб ўтирасдан ур, яхсон қил“ директивасига бориб тақаларди. Ежов душманларнинг яхсон қилиниши билан маълум бир сондаги айбисиз кишилар ҳам қурбон бўлиши, лекин бу муқаррар эканлиги ҳақида тўғридан-тўғри гапирди». <sup>191</sup> Успенскийнинг ҳибсга олинган 70-80 ёшли қариялар билан нима қилиш керак деган саволига Ежов: «Агар оёғида тура олса – отиб ташла» деб жавоб берди. <sup>192</sup>

### **«Қулоқлар» линияси бўйича қатағон**

1937 йилнинг 31 июлида «Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет унсурларни репрессия қилиш тўғрисида»ги НКВД 00447-сон буйруғи ВКП (б) МК Сиёсий бюроси томонидан маъқулланди, шу билан бир пайтда ГУЛАГ<sup>193</sup> лагерлар тизимини кенгайтириш ҳақида қарор қабул қилинди ва Ежов томонидан имзоланди. <sup>194</sup>

Буйруқда қулоқлар ва жиноятчилардан ташқари сиёсий фаоллар (эсерлар, грузмеклар, мусаватчилар, иттиходчилар, дашноқлар, оқлар, реэмигрантлар) ҳам репрессия қилинганлар

<sup>189</sup> ЦА ФСБ РФ. Арх. № Н-15301. Т. 7. Л. 35-36

<sup>190</sup> ЦА ФСБ РФ. Ф Зое. Оп. 6. Д. 4. Л. 207

<sup>191</sup> ЦА ФСБ РФ. Ф Зое. Оп. 6. Д. 3. Л. 410

<sup>192</sup> Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы. — Т. 5. 1937—1939. Кн. 1. 1937.

<sup>193</sup> Постановление Политбюро об утверждении приказа НКВД № 00447

<sup>194</sup> Приказ НКВД № 0447

қаторига кирилди. «Қулоқлар операцияси» доирасида учликлар томонидан 818 минг киши жазога хукм қилинди, шундан 436 минг киши отишга хукм қилинди.

## Террор механизми

Киров вилоят қўмитаси котиби М.Н.Родиннинг «биринчи тоифа» бўйича лимитни 300 кишига, «иккинчи тоифа» бўйича эса 1000 кишига ошириш ҳақида сўрови. И. В. Сталиннинг қизил қалам билан қайд қилинган кўрсатмаси: «Биринчи тоифа бўйича лимит 300 эмас, 500 кишига, иккинчи тоифа бўйича эса – 800 кишига оширилсин».

О. В. Хлевнюкнинг таъкидлашича, Сиёсий бюро турли операциялар ўтказишга рухсат берарди ва НКВД учун буйруқларни тасдиқларди. «Учлик»лар фаолияти лимитлар ёрдамида тартибга солинарди. Раҳбар ходимларга хукмни расман СССР Олий судининг Ҳарбий коллегияси чиқарабди. Амалда эса Сталин, Молотов, Ворошилов, Каганович, Жданов ва айrim ҳолатларда Микоян ва Косиор томонидан тасдиқланарди. Сиёсий бюро аъзолари республика ва вилоят партия ташкилотларини тозалаш мақсадида жойларга мунтазам сафарлар уюштиради. Террор ҳақида директиваларнинг аксарияти Сиёсий бюро қарорлари сифатида расмийлаштирилган бўлишига қарамай, Хлевнюкнинг фикрига кўра, уларнинг асл муаллифи Сталин бўлган. Ҳибларни амалга ошириш ва судлар ташкил қилиш ҳақида МК директивалари жойларга Сталиннинг имзоси остида юборилган. Қатор ҳолатларда Сталин шахсий кўрсатмалар билан телеграммалар жўнатарди. Масалан, 1937 йилнинг 27 августида Ғарбий вилоят қўмитаси котибининг «Андреевск туманида қишлоқ хўжалигида ҳаракат қилган зааркундалар» устидан суднинг бориши ҳақидаги хабарига жавобан Сталин телеграф орқали қуйидаги хабарни юборди: «Андреевск тумани зааркундаларини отиб ашлаш ва бу ҳақида маҳаллий матбуотда хабар берилишини маслаҳат қиласман». <sup>195</sup>

<sup>195</sup> «Хлевнюк О. В.»" Хозяин. Сталин и утверждение сталинской диктатуры. М., РОССПЭН, 2012. С. 321, 340

Бир неча минг кишини ҳибсга олиш ҳақида топшириқ олган УНКВД бошлиқлари юзлаб ва минглаб кишиларни ҳибсга олиш заруратига учради. Репрессиялар бўйича белгиланган режаларни бажариш ва ортиғи билан бажариш учун НКВД органлари ижтимоий келиб чиқиши ва касби турлича бўлган кишиларни ҳибсга оларди ва «учлик»лар кўриб чиқши учун топширади. НКВД ходимлари ҳамма жойда исёнчи, ўнг-троцкийчи, жосуслик-террорчилик, диверсиячи-қўпорувчи ва шу каби ташкилотлар, «марказлар», «блоклар» ва оддий гурухлар ўйлаб топила бошлади. Ўша пайтлардаги тергов ишлари материаллари бўйича деярли барча ўлкалар, вилоятлар ва республикаларда кенг тармоқларга бўлинган «ўнг-троцкийчи жосуслик-террорчилик, диверсиячи-қўпорувчи» ташкилотлар ва марказлар мавжуд бўлган ва қоидага кўра, бу «ташкилотлар» ёки «марказлар» вилоят қўмиталари, ўлка қўмиталари ва иттифоқдош республикалар МК биринчи котиблари томонидан бошқарилган. Хусусан, собиқ Гарбий вилоятда «ўнглар аксилинқилобчи ташкилоти» раҳбари вилоят қўмитасининг биринчи котиби И. П. Румянцев бўлган, Татаристонда «ўнг троцкийчи миллатчилар блоки» раҳбари вилоят қўмитасининг собиқ биринчи котиби А. К. Лепа, Челябинск вилоятида «ўнглар антисовет террорчи ташкилоти» раҳбари вилоят қўмитасининг биринчи котиби К. В. Рындин ҳисобланган.

НКВД «учлик»лари ҳар бир мажлисда айланувчилар иштирокисиз ўнлаб ишларни кўриб чиқарди. НКВД тизимида 1938 йилгача ишлаган ва кейинчалик ҳибсга олинган собиқ чекист М.П.Шрейдернинг хотирлашича, Иваново вилояти бўйича «учлик»нинг иш тартиби қуйидагича бўлган: кун тартиби ёки «альбом» тузилиб, унинг ҳар бир сахифасида ҳибсга олинган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва содир этган «жинояти» қайд қилинган. Шундан кейин НКВД вилоят бошқармаси бошлиғи ҳар бир сахифада қизил қалам билан катта қилиб «Р» ҳарфини ёзган ва имзо қўйган, бу эса «отиб ташлансин» деган маънони англатарди. Худди шу кеча ёки тунда ҳукм ижро этиларди. Одатда эртаси куни «альбом-кун тартиби» сахифалари «учлик»нинг қолган аъзолари томонидан имзоланарди.<sup>196</sup>

<sup>196</sup> Сахаровский центр :: Москва :: сайт Сахаровского центра

«Учлик»нинг мажлис баённомалари ҳукмни ижро этиш учун НКВД тезкор гурухлари бошлиқларига жўнатилган. Буйруқда «биринчи тоифа» бўйича ҳукмлар жойларда ва ички ишлар халқ комиссарлари, НКВД вилоят бошқармалари ва бўлимлари бошлиқлари кўрсатмалари бўйича ҳукм ижро этиладиган вақт ва жой тўлиқ сир сақланиши шарт бўлган ҳолда ижро этилиши белгилаб бериларди. Репрессияларнинг бир қисми жазога ҳукм қилиб бўлинган ва лагерларда жазо ўтаётган шахсларга нисбатан қўлланган. Улар учун «биринчи тоифа» лимитлари ажратиларди ва «учликлар» ташкил қилинарди.

### Террор амалда

Иркутск вилоят қўмитаси котиби вазифасини бажарувчи Филиппов ва Иркутск вилояти НКВД бошлиғи Малишевнинг биринчи тоифа ч лимитни ошириш ҳақида илтимоси Сиёсий бюро аъзоларининг резолюциялари билан

Фарбий Сибирь ўлкасида 1937 йилнинг май ойида гўёки Фарбий Сибирда япон разведкаси ва РОВС эмиссарлари томонидан уюштирилган «монархиячи-эсерлар» улкан қуролли фитнаси борасида ишни сохталаштириш бошланди. Қулоқ қилинган қулоқ қилинган маҳсус кўчкиндилар ва сургун қилинган «собиқ»лар гўёки фитнанинг қуролланган таянчи бўлиши лозим эди. 1939 йил ҳибсга олинган Красноярск ўлкаси бўйича НКВД бошқармасининг Ужурск туман бўлими бошлиғи А.Григорьев айланувчилар ҳақида ёзган қуидагича ёзган: «уларга сўроқ баённомасини деярли ўқимасдан туриб қўл қўйишга мажбур қилинган, уларга нисбатан конвойер тизими қўлланган – қаторига бир неча кун давомида ухлаш ва овқатланиш учун имкон берилмаган, баённомага имзо кўйдирилгач эса улар когда подпишет, считают, что его „фош қилинган“ деб ҳисобланган ва шу тариқа РОВС ташкилотидан 1800 га яқин одам жазоланган». <sup>197</sup>

Иваново ишчи-дехқон милицияси бошқармаси бошлиғи М.П.Шрейдер «учлик» йиғилишларини қуидагича хотирлайди:<sup>198</sup>

<sup>197</sup> Заявление А.И.Григорьева

<sup>198</sup> Шрейдер М.П. НКВД изнутри. Записки чекиста.. — Москва: Возвращение, 1995.

Барча судланувчилар судгача пухта «ишлов» берилган, улардан куч ишлатиб олинган кўрсатмалардан воз кемаслик сўралган ва бунинг учун уларнинг ҳәётини сақлаб қолиш ваъда қилинган. Таъкидлаш жоизки, ҳали суд жараёни бошланмасидан туриб котиба қиз фақат битта жазо чораси – отиб ташлаш тайинланган матнни суд котибининг айтиб туриши бўйича машинкада терарди [...] Гарчи мен суд бўлиб ўтаётган бинога кириш хуқуқига эга бўлсамда, бу ишни қила олмасдим – судланувчиларнинг кўзларига тик қарашга менинг журъатим етмасди.

1937 йил июль ойининг охирларида асосан НКВД ўлкалараро макурсантларидан иборат бўлган ЗСК УНКВД махфий-сиёсий бўлим ходими П. И. Молостовнинг тезкор бригадаси Новосибирск корхоналари ва қурилишларини айланиб чиқар, бунда маъмуриятдан «антисовет унсурлар» мавжудлигини – баённомаларсиз, «советларга қарши кайфиятда», «қулоқ» ва х.к. қайдлар билан чекланган ҳолда аниқлаштиради. Сўнгра НКВД ходимлари тунда опера театри қурилиш майдонини курсаб олди ва уч кун ичида 200 га яқин курувчини ҳибсга олди. Прокопьевскда маҳсус операция ўтказган НКВД ходимларидан бири кейинчалик маҳсус кўчкиндилар яшайдиган Южный поселкасида 200 дан ортиқ эркак тунда ҳеч қандай ордерларсиз қўлга олингани ва олдиндан тайёрлаб қўйилган исенчи ташкилот схемасига киритилгани ҳақида хотирлаган. 1938 йилнинг 15 марта гача жами 24383 нафар «РОВСчи» ҳибсга олинган бўлиб, шундан 21129 киши отиб ташланди.<sup>199</sup>

Новосибирск вилоятида «ПОВ Сибирь қўмитаси», «Ишчи деҳқон қизил армиясида Новосибирск троцкийчилар ташкилоти», «Новосибирск троцкийчи террорчилар маркази», «Новосибирскдаги Германия фашистлар миллий-социалистик партияси», «Новосибирск латиш миллий-социалистик фашистлар ташкилоти» ва яна бошқа 33 та «антисовет» ташкилот ва гуруҳлари «фош қилинди».

Тожикистон ССР НКВД гўёки иксилинқилобчи буржуа-миллатчилар ташкилотини фош қилган. У ўнг-троцкийчилар

<sup>199</sup> Тепляков. Машина террора. ОГПУ-НКВД Сибири в 1929-1941 гг." || Глава "Массовые операции"

маркази, Эрон, Афғонистон, Япония, Англия, Германия ва Ўзбекистон аксилинқилобчи миллатчи-буржуа ташкилоти билан алоқа ўрнатганди. Ушбу ташкилот раҳбарияти таркибида Тожикистон КП (б) МК 4 та собиқ раҳбари, 2 та собиқ Халқ комиссарлари кенгаши раиси, 2 та собиқ республика Марказий ижроия қўмитаси раиси, 12 та халқ комиссари ва 1 нафар республика ташкилоти раҳбари, деярли барча МК бўлим бошлиқлари, Тожикистон КП (б) РК 18 та котиби, туман ижроия қўмиталари раислари ва уларнинг ўринбосарлари, ёзувчилар, ҳарбийлар ва бошқа партия-совет ходимлари бор эди.

Свердловск вилояти бўйича УНКВД 1914 йилдан буён КПСС аъзоси бўлган, Свердловск вилоят қўмитаси котиби И.Д.Кабаков томонидан бошқарилган «Ураль исёнчилар штаби – ўнг оппозиция, троцкийчилар, эсерлар, черковчилар ва РОВС агентураси блоки органи»ни «фош қилди». Ушбу штаб гўёки ҳарбий намуна шакллантирилган 200 та бўинма, 15 та исёнчи ташкилот ва 56 та гурухни бирлаштириб турган.

Киев вилоятида 1937 йилнинг декабрига келиб 87 та исёнчи-қўпорувчи, терорчи ташкилотлар ва 365 та исёнчи-қўпорувчи зааркунанда гурухлар «фош қилинди».<sup>200</sup>

1937 йил 24-сонли Москва авиазаводида умумий сони 50 кишидан иборат бўлган 5 та жосуслик, террорчилик ва қўпорувчи-зааркундалар гурухи «фош қилинди» («ўнг-троцкийчилар» гурухи ва гўёки Германия, Япония, Франция ва Латвия разведкаси билан боғлиқ бўлган гурухлар). Бунда кўрсатилишича, «завод бугунги кунгача антисоветчи, ижтимоий ёт унсурлар, жосуслик ва қўпорувчилик борасида шубҳали элементларга тўлиб кетган.Faқат расмий маълумотларга қўра бу элементлар мавжуд ҳисоби 1000 кишига етади»<sup>201</sup>

Тергов ишларида сохталаштириш ҳажмининг жуда лукан эканлиги, шунингдек, саводхонлик умумий даражасининг у қадар юқори эмаслиги сабабли терговчилар баъзида бемаъни, тутуруқсиз хатоларга йўл қўярдилар. Хусусан, фамилияning нотўғри ёзилганлиги туфайли Штеклян Антон Петрович Штеклер

<sup>200</sup> Доклад комиссии ЦК КПСС президиуму ЦК КПСС по установлению причин массовых репрессий против членов и кандидатов в члены ЦК ВКП(б), избранных на XVII съезде партии

<sup>201</sup> Д.А.Соболев. Репрессии в советской авиапромышленности.

Антона Петровични жалб этган (аслида эса бу иккаласи бир киши), немис Эдуард Зоммерфельдга эса у Москвада польшалик жосуслар билан учрашиш учун поляк клубига ташриф буюрганлик айби қўйилган.<sup>202</sup>

Рұхонийлар қатағон қилингандар орасида катта бир тоифани ташкил қилған. Қатағон қилингандар рұхонийлар аниқ миқдори ҳақида маълумотлар бир-бираига зид келади. А. Н. Яковлев келтириб ўтган рақамларга кўра, 1937 йил 136 900 нафар правосла рұхонийлар ҳибсга олинган, шундан 85300 киши отиб ташланган, 1938 йил эса 28 300 киши ҳибсга олинган ва 21500 киши отиб ташланган.<sup>203</sup> Бу маълумотлар тергов ва репрессиячи органлар ҳужжатларидан олинмаган, балки тахминий баҳоларга асосланади.<sup>204</sup> ФСБ архивларига кўра, 1937 йил рұхонийликка мансуб бўлган 37331 киши, 1938 йил эса – 13438 киши қатағон қилинди.<sup>205</sup> Шунингдек, минглаб католик, мусулмон, яхудий ва бошқа диндаги рұхонийлар отиб ташланди.

НКВД сотганлиги туфайли илгари КВЖД (Хитой-Шарқ темир йўллари)да ишлаган ўн минглаб совет фукаролари, шунингдек, муҳожирлар Совет Иттифоқига қайтиб келди. Бу шахслар гурӯҳи «харбинчилар» деб аталди ва кейинчалик СССР НКВД 1937 йил 20 сентябридаги 00593-сон буйруғи билан қатағон қилинди. Жами 29 981 ҳибсга олинган бўлиб, шундан 19312 таси отишга ҳукм қилинди.<sup>206</sup>

1938 йилнинг бошида турли моддалар бўйича 8-10 йил муддатга лагерга ҳукм қилинган ногиронлар иши Москва шаҳри ва Москва вилояти бўйича «учлиқ»лар томонидан қайта кўриб чиқилиб, улар олий жазога ҳукм қилинди, чунки улардан ишчи кучи сифатида фойдаланиб бўлмасди.

<sup>202</sup> БУТОВСКИЙ ПОЛИГОН. 1937—1938 гг. Книга Памяти жертв политических репрессий. Выпуск 8.- М: Издательство «Альзо», 2007", с. 210, ссылка на ГА РФ. Ф 10035. Оп. 1 Д. П-52533, ГА РФ. Ф 10035. Оп. 1 Д. П-47776

<sup>203</sup> ІАкоев, А. Н. (Aleksandr Nikolaevich), 1923-2005. Po moshcham i elei : avtorskaia redaktsiia. — Moskva: Izd-vo "Evraziia", 1995. — 191 pages c. — ISBN 5882680158.

<sup>204</sup> <http://periodical.pstgu.ru/ru/pdf/article/2924> (рус.). periodical.pstgu.ru.

<sup>205</sup> Mozokhin, Oleg., Мозохин, Олег. Pravo na repressii : vnesudebnye polnomochii organov gosudarstvennoi bezopasnosti, 1918-1953. — Moskva: Kuchkovo pole, 2006. — С. 333-341. — 479 pages c. — ISBN 5901679075.

<sup>206</sup> Документы по Большому террору 1937—1938 гг

...Энг ёмон операциялар – Украинада – энг ёмон тарзда Украинада амалга оширилганди. Бошқа вилоятларда эса, қаердадир яхшироқ, умуман сифат бўйича ёмонроқ амалга оширилди. Лимитлар миқдори бўйича бажарилди ва ошириб бажарилди, кўплаб одамлар қамоққа олинди ва отиб ташланди, умуман оладиган бўлсак, у катта фойда келтирди, лекин сифат даражай бўйича оладиган бўлсак, зарба аниқ йўналтирилганмиди, биз бу ерда ҳақиқатда аксилинқилобчиларни яксон қилдикми – бу ерда мен йўқ деб айтада оламан ...

— Н.И.Ежовнинг 1938 йил 17 февралда УССР НКВД раҳбар ходимлари олдидаги маъruzасидан

### **«Ижтимоий зарарли элементлар» ва жиноятчилар**

1937-1938 йилларда репрессиялар фақат давлат хавфсизлик органлари томонидангина амалга оширилмаган. Вилоят ва ўлка милиция бошқармаларида «ижтимоий зарарли элементлар» ва жиноятчи элементларни ҳибсга олиш лимитлари белгиланган ва маҳаллий бошлиқларга кетказилган. Милиция ходимлари муқаддам судланган шахслар, ишизлар, паспортсизлар, уйсизларни қуршаб олиш асосида ҳибсга олган, кўпинча милицияга хужжатларни йўқотганлик ҳақида ариза бериш учун келганларни ҳам қамоққа олган. Масалан, Олтой ўлкаси бўйича УНКВД Рубцовск туман милиция бўлимини бошқарган А. П. Пульцин зудлик билан 300 та жиноятчини ҳибсга олиш ҳақида кўратма олган, бу операция учун бир ой муддат берилган. Лимитни бажарар экан, Пульцин жиноятчилар қиёфаси остида кўплаб тасдифий шахсларни ҳибсга олишни уюштириди. 1937 йилнинг нояброда иккита милиционер томонидан омборчи А. Савин дўппослаб ташланди. Бу жиноятни яшириш мақсадида Пульцин Савинга нисбатан унинг милицияга ушлаб келтирилиши ҳақида сохта материаллар тайёрлашга буйруқ берди, шундан кейин Савин милиция «учлиги» томонидан Жиноят кодексининг 35-моддаси бўйича «ижтимоий зарарли элемент» сифатида беш йил лагерь жазосига ҳукм қилинди. «Ижтимоий зарарли элементлар»га жазо беришда барчага баравар ёндашув хукumatни ташвишга кўйди ва 1938 йилнинг 21 май куни НКВД томонидан йўриқнома қабул қилинган бўлиб, унга кўра синфий тубанликка

тушган ва жиноятчи элементларни милиция «учлик»лари томонидан хибсга олиш ҳар куни, «оммавий» операция ва кампанияларсиз амалга оширилиши лозим бўлди. бунда муқаддам судланган ёки милицияга ушлаб келтирилган, лекин ишлаётган ва жиноятчилар муҳити билан боғлиқ бўлмаган колхозчиларга жазо беришда «бузуқликлар» танқид қилинди. Шу бир бир пайтда ҳақиқий жиноятчилар оддийгина паспорт режимини бузганликда айбланиб, минимал муддатга жазол олаётгани қайд этилди. «Милиция учликлари» томонидан 1937-1938 йилларда синфий тубанликка тушган ва паспортсиз шахслар қаторидан жами 420-450 минг киши жазога ҳукм қилинди.<sup>207</sup>

Бундан ташқари, жиноятчилар НКВД «учлик»лари томонидан 00447-сон буйруқ бўйича (кулоқ қилиш операцияси) бўйича жазога ҳукм қилинди, бунда уларга нисбатан оммавий отиб ташлаш жазоси қўлланди. «Қулоқ қилиш операцияси» бўйича, 1937 йил якунларига кўра, бутун СССР бўйлаб отиб ташланганлар орасида жиноятчилар 15%ни ташкил қилди. Масалан, Омск вилоятида истиқомат қилувчи Ефим Родионов 1937 йил йирик шохли қормаол ўғирлашда айбор деб топилди ва энг максимал даражадаги жазо 8 йил деб кўрсатилган Жиноят кодексининг 166-моддаси бўйича «учлик» томонидан отиб ташлашга ҳукм қилинди. Жазога ҳукм қилиш учун жавбрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари етарли бўлиб, уларга кўра Родионов муқаддам судланган машҳур от ўғриси сифатида тавсифланган, лекин унинг жиноий фаолияти борасида ҳеч қандай муайян далил бўлмаган.<sup>208</sup>

Баъзida жиноятчилар сиёсий айловларга кўра отиб ташланарди. Масалан, Польшадан келган ва Ғарбий Сибирь ўлкаси Ояш қишлоғида 160-совхозда ҳайдовчи бўлиб ишлаган Ф.С.Рэкетский Ояшда машҳур ўғри бўлган ва бир неча марта маҳаллий клуб ва дўконларга ўғирликка тушган. 1937 йилнинг 30 август тунидаги магазинда ашёвий далиллар билан қўлга олиниб, 78-совхоз сиёсий бўлимига олиб келинди, у ердан эса дарҳол Новосибирскка, УНКВД контрразведка бўлмига жўнатилди.

<sup>207</sup> Тепляков. Машина террора. ОГПУ-НКВД Сибири в 1929-1941 гг." || Глава "Массовые операции" (рус.), FEDY-DIARY.RU.

<sup>208</sup> Тепляков. Машина террора. ОГПУ-НКВД Сибири в 1929-1941 гг." || Глава "Массовые операции" (рус.), FEDY-DIARY.RU.

Ракетский ўғирликда айбини тан олди, лекин Польша жосуси сифатида жазога ҳукм қилинди ва отиб ташланди.<sup>209</sup>

### **Отиб ташлашлар техникаси**

Ульяновск НКВД 7,65 и 6,35 мм калибрли пистолет патронлари сарфи ҳақида далолатномаси.

Бутово полигонида қолдиқларни ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳукм қоидага кўра, бошнинг орқа қисмига отиш орқали амалга оширилган. Бунда наган тизимидағи револьверлар, ТТ-33 пистолетлари ва Дегтярев пулеметларидан фойдаланилган. Отиб ташланганларнинг жасадлари олдиндан қазиб қўйилган ўраларга гурухлаб кўмиб ташланган

Тадқиқотчи Алексей Тепляков шундай фикр билдирганки, унга кўра бошнинг орқа қисмига отиш ва ундан кейин назоратчи ўқ узиш «канъанаси» анча узок вақт олдин, 1920-йиллардан қўллана бошлаган. Шунингдек, тадқиқотчи эпилепсия тутқаноқлари туфайли пенсияга эрта чиқиб кетган ГПУ вакилининг собиқ ёрдамчиси Спиридон Карташовнинг сўзларини келтириб ўтган:<sup>210</sup>

Мен одамларни шундай ўлдира олардимки, ўқ узилгани эшитилмасди ҳам. (...) бунинг сири мана бунда: мен маҳкумни оғзини очишга мажбур қиласман ва унга пистолетни тақаб туриб ўқ узаман. Мен худди одеколон сепгандай иссиқ қон сачраганини ҳис қиласман, ўқ овози эса эшитилмайди.

1937 йилнинг 25 июлида Ғарбий Сибирь бўйича УНКВД бошлиғи Миронов С. Н. НКВД бошқармалаи тезкор секторлари бошлиқлари билан ўтказилган мажлисда уларга қуидагича ўйриқномалар берди:<sup>211</sup>

Тезкор сектор бошлиғи жойга етиб келганида нима билан машғул бўлиши керак? Ҳукм ижро этиладиган жой топиши ва жасадлар кўмиладиган жойни кўрсатиши лозим. agar бу иш

<sup>209</sup> Тепляков. Машина террора. ОГПУ-НКВД Сибири в 1929-1941 гг." || Глава "Массовые операции" (рус.), FEDY-DIARY.RU.

<sup>210</sup> Алексей Тепляков. [www.memorial.krsk.ru/Articles/TeplyakovProcedura.PDF Сибирь: процедура исполнения смертных приговоров в 1920-х — 1930-х годах].

<sup>211</sup> Алексей Георгиевич Тепляков. Сибирь: процедура исполнения смертных приговоров в 1920-х — 1930-х годах. — Возвращение, 2007. — 107 с.

ўрмонда бажариладиган бўлса, ҳукм ижро этилган жойни ҳар томонлама яшириш мақсадида чим олдиндан кесиб олиниши ва ҳукм ижро этилгандан кейин бу ер чим билан қопланиши лозим – чунки бу жойлар аксилинқилобчилар, черковчилар учун диний фанатизм намойиш этиладиган жойга айланиши мумкин. Аппарат асло на ҳукм ижро этилган жойни, на нечта одам устидан ҳукм ижро этилганини – умуман ҳеч нарса билмаслиги лозим – чунки аппаратнинг ўзи ҳам бу маълумотлар тарқатиш манбасига айланиб қолиши мумкин.

Новосибирск вилояти бўйича УНКВД Куйбышев тезкор сектори собиқ бошлиғи Л. И. Лихачевскийнинг сўзларига қараганда 1937-1938 йилларда Куйбышев тезкор сектори бўйича 2 мингга яқин киши йўқ қилинган, уларнинг 600 га яқини бўғиб олдирилган ва бунда ҳар бир кишига ўртacha бир дақиқатдан вақт кетган.<sup>212</sup>

1937 йилнинг 8 августида Ежовнинг ўринбосари Фриновский қўйидаги мазмунда телеграмма жўнатди: «Барча УНКВД бошлиқларига. 00447-сон тезкор буйруққа қўшимча равища. Учликлар буйруқлари фақат иккинчи тоифадаги жазога ҳукм қилинганларга эълон қилинсин. Биринчи тоифадагиларга – эълон қилинмасин. Такрорлайман – эълон қилинмасин. Фриновский». <sup>213</sup> Натижада ўлимга маҳкум қилинганлар фақат сўнгги палладагина ўз тақдирни нима билан тугашидан хабар топган.

### Чазов иши

«Учлик» томонидан 1938 йилнинг 22 марта отиб ташлашга ҳукм қилинган, ҳозирги Кемерово вилояти Крапивинск тумани Ново-Борчатск қишлоқ совети «Труженик» колхози колхозчиси Григорий Чазов жазога ҳукм қилинган бошқа шахслар гурухи билан гўёки этапга жўнатиш учун чақирилган. Улар биттабиттадан камерадан чиқарилган ва биродарлар қабристони тайёрлаб қўйилган уйнинг орқасига олиб борилган. Григорий

<sup>212</sup> Алексей Георгиевич Тепляков. Сибирь: процедура исполнения смертных приговоров в 1920-х — 1930-х годах. — Возвращение, 2007. — 107 с.

<sup>213</sup> НКВД. Меморандум № 424 заместителя наркома внутренних дел СССР М. П. Фриновского всем начальникам УНКВД в дополнение приказа № 00447. 8 августа 1937 г.. istmat.info (8 августа 1937).

Чазов бошиинниг орқа қисмига қамоқ комендантидан зарба еган, номаълум икки шахс эса унинг бош кийимини кўзларига тушириб, уйнинг орқасига олиб ўтган ва қаттиқ куч билан чуқур ўрага итариб юборган. Ўрага йиқилиб тушгач, Чазов тагида инграб ётган одамлар танасини ҳис қилган. Номаълум шахслар бу одамлар устидан юрарди ва уларга ўқ узарди. Мурдалар орасида ётган Чазов қимир этмади ва шу тариқа тирик қолди. Маҳкумларни отиб ташлашда иштирок этганлар ўрани кўммасдан кетиб қолгач, Чазов бир амаллаб у ердан чиқиб олди ва бу жойдан 45 км масофада жойлашган колхоздаги уйига қайтиб борди.<sup>214</sup>

Кейинчалик, акаси Фёдор билан биргаликда Чазов Москвагаadolat излаб келди – Михаил Калининнинг олдига борди, бу ерда улар иккаласи СССР Прокуратурасига жўнатилди. У ерда эса СССР Прокурори ўринбосари Г.Рогинскийнинг санкция билан сўроқдан сўнг ака-ука хибсга олинди ва Рогинский Фриновскийга «отиб ташлаш ҳақидаги ҳукмни бепарво, эътиборсиз бажарган» шахсларни жавобгарликка тортиш зарурлиги ҳақида ёзди. 1938 йилнинг 20 июнида Григорий Чазов Москвада отиб ташланди, унинг акаси эса 29 июль куни Рогинскийнинг хабари бўйича ижтимоий-заарли элемент сифатида 5 йилга қамалди.<sup>215</sup>

17 киши, жумладан, Григорий Чазов бўйича 33160-сонли иш қўпол сохталашибилган эди: айблов хулосаси 1938 йил 19 январда чиқарилган, барча зарур сўроқлар эса ундан кейин, 16-19 февралда ўтказилган ва расмийлашибилган, бунда ишда бирон-бир далил ва гувоҳлик кўрсатмалари бўлмаган. Шу муносабат билан 1939 йил СССР прокуратураси Чазов иши бўйича протест киритди.

### **Марказий комитетнинг 1938 йил январь пленуми. Постышев иши**

1933 йилдан бошлиб Украинада ишлаган юқори мартабали эски большевиклардан бўлган П.П.Постышев, Троцкийнинг таъкидлашича, таъқиб қилиш оқибатида Н.А.Скрипникни ўз

<sup>214</sup> Расстрелянный дважды

<sup>215</sup> НКВД. Меморандум № 424 заместителя наркома внутренних дел СССР М. П. Фриновского всем начальникам УНКВД в дополнение приказа № 00447. 8 августа 1937 г.. istmat.info (8 августа 1937).

жонига суиқасд қилишгача етказган. Бироқ 1937 йилга келиб Постышев «юқори» ташкилотлар ғазабига дучор бўлди ва Куйбышев вилоят партия қўмитаси биринчи котиби лавозимига туширилди. Йил бошида у Украина КП (б) МК котиби, Киев вилоят қўмитаси ва шаҳар қўмитаси биринчи котиби лавозимидан олиб ташланди. Мартда у Куйбышев шаҳар қўмитаси котиби этиб, июнда эса – Куйбишев вилоят қўмитаси биринчи котиби этиб сайланди. Украинада «халқ душманлари»ни фош қилиш ишида етарлича жонбозлик кўрсатмаганлик борасида таъналардан қутулиш учун Постышев Куйбишев вилоятида кенг кўламли қатағонларга киришди. В.З.Роговиннинг фикрига кўра, Постышев бошлаб берган террор режими «1937 йил андазалари бўйича мисли кўрилмаган даражада бўлди». Масалан, 34 та туман партия қўмитасини тўлиқ таркибда тарқатиб юбориши Постышевнинг «новация»си бўлди.<sup>216</sup> Бундай «ҳаддан ошишлар» туфайли Постышев 1938 йилнинг 8 январида ишдан олиб ташланди ва унга Сиёсий бюро қарори билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. 1938 йил МК январь пленумида Постышев танқидга учради, унга қарши қўл остидаги ходими, Куйбишев вилоят қўмитаси иккинчи котиби Игнатов сўзга чиқди. Роговиннинг таъкидлашича, Постышевнинг танқидчилари сифатида Ежов, Берия ва Багиров сўзга чиққан. Пленум якунларига кўра Постышев МК аъзолигидан номзодликка ўтказилди. 10 февраль куни Сиёсий бюро Постышевнинг ишини партия назорат Комиссиясига топширди. Комиссиянинг 17 февралдаги қарори асосида Постышев партиядан чиқарилди, 1938 йил 22 февралда эса ҳибсга олинди. 1939 йилнинг 26 февраляда отиб ташланди. Постышевнинг ўзидан ташқари, унинг хотини ҳам отиб ташланди, ўғли эса 10 йил лагерь жазосига хукм қилинди.

1938 йил январь пленуми террорни йиғиштириш учун шартшароитлар яратса бошлади. «Коммунистларни партиядан чиқаришда партия ташкилотларининг хатолари ҳакида, ВКП (б) дан чиқарилганлар апелляциясига расмий-бюрократик муносабат ҳакида ва бу камчиликларни бартараф этиш тўғрисида»ги қарори билан пленум коммунистларни партиядан чиқаришда кўп сонли «ҳаддан ошиш»ларни тан олди. Бунда ҳибсга олишлар

<sup>216</sup> III. Январский пленум ЦК: дело Постышева — Партия расстрелянных — В. Роговин

қонунийлиги ва умуман, НКВД фаолияти ҳеч қандай шубҳа остига олинмади, партиядан асоссиз чиқаришлар эса «халқ душмалари»нинг кирдикорлари билан изоҳланди:

Киев вилоят КП (б) собиқ котиби, халқ душмани Кудрявцев партия йигилишларида сўзга чиқсан коммунистларга қаратадоимо провокацион (ғаламислик) саволи билан мурожаат қиларди: «Сиз бирон кишининг устидан ариза ёзганмисиз?» Бундай ғаламисликлар натижасида Киевда шаҳар партия ташкилоти аъзоларининг қарийб ярми устидан сиёсий обрўсизлантирувчи, иснод келтирувчи (компрометация қилувчи) аризалар ёзилди, бунда аризаларнинг аксарияти якқол нотўғри ва хатто провокацион бўлган.<sup>217</sup>

Кенг тарқалган, жумладан, МКнинг ўзини ҳам айланиб ўтмаган оммавий қатағонлар оқибатида 1937-1938 йилларда МК аъзолар сони мунтазам камайиб борди. Учта пленум – 1397 йил июнь ва октябрь ҳамда 1938 йил январь пленумида МК таркибидан унинг ярмидан ортиқ аъзолари чиқариб юборилди. Амалда январь пленуми, ҳаттоқи МК аъзолигига номзодлар сонининг ортганига қарамай, кворумсиз тўпламди. Умумий ҳисобда XVII ва XVIII съездлар оралиғида 139 нафар МК аъзолари ва аъзоликка номзодлардан 98 киши отиб ташланди, табиий ўлим ва ўз жонига суиқасд қилишларни ҳам ҳисоблагана эса 108 киши ўлган, яъни йўқотишлиар 70%дан ортиқни ташкил қилди.

### **Чақим (чақув) ва тарғиботнинг роли**

Кенг тарқалга фикрларга қарамай, чақувлар қатағон маҳовигини кучайтиришда катта роль ўйнамаган.<sup>218</sup> Террор характери, унинг соф марказлашуви ва олдиндан белгиланган «назорат рақамлари» асосида ўтказилиши НКВД «кўнгилли ёрдамчилари» фаоллиги учун кам ўрин қолдирган. Тергов иларида айблов материалларининг асоси тергов вақтида олинган айбни бўйнига олиш ҳисобланган. Текширув ишларида ҳибсга олинган шахснинг айбдорлигини исботловчي ариза ва чақувлар нисбатан кам учрайди. Томск вилояти бўйича ФСБ сабиқ бошқарма архиви

<sup>217</sup> Постановление январского (1938) Пленума ЦК ВКП(б): об ошибках парторганизаций при исключении коммунистов из партии

<sup>218</sup> О. В. Хлевнюк. Причины «большого террора». «Ведомости» (6 июля 2017).

бўйича, масалан, бундай чақувлар 0,5%дан ҳам кам ишларда аниқланган. 1937-1938 йилларда оммавий операциялар ташкил қилиш механизмида ҳибсга олиш учун асос сифатида чақувлардан кенг фойдаланиш кўзда тутилмаган. «Антисовет унсурларни» ҳибсга олиш НКВД картотекалари асосида, кейин эса терговларда олинган «кўрсатмалар» асосида бажарилган. 1937 йилнинг охирида Ежов ўлкалар ва вилоятлар НКВД бошқамаларига ишчи ва колхозчилар ёрдамида фош қилинган фитналар ҳақида хабардор қилиш талаби ёзилган кўрсатма жўнатди. Бироқ натижалар сезиларсиз бўлди. Масалан, Омск вилояти НКВД бошқармасининг 1937 йил 12 декабрдаги шифровкасида айтилишича: «колхозчилар ташаббуси билан жосуслик-қўпроувчилик троцкийчи-бухаринчи ва бошқа ташкилотларни фош қилиш ҳолатлари кузатилмаган»<sup>219</sup>

Террор механизмида расмий тарғибот муҳим аҳамият касб этган. «Троцкийчи-бухаринчи газандалар» лаънатланган йиғилишлар меҳнат жамоаларида, институтлар ва мактабларда бўлиб ўтган. Қозоқ шоири Жамбул Жабаев «Нарком Ежов» қасидасини битган.<sup>220</sup>

Одамлар чақувларда «ўзидан кетиб қолган» ва порахўр раҳбариятга қарши зарбани кўрган ва террордан шахсий мақсадларда фойдаланган. 1937-1938 йилларда минглаб фуқаролар ўз хизматдоглари, қўшнилари, бошликлари, танишлари устидан НКВДга чақув аризалари тақдим этган. Институтлар ва бошқа таълим муассасаларида одамлар бир-бирининг устидан чақув аризалари ёзган ҳолатлар қўп бўлган. Масалан, 1940 йил бўлғуси ҳарбий тарихчи ва ёзувчи В. В. Карпов, ўша пайтларда Тошкент ҳарбий билим юрти талабаси, унинг курсдош дўсти томонидан ёзилган чақув асосида қатағон қилинган.

ВКП (б) МК февраль-март (1937) пленумида Сталин чақимчи П. Т. Николаенко ҳақида қўйидагича фикр билдирган.<sup>221</sup>

Барча юқори ташкилотларга ёзаверган, ёзаверган. Унга ҳеч ким эътибор қаратмаган. Эътибор қаратганда эса унга бунинг учун

<sup>219</sup> Хлевнюк О. В. Хозяин. Сталин и утверждение сталинской диктатуры. М., РОССПЭН, 2012. С. 337—338

<sup>220</sup> Ползли к нам троцкистские банды шпионов... | Права человека в России. hro.org.

<sup>221</sup> Хлевнюк О. В. Политбюро. Механизмы политической власти в 30-е годы. М.: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 1996. Гл. 5

оладиганини олиб бўлганди. Кейин хат МК га келиб тушди. Биз уни текширдик. Лекин у ҳақиқатга етиш учун нималарни бошидан кечирмади, қандай хилват жойлардан ўтишига тўғри келди. Буларнинг барчаси сизга маълум. Шу нарса ҳақиқатки – кичкини бир одам, на МК аъзоси, на Сиёсий бюро, на ҳалқ комиссари ва ҳатто на ячейка котиби, оддий бир одам, лекин у ҳақ бўлиб чиқди. Уларни ҳеч ким тингламаётган, овози ўчирилаётган бундай одамлар қанча ахир. Уни нима учун уришди? Таслим бўлмагани, ҳалал бергани, ташфишга сошгани учун. Лекин у тинчланишни истамади. У гоҳ бир жойга, гоҳ иккинчи ва гоҳ учинчи жойга бош суқади. Яхшиямки, унинг ташаббуси етмаган. Уни қўлларига уришди ва ниҳоят, ишнинг моҳиятига етиб боргач, унинг ҳақ эканлиги маълум бўлди. У сизга бир қатор шахсларни фош қилишга имкон берди. Омманинг овозига қулоқ солиш мана нималарга олиб келади.

Ленинград НКВД бошқармаси бошлиғи Заковский «Ленинградская правда» газетаси учун иш бўйича ҳамкасларининг чакувидан сўнг ҳалқ душмани деб тан олинган бухгалтер аёл, руҳонинг қизи ҳақида воқеани сўзлаб берди.<sup>222</sup>

## Қийноқлар

Ҳибсга олинганларга нисбатан қийноқлар қўллаш расман 1937 йил ВКП (б) санкцияси билан руҳсат берилди.<sup>223</sup> 1939 йил маҳаллий партия органлари қийноқларда иштирок этган НКВД ходимларини ишдан четлатиш ва судга беришни талаб қилганда Сталин партия органлари ва НКВД органларига яққол ҳалқ душманлари учун алоҳида бир восита сифатида қийноқлардан фойдаланишга йўл қўйиш мумкинлиги назарий жиҳатдан асослаб берилган телеграмма жўнатди.

В докладной записке прокурору СССР прокурори М.И.Панкратьевга Туркманистон ССР НКВД органларида «социалистик қонунчиликни бузганлик ҳақида» ишлар бўйича тергов натижалари ҳақида ёзма маълумотида қайд этилишича, «1938 йилнинг бошида Монаков ва унинг жиноятлардаги энг яқин

<sup>222</sup> А. Краснов-Левитин. Лихие годы: 1925-1941

<sup>223</sup> АП РФ. Ф. 3. Оп. 58. Д. 6. Л. 145—146. Машинопись (1-й экз.) с рукописными вставками (обозначены курсивом)

шериги, Туркманистан ССР НКВД 5-бўлим бошлиғи Пашковский томонидан „оммавий конвойер“ ишга туширилди. Бу „конвойерда“, ёки бошқача қилиб айтганда, „конференцияда“ ҳибсга олингандарни оммавий савалаш ва қийноққа солиш амалга ошириларди. Ҳибсга олингандар бир неча сутка (баъзида 15-20 суткалаб) тик оёқда ёки чўккалаб туришга, бир-бирини дўппослаш ва ҳ.к.га мажбур қилинарди. Оммавий қийноқлар вақтида маҳбусларнинг овози эшитилмаслиги учун ходимлар хор бўлиб баланд овозда қўшиқ куйларди». <sup>224</sup>

Калинин вилоят партия қўмитаси ташкилий-партия ишлари бўлими бошлигининг ёзиича «бўлим бошлиғидан бошлаб барча терговчилар ..., тергов юритишнинг «бузук» усули, маҳбусларни калтаклаш ва дўппослаш, асоссиз равишда ҳибсга олишлар билан шуғулланарди». Чекистларни «уларга ўзлари чалкаштириб юборган ишларни ойдинлаштириш» топширилган «жаллодлар тўдаси» деб атаб, партия амалдори НКВДни янада тозалаш масаласини кўндаланг қўяди. <sup>225</sup>

Ҳибсга олингандар ҳукм чиқарилгандан кейин ҳам, то ўлдиришга қадар бўлган турли азоб-уқубатларга дуч келиши мумкин бўлган. Масалан, Вологда УНКВДда золимлар – давлат хавфсизлик майори Сергей Жупахиннинг хабардорлиги остида – отиб ташлашга ҳукм қилингандарнинг бошини танасидан болта билан жудо қиласиди. Куйбышев УНКВДда 1937-1938 йилларда қатл қилинган тахминан 2000 кишидан 600 таси арқон билан бўғиб ўлдирилган. Кирилл Александровнинг фикрига кўра, Барнаулда жазога ҳукм қилингандар лом билан уриб ўлдирилган; Олтойда аёллар отиб ташланишдан олдин зўрланган; Новосибирск НКВД қамоғида ходимлар маҳбусларнинг човига битта зарба беришда ўлдириш борасида мусобақалашган. <sup>226</sup>

СССР НКВД ГУГБ ҳибсга олинган 1-бўлим бошлиғи И.Я.Дагин 1938 йил 15 ноябрда берган кўрсатмаларида таъкидлашича, Ежов унга қуидаги воқеани ҳикоя қилиб берган:

<sup>224</sup> История сталинского ГУЛАГа. Т. 1. Массовые репрессии в СССР. Отв. ред. Н. Верт, С. В. Мироненко. М., РОССПЭН, 2004. С. 342—344.

<sup>225</sup> Хлевнюк О. В. Хозяин. Сталин и утверждение сталинской диктатуры. М., РОССПЭН, 2012. С. 360—361

<sup>226</sup> Осуждённым к расстрелу рубили головы топором, интервью с Александровым К. М. // ИА «Лента.ру». / Корр. Андрей Мозжухин. — М., 2017. — 5 августа

«Маръясин иши аллақачон тугатилган, ишни эшитиш тайинланган, лекин Маръясинни дүппослашда давом этиш учун ҳар куни менинг буйругим билан кейинга қолдирилар эди. Мен унинг бурун ва қулокларини кесиб ташлашга, кўзларини ўйиб олишга, Маръясинни майдада-майдада бўлакларга нимталашга буйрук бердим».<sup>227</sup>

1939 йилнинг 29 январида СССР ички ишлар халқ комиссари Л.П.Берия, ВКП(б) МК котиби А.А.Андреев ва ВКП(б) МК ташкилий-партия ишлари бўлими бошлиғи Г.М.Маленков Сталинга СССР НКВДда ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномасига илова хати тақдим этган бўлиб, бу ерда тергов олиб бориш усуллари танқид қилинган ва сохта кўрсатмалар олиш мақсадида ҳибсга олинганлар қийноққа солиниши ҳақида хабар қилинган.<sup>228</sup> 1939 йилнинг 1 февраляда СССР прокурори А.Я.Вышинский И. В. Сталин ва В. М. Молотовга ёзган хатида Вологда вилоят УНКВД ходимларини жиноий жавобгарликка тортишни талаб қилди ва қуидагиларни маълум қилди: «Власов, Емин, Воробъёв, Левашев ва НКВД Белозёрск туман бўлинмаси бошлиғи Портнаго сўроқ пайтида маҳбусларга нисбатан хилмажил қийноқ ва азобларни қўллаган ҳолда ўта шафқатсизлик кўрсатган. Иш шунга бориб етдики, сўроқ пайтида бу шахслар томонидан тўрт киши ўриб ўлдирилди».<sup>229</sup> Грузия ССР НКВД бошқармаси собиқ бошлиғи С.А.Гоглидзе 1953 йил бўлиб ўтган суд жараёнида шахсан Бериянинг ўзи жазога ҳукм қилинганларни отиб ташлашдан олдин дўппослаш ҳақида кўрсатма берганлигини айтган.<sup>230</sup>

### **НКВД ходимларининг кўрсатмаларни ижро этишдан бош тортиш ҳолатлари**

<sup>227</sup> Петров Н., Янсен М. «Сталинский питомец» — Николай Ежов. М., РОССПЭН, 2008. С. 350.

<sup>228</sup> Петров Н., Янсен М., Сталинский питомец — Николай Ежов. М., РОССПЭН, 2008. С. 360.

<sup>229</sup> История сталинского ГУЛАГа. Т. 1. Массовые репрессии в СССР. Отв. ред. Н. Верт, С. В. Мироненко. М., РОССПЭН, 2004. С. 331—332.

<sup>230</sup> Джанибекян В.Г. Провокаторы и охранка. — М: Вече, 2005.

Гарчи бу НКВД ходимининг ўзи учун ўлим хавфини солсада, баъзida НКВД ходимлари айбсизларни жазолашда иштирок этишдан бош тортарди. Хусусан, Сибирь Ҳарбий округи НКВД ГУГБ Махсус бўлим бошлигининг ўринбосари П. Ф. Коломийц, ҳарбий хизматчиларни оммавий равишда ҳибсга олиш ва отиб ташлашларга дуч келгач, 1937 йилнинг 7 декабря почта орқали Ежовга тергов хатоларини очиш учун комиссия жўнатишни сўраб хат жўнатган. Унинг фикрига хилоф равишда, қоровул Легалов ўт қўйғанлик ҳақида уйдирма асосида отиб ташланганлигини билгач, Коломийц ўз билдиргиси ҳақида УНКВД бошлиғи ўринбосари И.А.Мальцевга маълум қилди. Кўп ўтмай Коломийц бошқарма бошлиғи Горбачнинг олдига кириб, бўлим учун бошқа жавоб беришдан бош тортишини маълум қилди. 23 декабрь куни у ҳибсга олинди ва қийноққа солинди. 1938 йилнинг март ойида у қуйидаги сатрларни битишга мажбур бўлди: «...сўнгти 6-7 йил давомиде мен оммавий операциялар бўйича ишларда, зарбор тергов ишларида иштирок этмадим ... ўз ёғимга қовурилдим ва шу сабабдан илғор органлар ва ОГПУ-НКВД ходимлари тўплаган ижобий тажрибага эга бўлиш имкониятидан маҳрум эдим [...] Совет хукумати ва ВКП (б) жазо сиёсатини амалга ошириш бўйича чекистлар амалий ишларининг айрим жиҳатларини бир қатор ҳолатларда ёлғон, чиркин ахлоқ нуқтаи назаридан кўриб чиқдим». Коломийц 20 йил лагерь жазосига хукм қилинди, лекин 1940 йил оқланди.

НКВД сафига террор энг авжига чиққан пайтда сафарбар этилган Сиблаг тезкор чекистлар бўлими ёш ходими Садовский Сталинга сохта айбловлар ва қийноқларга қарши норозилик билдирган ҳолда хат ёзди. У дарҳол ҳибсга олиниб, қийноққа солинди ва 1938 йилнинг кузида отиб ташланди. Татаристон АССР НКВД «учлик» аъзоси ва СПО бошлиғи Я.Я.Веверс 1937 йилнинг ноябрида маҳкумларни отиб ташлашда (отиб ўлдиришда) иштирок этишдан бош тортганлиги учун қўл остидаги ходими С. А. Аухадеевни ҳибсга олиш ҳақида буйруқ берди. Аухадеев «антисоветча ташвиқот» учун 5 йил қамоқ жазоси олди, лекин 1939 йил унинг иши бекор қилинди.

Олтой ўлкаси бўйича УНКВД Благовещенск туман бўлинмаси бошлигининг ўринбосари М.Сейфулин, ҳамкасларидан бирининг сўзларига кўра, «ўша пайтларда ҳибсга

олиш ва тергов усулларига рози бўлмаган ҳолда 1938 йилнинг баҳорида ўзини отиб ўлдирди». Курск вилояти НКВД туман бўлинмаларидан бирининг бошлиғи Д.Щекин 1938 йилнинг 4 августида ўз жонига қасд қилган, бундан олдин эса ҳибсга олинганларнинг оиласларига ташриф буюрган ва улар билан спиртли ичимликлар ичган.

1937 йилнинг сентябрь ойида Воронеж вилояти УНКВД тергов ишлари бўйича референти Гуднев «МКга қарши бузгунчилик ташвиқоти ва ноқонуний адабиётлар чоп этганлик» учун ҳибсга олинган тўрт кишини ўз бошлиғига хабар бермаган ҳолда озод қилиб юборди. Шундан сўнг Гуднев ва у билан бирга озод қилинган шахслар ҳам ғойиб бўлдилар. Бунгача эса Гуднев ўз қўлида бўлган ва айбланувчиларга отиб ташлаш жазоси таҳдид солаётган барча ишларни йўқ қилди.<sup>231</sup>

## **Чет элликлар ва этник озчиликларга нисбатан қатағон**

### **НКВД миллий операциялари**

1937-1938 йилларда Ежовнинг бир қатор буйруқлари билан этник немислар, поляклар, руминлар, латишлар, греклар, финлар, эронийлар, болгарлар, македонияликлар, аффонлар ва СССР раҳбарияти томонидан чет эл разведкаси учун таянч бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган миллатлар сифатида қабул қилинган бошқа миллатларга қарши оммавий қатағонлар механизми ишга тушириб юборилди. НКВД 1937 йил 11 августдаги 00485-сонли буйруғига мувофиқ амалга оширилган «поляклар операцияси» айниқса кенг қамровли бўлиб, унинг давомида 111 минг киши отиб ташланди.<sup>232</sup>

Миллий операциялар улардан бошланган НКВД буйрукларида айнан қанча одамини жазолаш лозимлиги аниқлаштириб берилмасди. Миллий операциялар бўйича қатағонлар ўз мамлакатларида инқилоб мағлубиятга учрагандина сўнг СССРга қочиб келган сиёсий мухожирларга катта зарба бўлиб тушди. Л.Треппернинг маълумотларига кўра, тозалаш

<sup>231</sup> Тепляков. Машина террора. ОГПУ-НКВД Сибири в 1929-1941 гг. (рус.), FEDY-DIARY.RU.

<sup>232</sup> «Польская операция» НКВД 1937—1938 гг

мобайнида СССРда истиқомат қилган сиёсий мухожирларнинг 80%и қатағон қилинди.<sup>233</sup> Шуниси қизиқки, айнан СССР учун «хорижий» бўлган миллатлар қатағон қилинди. Тозалаш Поволжье АССРда истиқомат қиласидиган, одатда «чет элликлар» сифатида қабул қилинмаган немислар учун минимал бўлди. Ва аксинча, харбинлар – японларнинг Маньчжурияга босқинига қадар КВЖД (Хитой-Шарқ темир йўллари) ёнидаги худудларда истиқомат қилган этник руслар қатағон қилинди. Миллий операциялар доирасида кичик миллатлар, балки руслар, украинлар, белоруслар, яхудийлар ҳам ҳибсга олинди. Масалан, польшаликлар масаласида нафақат этник поляклар, балки ҳибсга олинганлар билан алокаси бўлган, Польшада қариндошлари яшайдиган ва ҳ.к. шахслар ҳам ҳибсга олинган. Алоҳида вилоятларда қатағон кўламида давлат хавфсизлик органларини маҳаллий раҳбарларининг шафқатсизлиги катта роль ўйнади.<sup>234</sup> Бошқача қилиб айтганда, «душман» миллат ва/ёки чет элда бирон-бир алоқа мавжудлиги ҳам ҳибсга олиниш сабабчиси бўлиши мумкин эди.<sup>235</sup>

НКВД 00485-сон буйруғи барча миллий операциялар ўтказишнинг «альбом тартиби»ни белгилаб берди. Ҳибсга олинганларга айлов хулосалари тавсия этилган жазо чоралари билан бирга жойлардан Москвага юбориларди. Сўнгра НКВД марказий аппаратида Н.И.Ежов ва А.Я.Вышинскийга имзо учун тақдим этиладиган «СССР прокурори ва СССР НКВД Комиссияси» мажлис баённомалари тузиларди. Бир марта НКВД Ежов ва Вышинский юзлаб ўлим ҳукмини чиқариши мумкин эди: масалан, 1937 йилнинг 29 декабрида улар 992 кишини отиб ўлдиришга ҳукм қилди. Пировардида СССР прокурори ва СССР НКВД Комиссияси 235122 кишини суд қилди, шундан 172830 киши отиб ташлашга ҳукм қилинди.<sup>236</sup> 1938 сентябрида, Москвада ўн минглаб тергов ишлари хақида маълумотлар тўпланиб қолгач,

<sup>233</sup> XXXVIII. Террор против зарубежных коммунистов — Партия расстрелянных — В. Роговин

<sup>234</sup> Из истории «немецкой операции» НКВД 1937—1938 г

<sup>235</sup> Из истории «немецкой операции» НКВД 1937—1938 г

<sup>236</sup> Справка 1 спецотдела НКВД СССР о количестве арестованных и осуждённых за время с 1 октября 1936 г. по 1 ноября 1938 г | Проект «Исторические Материалы». istmat.info.

барча республикалар, ўлкалар ва вилоятларда уларни кўриб чиқиш учун икки ой фаолият кўрсатган «махсус учликлар» ташкил қилинди. Биринчи альбом имзоланган 1937 йилнинг 25 августидан 1938 йилнинг 17 ноябригача «альбом тартибида» ва «махсус учликлар» томонидан барча миллий операциялар бўйича 346713 кишининг ишлари кўриб чиқилди, шундан 335513 киши жазога, жумладан, 247157 киши, яъни суд қилинганларнинг 73,66%ни отиб ташлашга ҳукм қилинди.<sup>237</sup>

### **Чет эллик коммунистларга қарши қатағон**

СССРда истиқомат қилган чет эллик коммунистлар ҳам тозалашдан бебаҳра қолмади. СССРдаги аъзолари сони 5 минг кишидан ортиқ бўлган Польша компартияси яксон қилинди. 1938 йил бу партия умуман тарқатиб юборилди.

### **Тозалаш вақтида отиб ўлдирилган машхур сиёсий муҳожирлар ва чет эллик коммунистлар**

Милан Горкич

Бела Кун

Пак Дин Шунь

Юлиан Ленский

Ханс Пегельман

Профинтерн, МОПР, Коминтерн ҳам тозалашдан ўтди. Коминтерн Байналмилал назорат комиссияси масъул котиби Ян Анвельт ҳисбса олингандан олти кун ўтгач, қийноқлар оқибатида ҳалок бўлди. ИККИ ҳалқаро алоқалар бўлими бошлиғи Мельников Б. Н. Коминтерн хорижий тармоғини саккиз ой мобайнида қамоқдан туриб бошқарди ва шундан кейин отиб ташланди.

Германия компаритиясининг 242 аъзоси, Австрия Шуцбунд (социалистик йўналишдаги ҳарбийлашган ташкилот) собиқ арбобларининг аксарияти, Болгария компаритиясининг 600 аъзоси қатағонга учради, Бела Кун бошлигидаги венгер коммунистларининг катта қисми ҳисбса олинди.

---

<sup>237</sup> «Польская операция» НКВД 1937—1938 гг

Италиялик коммунист Роботти – машхур Пальмиро Тольяттининг куёви, фин коммунисти Отто Куусиненning турмуш ўртоғи ва ўғли ҳам қатағон қилинди. 1938 йил 16 июлда Эрон Компартияси етакчиси Султонзода отиб ташланди.

### **Чет элдаги қатағонлар**

1937-1938 йиллардаги Катта террор фақат СССР худуди билангина чекланб қолмади. СССРга чақириб олинган айрим совет дипломатлари, ҳарбий атташе ва разведкачилар уларни ҳибсга олиш кутаётганини биларди ва шу сабабдан чет элда қолиб кетишни афзал кўрган. Уларнинг орасида НКВД ГУГБ ИНО ходимлари И. С. Рейсс, А. М. Орлов, В. Г. Кривицкий, дипломат Ф. Ф. Раскольников, дипломат ва разведкачи А. Г. Бармин бор эди. 1938 йилнинг июнида Москвага «кўтарилиш» учун қайтиб келиш сўралганда Узоқ Шарқ ўлкаси УНКВД бошлиғи Г.С.Люшковнинг Манъчжоу-Гоуга қочиб кетиши кучли акс-садо берди. 1938 йил 14 ноябрда УССР ички ишлар ҳалқ комиссари А.И.Успенский ўз жонига қасд қилган қилиб кўрсатди ва Воронежга қочиб кетди. Сўнгги икки қочиш Ежовни ишдан бўшатиш учун баҳона бўлди.

Чет элда қолиб кетган Раскольников «Сталинга очиқ хат» билан мурожаат қилди ва унинг репрессив сиёсатини кескин танқид қилди. Унинг очиқ хатига ҳеч қандай жавоб берилмади. Лекин бу хат эълон қилингандан кейин бир ой ўтгач Раскольников Нищада вафот этди. Бундан ташқари, Троцкийнинг ўғли Лев Седов ва В.Г.Кривицкий ҳам шубҳали вазиятларда ўлим топди. 1937 йил Швейцарияда советлар маҳсус хизматлари томонидан ватанига қайтиб келмаган И.А.Рейсс ўлдирилди. 1938 йил Францияда Троцкийнинг котиби Рудольф Клемент ўлдирилди ва боши танасидан жудо қилинди.

### **Разведкачиларга нисбатан қатағонлар**

НКВДни тозалаш давомида НКВД хорижий операциялар бўлими (ИНО) ҳақиқатда вайрон қилинди. Машхур автор «Трест» операцияси ғоясининг муаллифи В.Ф.Джунковский (у Борис Савинков ва Сидней Рейлини ҳибсга олганди), «Трест» и «Синдикат-2» операцияларини бошқарган А.Х.Артузов, чет

Элдаги совет разведкаси ташкилотчиларидан бири саналган М.А.Трилиссер, НКВД агенти ва собиқ оқ гвардия офицери С.Я.Эфрон отиб ўлдирилди, машхур разведкачи Д.А.Быстролетов 25 йил лагерь жазосига ҳукм қилинди, Троцкийни ўлдириш операциясини амалга оширган Н.И.Эйтингон ҳибсга олинишига сал қолди. 1939 йил Я.И.Серебрянский ҳам ҳибсга олинди, лекин 1941 йилда озод қилинди.

Шу билан бирга, П.А.Судоплатовнинг хотирлашича, Трилиссер ва Артузов бир-бирин ёқтирасиди ва ҳибсга олингандан сўнг осонлик билан бир-бирига қарши «фитначи» деган кўрсатма берди.

Умумий ҳисобда 1937-1938 йилларда НКВД ИНО 450 ходимидан 275 таси қатағон қилинди. НКВДнинг Лондондаги резидентлари Чапский, Графпен ва Малли, Париждаги резидентлар С.М.Глинский (Смирнов) ва Г.Н.Косенко (Кислов), шунингдек, Рим, Берлин ва Нью-Йоркдаги резидентлар ҳибсга олинди. Берлиндаги ИНО резидентурасида тозалаш ўтказилгандан сўнг 16 кишидан фақат 2 кишигина қолди. Бундай алғов-далғовлар оқибатида 1938 йил мамлакат раҳбариятига 127 кун давомида чет элдаги НКВД резидентураларидан биронта маълумот келиб тушмаган.

## **Испания**

1936 йил, Испанияда Фуқаролик уруши бошланиши муносабати билан НКВД ходимлари у ерга республика ҳукумати маслаҳатчилари қиёфаси остида ташриф буюрдилар. 1937 йил НКВДнинг Испаниядаги агентлари томонидан ПОУМ етакчиси Андреу Нин, австриялик революционер Курт Ландау, италиялик анархист Камилло Бернери, Троцкийнинг собиқ котиби Эрвин Вольф, журналист Марк Рейн ва бошқалар ўғирлаб кетилди ва ўлдирилди.

1937 йилнинг майида Барселонада анархиячилар ва ҳукумат қўшинлари ўртасида куча жанглари авж олиб кетди, бунга ҳукумат қўшинларининг шаҳар телефон станцияси устидан назоратни ўз қўлига олишга қаратилган ҳаракатлари сабабчи бўлди. Бу воқеалардан кейин ПОУМ ва НКР қатағонга учради, бунда минглаб кишилар «Жосуслик ва давлатга хиёнат шилари

бўйича махсус трибунал» ҳукмларига асосан қатл этилди.<sup>238</sup> Испанияда НКВД операцияларига то қочиб кетгунга қадар республика ҳукуматининг хавфсизлик масалалари бўйича бош маслаҳатчиси, давлат хавфсизлик майори А.М.Орлов раҳбарлик қилган.

### **Хитой**

1937 йил совет қўшиnlари Шинжонда СССРга содик бўлган Шен Шицайга қарши уйғурлар исёнини бостириди. Полковник Н.Норейко 36-дунган дивизиясидан 1887 нафар ва 6-уйғур дивизиясидан 607 нафар ҳарбий асир оммавий равишда отиб ташлангани ҳақида маълум қилди.<sup>239</sup>

### **Монголия**

1936 йил Хорлогийн Чойбалсан Монголия Халқ Республикасининг амалдаги раҳбарига айлангач, Монголия узилкесил СССР сателлитига айланди. Сталиннинг қўрсатмасига қўра 1937-1939 йилларда МХРда биринчи навбатда, буддистроҳибларга қарши йўналтирилган оммавий қатағонлар амалга оширилди.

1937 йилнинг 19 сентябрида ВКП (б) МК Сиёсий бюроси қуидагича қарор қабул қилди: «ўртоқ Фриновскийнинг монгол ламалари ишини қўриб чиқиш учун Чойболсан, адлия вазири ва Монголия халқ ишчи партияси МК котибидан иборат бўлган махсус «учлик» ташкил қилиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин».<sup>240</sup>

20 октябрда худдий совет «учлик»лари каби, минглаб ишларни суддан ташқари тартибда қўриб чиқиш учун Чойболсан бошчилигида «Фавқулодда комиссия» ташкил қилинди. Ушбу комиссия 1937-1939 йилларда 20099 кишини отиб ташлашга ҳукм қилди.<sup>241</sup>

## ***ГУЛАГ лагерлари ва махсус қамоқхоналардаги қатагонлар***

<sup>238</sup> The Spanish Civil War and the Popular Front

<sup>239</sup> От Желторосии до Восточно-Туркестанской республики

<sup>240</sup> Составы троек НКВД-УНКВД 1937—1938 гг.

<sup>241</sup> Такая спокойная Монголия.(Неизвестные кошмары 20 века)

НКВДнинг 1937 йил 3 июлдаги 00447-сон буйруғида «учликлар» томонидан ГУЛАГлагерлари ва маҳсус қамоқхоналарда бўлган суд томонидан жазога ҳукм қилинганларнинг ишларини қайта кўриб чиқиш кўзда тутилганди. «Учликлар» қарорларига асосан Колыма лагерларидан<sup>242</sup> 8000 маҳбус (тариҳга Гаранинцина номи билан кирган), Дмитровлаг<sup>243</sup> маҳбусларидан 8 мингдан ортиқ киши, Соловецк маҳсус қамоқхонасидан<sup>244</sup> 1825 нафар маҳбус отиб ташланди. Кўплаб маҳбусларга «учликлар» ва Махсус кенгаши қарори бўйича қамоқ жазоси муддати узайтирилди.

### *Катта террорнинг якунловчи босқичи*

1938 йилнинг 21 августида Сиёсий бюронинг қарори билан Ежовнинг ўринбосари Фриновский Л.Берининг ўрнига тайинланди. Сентябрда Берия НКВД 1-бошқарма (кеийнчалик ГУГБ деб аталган) бошлиғига айланди. 1938 йилнинг 17 сентябрида ВКП (б) Сиёсий бюро қарорига мувофиқ «маҳсус учликлар» ташкил қилинди. Улар 1938 йилнинг 1 августида ҳибсга олинган «аксилик қишлоғи миллий контингентлар» вакиларининг ишларини кўриб чиқсан. Махсус учликлар ишни икки ойлик муддат ичидаги якунлаши лозим эди. 1938 йилнинг 17 сентябридан 1 ноябргача бўлган даврда улар 63921 кишини отишга ҳукм қилинди.<sup>245</sup>

1938 йилнинг октябрь ойида террорни йиғишириш бўйича тайёргарлик бошланди. 8 октябрь қуни Сталин Ежов, Берия, Вышинскомий, Рычков ва Маленковга «прокурорлик назорати ва тергов олиб бориш, ҳибсга олиш масалалари бўйича янги кўрсатма ҳақида» қарор лойиҳасини тайёрлашга топшириқ берди. СССР Халқ Комиссарлар Совети ва ВКП (б) МК 1938 йил 17 ноябрдаги «Ҳибсга олишлар, прокурор назорати ва тергов олиб

<sup>242</sup> Остров Гулаг на Северо-востоке России, Магадан и Колыма - Главный новостной информационный портал.

<sup>243</sup> 80 лет с начала Большого террора

<sup>244</sup> История СЛОН

<sup>245</sup> Справка 1 спецотдела НКВД СССР о количестве арестованных и осужденных за время с 1 октября 1936 г. по 1 ноября 1938 г | Проект «Исторические Материалы». istmat.info.

бориши түғрисида»ги Қарори Катта террорга якун ясади. Махсус кенгашдан бошқа барча суддан органлар тугатилди, барча оммавий операциялар түхтатилди. Тергов олиб боришнинг соддалаштирилган тартиби тақиқланди, ҳар қандай ҳибсга олиш учун прокурор санкциясини олиш талаб этила бошлади.

Ўлим жазосига ҳукм қилинганларни отиб ташлаш яна икки ҳафта атрофида давом этди. 23 ноябрь қуни Ежов Сталинга хат ёзиб, унда ўз ахтолари ва НКВД ишидаги камчиликлар учун узр сўради. Хатда у ўзини ички ишлар халқ комиссари лавозимидан озод этишларини сўради. Лекин шунга қарамай, Ежов қўйидагиларни маълум қилди:

Ўз ишимдаги ушбу барча хато ва камчиликларга қарамай, айтишим лозимки, МК кундалик раҳбарлигига НКВД душманларни яхшигина яксон қилди.<sup>246</sup>

Бу вақта келиб якун топган тозалаш якунлари умуман олганда ижобий деб баҳоланди. Бироқ шу билан бирга мамлакат олий раҳбарияти тан олдики, тозалаш бир қатор «ҳаддан ошишлар» билан биргаликда кузатилган: «...тергов ишлари пала-партиш расмийлаштирилган, иш таркибиға қораламалар, ким томонидан тузатиш қилингани ва ўчирилгани номаълм бўлган ёзувлар киритилган, сўроқ қилинган шахс томонидан имзоланмаган ва терговчи томонидан тасдиқланмаган баённомалар мавжуд, имзоланмаган ва тасдиқланмаган айблов хулосалари киритилган».

## 1938 йил ноябридан кейинги ҳодисалар

1938 йилнинг декабрида тергов остида бўлган «аксилинқилобчилар» оммавий равища озод қилина бошлади. Тарихчи Н. В. Петровнинг маълумотларига кўра, 1939-1940 йилларда 100 мингдан 150 минг кишигача, бунда асосан ҳибсга олинган, лекин 1938 йил 17 ноябргача суд қилинмаганлар ҳисобига қамоқдан озод этилди.<sup>247</sup> МГУ эксперталар комиссияси худди шу даврда озод қилинган шахсларни 150-200 минг киши деб баҳолаган.<sup>248</sup>

<sup>246</sup> Текст письма

<sup>247</sup> Н. В. Петров. Палачи. Они выполняли заказы Сталина, М. 2011, стр. 29я

<sup>248</sup> Эксперты нашли фактические ошибки в учебнике истории Барсенкова и Вдовина (рус.), РИА Новости.

1938 йилнинг октябридан бошлаб, Берия Ежов тарафкашларини ҳисбга ола бошлади. 1953 йил сўроқ пайтида В.Н.Меркулов ҳикоя қилиб берганидек, минтақавий НКВД-УНКВД бошлиқлари гурухлаб ҳисбга олинган. Москвага минтақавий НКВД-УНКВД бошлиқлари гуруҳи (15 кишидан 20 кишигача) чақирилган, «уларнинг барчаси қабулхонадан халқ комиссари кабинетига битта-биттадан чақирилган ва шу ернинг ўзида ҳисбга олинган». Меркуловнинг изоҳлашича, «бу операция Берия томонидан амалга оширилган».<sup>249</sup> 1939-1940 йилларда Б. Д. Берман, Г. Ф. Горбач, А. А. Наседкин, С. Ф. Реденс, А. И. Успенский ва Катта террорнинг бошқа кўплаб фаол қатнашчилари отиб ташланди.

1939 йилнинг 6 апрелида Фриновский, 10 апрелда эса – Ежов ҳисбга олинди. Уларга НКВДда аксилинқилобчи фашистлар ташкилотига раҳбарлик қилиш, давлат тўнтариши ва терактлар тайёрлаш, жосуслик, уларга хуш келмайдиган шахсларни ўлдириш каби айблар қўйилган. Шунингдек, Ежов бесоқолбозлиқда ҳам айбланди. 1940 йилнинг 3 февраляда ВКБС В. В. Ульрих раислигида уларни отиб ташлашга хукм қилди. 4 февраль куни улар қатл этилди. Ежов ва Фриновскийнинг жасади ўтда куйдирилди, ҳоки эса Янги Дон қабристонига дафн этилди. Авиаконструктор Яковлевнинг далолат беришича, 1941 йил Сталин Ежов ҳақида қуидагича фикр билдирган: «Кўплаб айбсизларни ўлдириб. Бунинг учун биз уни отиб ташладик»<sup>250</sup>

Бериянинг «илиқлик» даври муносабати билан партия арбоблари терговчиларни ҳисбга олинганларга нисбатан қийноқлар қўллаганликда танқид қила бошладилар. Масалан, Белоруссия КП МК биринчи котиби П. К. Пономаренко республика НКВД раҳбари Наседкиндан ҳисбга олинган шахсларни дўйпослашда иштирок этган барча ходимларни хизмат мажбуриятларини бажаришдан четлатишни талаб қилди. Бироқ, Наседкин МК биринчи котибига «агар бу йўлдан бориладиган бўлса, БССР НКВД бутун аппаратининг 80%ини ишдан олиш ва судга беришга тўғри келиши»ни тушунтириб берди.<sup>251</sup> 1939

<sup>249</sup> Как Берия вошёл в доверие

<sup>250</sup> Сталин: время, люди, Империя — Встречи со Сталиным

<sup>251</sup> Владимир ФЕДОТОВ, Как 1-й секретарь ЦК Компартии Казахстана не стал преемником И.Сталина. Ч. 1-я (история)

йилнинг 10 январида вилоят қўмиталари, ўлка қўмиталари котиблари ва НКВД раҳбариятига Сталиннинг «ошкора ва қурол ташлашни истамаган халқ душманлари»га нисбатан жисмоний таъсири чоралари қўллашга руҳсат бериладиган шифротелеграммаси жўнатилди. 1940 йилнинг 20 марта ички ишлар халқ комиссари Берия чиқарган буйруқقا кўра, биронта суднинг оқлаш хукми ёки прокурорнинг ишни тўхтатиш ҳақида қарори НКВД розилигисиз кучга кирган эмас. Ушбу қарор Конституция ва қонунчиликка зид бўлиб, адлия ходимларининг бир қисмида норозиликларга сабабчи бўлди. БССР адлия халқ комиссари С.Лодысев Сталинга ёзган хатида қўйидаги фикрларни билдириди: «гарчи суд томонидан оқланган шахсни қамоқда ушлаб туриш учун қонуний асос бўлмаса-да, у ҳали ҳам қамоқда қолаверади ва унинг тақдири маъмурий органнинг ихтиёрига боғлиқ бўлади».<sup>252</sup> Хат Вышинскийга етказилди ва у Лодысевга унинг «хатоси»ни тушунтириди.<sup>253</sup>

### **Отишга ҳукм қилинганларнинг тақдири ҳақида ахборот**

НКВД 1939 йилги буйруқларидан бирида отиб ташланган шахсларнинг тақдири ҳақида уларнинг қариндошлари берган сўровларга бу шахслар хат ёзишиш ва нарсалар олиш ҳуқуқисиз 10 йил муддатга ахлоқ тузатиш-мехнат лагерларига ҳукм қилинган деб жавоб бериш тавсия этилган.<sup>254</sup> 1945 йилнинг кузида буйруққа бироз тузатиш киритилди – мурожаат қилувчиларга энди қариндошлари ҳибсга олинган жойларда вафот этгани айтила бошланди. 1955 йилнинг 24 августида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги ДХҚ раиси ушбу аалиётни давом эттирган 108ссонли қарор қабул қилди. Ҳибсга олинган шахсларнинг қариндошларига ўлим ҳақида гувоҳнома берилиб, унда ўлим санаси ҳибсга олинган кундан бошлаб 10 йил оралиғидаги вақт кўрсатилган, ўлим сабаби эса сохталаштирилган.

<sup>252</sup> Хлевнюк О. В. Хозяин. Сталин и утверждение сталинской диктатуры. М., РОССПЭН, 2012. С. 364

<sup>253</sup> Хлевнюк О. В. Хозяин. Сталин и утверждение сталинской диктатуры. М., РОССПЭН, 2012. С. 364.

<sup>254</sup> Расстрельные списки. Вып.1 : Донское кладбище, 1934—1940. Общество «Мемориал». — М.:1993. — Вып. подгот. : В. А. Тиханова и др. — 205 с.

Бу амалиёт СССР Министрлар Совети ҳузуридаги ДХҚ нинг 1963 йил 21 февралдаги 20сс-сон қарорига мувофиқ тўхтатилган – ДХҚ органларига ахборот сўраб мурожаат қилганларга бу пайтдан бошлаб оғзаки равишда уларнинг қариндоши отиб ташлангани ҳақида хабар қилина бошлаган, лекин бунгача ёлғон ахборот берилган шахсларга ҳақиқат маълум қилинмаган. СССР ДХҚ нинг 1989 йил 30 марта 33-сон буйруғи билан отиб ташланганларнинг тақдири ҳақида бор ҳақиқатни тўлалигича маълум қилишга рухсат берилди.<sup>255</sup>

### **Қатағон қилинганларнинг оила аъзолари**

1935 йилнинг декабрида Москвада бўлиб ўтган илғор комбайнчиларнинг партия раҳбарияти билан учрашуvida Бошқирдистонлик колхозчи Гильба қуидагicha фикр билдири: «Мен, гарчи қулоқнинг ўғли бўлсанда, ишчи ва деҳқонлар иши учун ҳалол курашаман ва социализм қурилишида фаол қатнашаман», бунга Сталин: «Ўғил ота учун жавоб бермайди» деб айтди.

ВКП (б) МК Сиёсий бюросининг 1937 йил 5 июлдаги П51/144-сон қарорида қатағон қилинганларнинг оила аъзоларини ҳибсга олиш тартиби белгилаб берилди. Ушбу буйруқни ижро этиш учун 1937 йилнинг 15 августида НКВДнинг мос келувчи директиваси чиқарилди:

- Сиёсий бюро буйруғида кўрсатилгандек, ҳибсга олинган шахсларнинг барча оила аъзоларига эмас, факат турмуш ўртоқлари ва болаларига нисбатан тотал қатағонлар тартибга солинди;
- хотинларни эрлар билан бирга ҳибсга олишга кўрсатма берилди;
- собиқ хотинларни факат «улар аксилинқилобий фаолиятда иштирок этган» ҳолларда ҳибсга олишга кўрсатма берилди;
- 15 ёшдан катта болаларни улар «иҷтимоий-хавфли» деб тан олинган ҳоллардагина ҳибсга олишга кўрсатма берилди;

---

<sup>255</sup> Списки расстрелянных по политическим обвинениям в годы советской власти. Московский мартиролог.

- эмизикли боласи бўлган ҳомиладор аёлларни, оғир касал шахсларни ҳибсга олиш вақтингчалик кечикирилди;
- онаси ҳибсга олингандан сўнг қаровсиз қолган болаларни болалар уйларига жойлаштириш, «агар етим қолган болаларни бошқа (қатағон қилинмайдиган) қариндошлари тўлиқ қарамоғига олиш истагини билдирса – бунга тўскінлик қилмаслик» кўрсатилди;
- директивани бажариш механизмида НКВД Махсус Кенгаши кўзда тутилган.

Кейинчалик бу амалиётга бир неча бор тузатиш киритилди. 1937 йилнинг октябрида НКВД директиваси билан «Ватан хоинларининг оила аъзолари»га нисбатан репрессиялар «миллий нуқтаи назарлар» (поляқ, немис, румин, харбин ва б.) бўйича ҳибсга олинган бир қатор шахсларга нисбатан ҳам амал қила бошлади. Бироқ ноябрь ойига келиб бундай ҳибсга олишлар тўхтатилди. 1938 йилнинг октябрида НКВД барча ҳибсга олинган шахсларнинг хотинларини ёппасига ҳибсга олишдан «эрининг аксилинқилобий фаолиятига кўмаклашган» ёки уларга нисбатан «антисовет кайфияти ҳақида маълумотлар мавжуд» бўлган хотинларни ҳибсга олишга ўтди.

НКВД нинг 1937 йилдаги 00486-сон буйруғига мувофиқ НКВД Маъмурий-хизмат кўрсатиш бошқармасига халқ душманларининг болаларини олиб қўйиш ва уларни болалар уйларига топшириш ёки уларнинг қариндошларига васийликка бериш бўйича маҳсус топшириқ юклатилди. Бутун Иттифоқ бўйича жами 25342 нафар бола оли қўйилди, шундан 2915 таси васийликка берилди ва оналарига қайтарилди.

Ҳибсга олинган хотинларнинг аксариятида қамоқ муддати 1940-йилларнинг бошларида утгарди. 1938 йилнинг 14 январида СССР Бош прокурори қатағон қилинган шахсларнинг оила аъзоларини озод этиш нотўғри ҳисобланиши ҳақида директива чиқаради, шундан кейин Сиёсий бюронинг мос келувчи қарори ҳам чиқарилади. 1938 йил 27 августда озодликда қолган турмуш ўртоғи билан бир тарафлама ажрашиш имкониятини берадиган НКВД циркуляри чиқди.

## Қурбонлар сони

П.Н.Поспелов раислиги остида «партия XVII съездида сайланган ВКП (б) аъзолари ва аъзоликка номзодларга қарши оммавий репрессиялар сабабларини аниқлаш бўйича» комиссия маълумотларига кўра 1937-1938 йилларда антисоветча фаолиятда айловлар бўйича 1546366 киши ҳибсга олинган ва шундан 681692 киши олий жазога ҳукм қилинган. Тарихчи В. Н. Земсков шунга яқин рақамларни айтган ва «энг шафқатсиз даврда – 1937-1938 йилларда 1,3 млн киши жазога ҳукм этилган»<sup>256</sup> деб таъкидлаган, бошқа бир нашрда эса: «хужжатлар билан тасдиқланган маълумотларга асосан, 1937-1938 йилларда сиёсий сабабларга кўра 1344923 киши судланган, шундан 681692 киши олий азога ҳукм қилинган» деб аниқлаштирган.<sup>257</sup>

Земсковнинг маълумотлари асосида Л.Лопатников 1937-1938 йилларда 681692 киши олий жазога ҳукм қилинганини айтиб ўтган.<sup>258</sup> Отиб ташланганлар ҳақида худди шу рақамларни Н.Абдин ҳам келтириб ўтган: «мавжуд статистикага кўра, 1937-1938 йилларда 1344923 киши судланган, шундан 681692 киши ёки 50,69% олий жазога ҳукм қилинган. 1937-1938 йилларда сиёсий сабабларга кўра ҳибсга олинган шахсларнинг ҳар иккинчиси отиб ташланган».<sup>259</sup>

Тарихчи В.З.Роговин ҳам худди шу маълумотларни келтиради: «1937 йил отиб ташланганлар сони ўтган йил билан таққослаганда 315 марта (!) ўсади ва 353074 кишини ташкил қилди. Худди шу миқдорда (328 618 киши) отиб ташланганлар 1938 йилга ҳам тўғри келди».<sup>260</sup>

Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлик Хизматининг архивларига ҳавола қилган ҳолда, Светлана Анненскаянинг РБК сайтида чоп этилган мақоласида қуйидаги рақамлар келтирилган: 1936 йил 1 илдан 1938 йил 1 декабргача ҳибсга олинганлар (қатағон қилинган ва ҳақиқатдаги жиноятлар учун жазолангандар) умумий сони 1391215 кишини ташкил қилди, 1937 йил 5 августдан

<sup>256</sup> Интернет против телеэкрана

<sup>257</sup> К вопросу о масштабах репрессий в СССР // Виктор Земсков

<sup>258</sup> ПОЛИТ.РУ \ АНАЛИТИКА \ Цифры «Большого террора»

<sup>259</sup> Политические репрессии в СССР 1937—1938 годов : причины, масштабы, последствия

<sup>260</sup> Оглавление — Партия расстрелянных — В. Роговин

1938 йил 1 ноябргача 767397 киши қатағон қилинди, шундан 386798 киши ўлим жазосига ҳукм қилинди.<sup>261</sup>

Бундай рақамлардан келиб чиқадиган бўлсак, тозалаш даврида отиб ташлашлар қизғинлиги бутун мамлакат бўйлаб кунига ўртacha 1200-1300 кишини ташкил қилди. Битта Минусинск шаҳрининг ўзида 1938 йилнинг августидаги 310 киши отиб ташланди, 1937 йилнинг 8 декабрида эса ўзига хос «рекорд» ўрнатилди – 222 киши отиб ташланди.<sup>262</sup>

Славгород шаҳрида «рекорд» 1938 йилнинг 22 январида (298 киши отиб ташланди), Тобольск шаҳрида эса – 1937 йилнинг 14 октябрида қўйилди (217 киши отиб ташланди). Марказдан узоқда жойлаган кичик шаҳарларда УНКВД тезкор секторлари ходимлари кам сонли бўлганлиги ва бу даражадаги отиб ташлашларни ўз кучлари билан амаллай олмаганликлари сабабли бу ишга милиция ва фельдъегерлар ҳам жалб қилинган.<sup>263</sup>

Куйбишев вилояти бўйича УНКВД бошлиғи 1937 йилнинг 4 августидаги ўз қарори билан ҳибсга олинган шахсларни отиб ташлашга қизил армиячилар ва милиция оддий сафдорлар таркибини жалб қилишни тақиқлаб қўйди, Тобольскда 1938 йилнинг 22 апрелида ҳибсга олинган шахсларни отиб ташлашга партия фаолларини жалб қилиш алоҳида қарор билан тақиқланди.

СССР Бош прокурори Руденко томонидан тақдим этилган маълумотномага кўра, 1921 йилдан 1954 йил 1 февралгача бўлган даврда аксилинқилобий жиноятлар учун ОГПУ Коллегияси, НКВД «учлиқ»лари, Махсус кенгаш, Ҳарбий Коллегия, судлар ва ҳарбий трибуналлар томонидан ҳибсга олинганлар сони 3777380 кишини ташкил қилди, жумладан, 642980 киши олий жазога ҳукм қилинди.<sup>264</sup>

Бу давр мобайнида ГУЛАГ, ахлоқ тузатиш-меҳнат колониялари ва қамоқларда ўлганлар, шунингдек, жиноятчилик билан боғлиқ моддалар бўйича отиб ташланган сиёсий маҳбуслар билан биргаликда 1937-1938 йиллардаги қурбонлар сони тахминан

<sup>261</sup> РБК, 29 июля 2017. Время палачей

<sup>262</sup> 1937 год — год «Большого террора»

<sup>263</sup> Алексей Георгиевич Тепляков. Сибирь: процедура исполнения смертных приговоров в 1920-х — 1930-х годах. — Возвращение, 2007. — 107 с.

<sup>264</sup> П. Краснов. Миф о массовых репрессиях

1 млн кишини ташкил қилди.<sup>265</sup> 1936-1939 йилларда 1,2 млн.дан ортиқ ВКП(б) аъзоси ҳисбсга олинди, бу партия аъзолари умумий сонининг қарийб ярмини ташкил қилди.

Шу билан бир пайтда, В. Н. Земсков келтирган маълумотларга кўра, 1938 йил 279966 киши озод этилди, бундан ташқари, лагерлардан 32033 киши қочиб кетди.<sup>266</sup> Ушбу ҳисобкитоблар Л.Э.Разгон томонидан танқид қилинган бўлиб, у Земсковнинг ГУЛАГ хужжатлари билан ўз билганича ишлагани, жумладан, хужжатларда кўрсатилган лагерлар контингенти «камайиш»идан маҳбуслар орасида ўлим кўрсаткичлари юкори эканлиги эмас, балки уларнинг озод этилиши маъносида фойдаланганини кўрсатиб ўтган.<sup>267</sup>

Таққослаш учун: чор Россиясида 1825 йилдан 1905 йилгача бўлган даврда сиёсий жиноятлар бўйича 625 та ўлимга ҳукм қилиш қайд этилган, шундан атиги 191 та ҳукм ижро этилган, инқилоб йиллари - 1905 йилдан 1910 йилгача – сиёсий жиноятлар бўйича 5735 та ўлимга ҳукм қилиш, жумладан, ҳарбий-дала судлари ҳукмларини ҳисобга олган ҳолда қайд этилган, шундан 3741 та ҳукм ижро этилган.<sup>268</sup>

### **Қатағон ташкилотчилари ва қатнашчиларининг тақдири**

Ежов троцкийчилик, жосуслик ва давлат тўнтариши тайёрлашда айбланиб, 1939 йил 10 апрелда ҳисбсга олинди ва 1940 йил 4 февралда отиб ташланди. Унинг барча гумашталари: Агранов, Заковский, Реденс, Балицкий, ака-ука Берманлар, Дагин, Кацнельсон, Фриновский ва бошқаларнинг қисмати ҳам худди шундай бўлди. Жами 1939 йил НКВД органларидан 7372 нафар тезкор-чекист ходимлар (рўйхатдаги таркибининг 22,9%) и бўшатилди, шундан 937 киши ҳисбсга олинди. Террор йилларида

<sup>265</sup> Кропачев, С. А. Новейшая отечественная историография о масштабах политических репрессий в 1937—1938 годах. //

<sup>266</sup> Ложь под видом статистики. Об одной публикации в журнале «Социологические исследования» » Журнал Столица.

<sup>267</sup> Ложь под видом статистики. Об одной публикации в журнале «Социологические исследования» » Журнал Столица.

<sup>268</sup> С. Куртуа, Н. Верт, Ж-Л. Панне, А. Пачковский и др. Чёрная книга коммунизма. — 2-е издание. — «Три века истории», 2001. — 780 с.

катта мартабага эришган, партия, НКВД, армия ва бошқа жабхаларда раҳбар лавозимларга эришганлар сони кўп бўлди.

«Социалистик қонунчилик» бузилишларига қарши қураш кампанияси авжига чиққан даврда, 1939 йилнинг 9 февралида Чита вилояти бўйича УНКВД бўлим бошлиғи Фельдман сўроқ пайти хужжатларда «П» сифатида қайд этилган шахсни дўппослаб ташлаган. Маҳбус касалхонага тушиб қолди. Вилоят прокурори дўппосланган шахсни Фельдман иштирокида сўроқ қилди. Фельдман маҳбусни дўппослаганини инкор қилмади ва «шу пайтгача уриб келгани ва яна уришда давом этиши»ни билдириди. Кўп ўтмасдан Фельдман Чита вилоятидан юқорига кўтарилиган ҳолда бошқа жойга ўтказилди. Начальник особого отдела Черноморск флоти маҳсус бўлим бошлиғи Лебедев 1939 йилнинг охирида флот прокурорининг ҳибсга олинган шахсларни дўппослаш масаласидаги даъвосига жавобан «Урганман ва яна ураман. Бу борада ўртоқ Бериянинг директивасини олганман» деб жавоб берди.<sup>269</sup>

---

<sup>269</sup> Хлевнюк О. В. Хозяин. Сталин и утверждение сталинской диктатуры. М., РОССПЭН, 2012. С. 366—367

## Мусулмонларга қарши Сталин репрессиялари

Азоб – уқубатларга тўла инсоният тарихи 20 – 30 – йилларда амалга оширилган репрессия давридагидек инсон ҳётига нисбатан очиқасига нафратни кўрмаган. Бошдан оёғигача шармандагарчиликка бурканган Сталин ўтмиши ҳаддан ташқари шуҳратпастлик, инсонни қонли жиноятларга бошлишини, ҳаёт аҳлоқийлиги кучини камайтирадиган манманлик ва ўйланмасдан қилинган бағри тошлик эса қулашга олиб келишини кўрсатади ва келажак учун бизга қаттиқ дарс беради. Виждон овозига қулоқ солган ҳолда, ўша машъум йилларда содир бўлганларнинг олдидан шунчаки ўтиб кетиб бўлмайди, чунки ўтмишсиз келажак йўқ ва келгусида ана шундай фожиаларнинг вужудга келишидан қочиш учун, биз тарихий ҳақиқат ва Аллоҳ таолонинг қонунлари билан ҳамжиҳатлиқда яшамоғимиз даркор. Ўзини энг мукаммал даҳо деб санаган Иосиф Сталин ўлимига қадар ҳам давлатни фақат зўравонлик билан бошқариб бўлмаслигини тушуниб етмади, натижада ҳеч бир собиқ совет раҳбарлари у каби ўтакетган адолатсизлик учун жавобгарлик юкини ташимайди. Фақатгина унинг тасдиқланган дунёқарашлари тарихига юзаки қарайдиганлар ёки ўтакетган содда инсонларгина, унга қарашли ҳудудда унинг қўл остидагилар шунчалар жирканч қонунбузарликларни содир этганлигини Сталин билмаган деб ҳисоблашлари мумкин. Аслида, у нафақат буларнинг барчасини билган, балки уларни “синфий душманларга” нисбатан шафқатсизликда мусобақалашибашга мажбур қилган ва ўша “душманлар” рўйхатига нафақат турли хил сабабларга қўра ўзига ёқмаганларни, балки уларнинг кари ота – оналари, хотинлари, ёш болалари, барча яқин ва узок қариндошларини ҳам киритган. Бевақт ўлими туфайли ёруғликни кўрмаган норасидалар ҳам – мана шу бераҳм жаллодларнинг виждонига ҳавола, агарда Сталинникiday разил тўда ва ёвуз аъёнлар оламда бўлмаган, десам адашмаган бўламан. У ҳақиқатда кўнгли тусаганини қилган, гуноҳкор ва маккор ҳукмдор тарихни ҳеч қачон алдай олмаслигини, кўплаб қон тўкилишига сабабчи бўлган қаҳри қаттиқ инсонларни дунёнинг бутун халқлари, барча динлари

тўхтовсиз лаънатлашини унутиб қўйган. Уларнинг омонат дунёвий шуҳрати мана шундай тарзда ўтади, олдинда эса уларни фақат касал тасаввури натижаси бўлган даҳшатлардан анчагина оғирроқ бўлган жаҳаннам азоби кутмоқда. 30 – йиллардаги қайгули воқеаларни эслаш, албатта, инсонни азобга солади, лекин бу азобли фикрлар инсонни ёвузлик ҳақида мулоҳаза қилишга ва эзгуликка қадам босишга ундайди, бу ёвузликдан факатгина руҳий азоб чекиб фориғ бўлиш мумкин. Ушбу фожеани ўйлаб ўтказилган қайгули тун ва кунлар – виждон учун имтиҳондир. Бу жуда оғрикли, лекин бу аянчли ҳақиқатдир. Бунга шунчаки ишонгинг келмайди, лекин бу ҳақиқатда бўлган-ку! Ҳақиқатдан ҳеч қаерга қочиб қутулолмайсан. Ҳақиқат битта, унда ҳеч қандай тешикларга, етишмайдиган ҳалқаларга ўрин йўқ. Ҳақиқат бир бутун бўлиши учун бўлинмас бўлиши лозим. Ўша пайтда содир бўлганлар эса, инсоният дунёси тозаланишга ва ўз руҳий ибтиносига қатъий мурожаат қилишга муҳтоҷ эканлигидан далолат беради. Ушбу кескин эҳтиёжни англаш шундоқ ҳам кўпинча инсон ҳаётини аҳлоқий жиҳатидан тушуниш йўқолиб кетган деб фараз қилинадиган замонавий жамият учун, катта аҳамият касб этади. Лекин диний қадриятларни асос деб билган инсонлар томонидан эзгуликни танлашларига умид қилиш, олдингидай сақланиб қолган, ахир инсон ўз хатоларидан дарс чиқазса, инсоният ҳам ўз хатоларидан ўрганадику, балки секин – аста инсон ҳушёр тортар ва тарихни тубдан ўзгаритиришга қодир бўлган бу ҳақиқатни англай олиш даражасига кўтарилар. Шундай қилиб, Совет ҳуқумати томонидан дастлабки йилларда эълон қилинган виждон эркинлиги, бошқа кўплаб эълон қилинган ҳуқуқлар сингари марказда ҳам, жойларда ҳам бузиларди, СССРнинг ибодат қилувчи ва ибодат қилмайдиган фуқаролари ўртасида тенглик таъминланмаганди, динга тааллуқли конституцияда белгиланган кўрсатмалар умуман ижро этилмасди, Ислом ҳақидаку гапирмасак ҳам бўлади. Ўртоқ Сталинни паранояя хасталиги эгаллаб олгач эса – 20-йилларнинг иккинчи ярми ва, айниқса, фожиали ўттизинчи йилларда, диний ташкилотлар суриштириб ўтирмасдан империализм ва фашизмнинг “гумаштаси” ва “ҳамкори” деб эълон қилинарди. Stalinning қўл остидагилар чарчамасдан имомлар ва руҳонийларга қарши янгидан – янги, янада даҳшатли айбловлар

ўйлаб топишардики, уларнинг орасида ўз Ватанини арzon гаровга сотиш ҳам бор эди, натижада уларнинг аксарияти нима сабабдан ёмонликка дучор бўлаётганини билмасдан ўлиб кетди. Ахир мусулмон халқлари истиқомат қиласиган ҳудудларда мусулмон дин хизматчиларининг бир қисми уларни қўллаб – қувватламаса, биринчи социалистик ўзгартиришларни амалга ошириш имконсиз эдида. Мисол учун, бойларнинг ерларини қайта тақсимлашни оладиган бўлсак, эътиқоддаги дехқонлар уларга бўлиб берилган ерларни олишдан бош тортадилар, уларнинг фикрига кўра, бу ерлар уларга тегишли эмас эди. И момлар эса бу ҳолда истисно қилиш мумкинлигини уларга тушунтирадар эдилар. Мисол тариқасида дин хизматчиларининг ўша даврдаги мурожаатномаларидан бирини келтириб ўтаман, унда шундай дейилганди:

“Кўп ери бўлган бойларнинг ўзи ерларини ерсиз дехқонларга тақсимлаб беришлари лозим. Агарда улар ҳийла ва ёлғон йўллар билан тўплаган ортиқча ерларини ўzlари тарқатиб бермас эканлар, ерларнинг ҳукумат томонидан тақсимланиши ва дехқонларнинг улардан фойдаланиши ҳаром ҳисобланмайди”. Улар нима сабабдан совет ҳукуматини қўллаб – қувватлашди? И момлар улар асрлар давомида давом этиб келаётган ижтимоий тенгсизликни енгиб ўтишда, шафқатсиз феодаллар зулмини бекор қилишда, шу билан ўша даврдаги жамиятни андозадаги мусулмон адолатига яқинлаштиришда халқقا ёрдам берадилар, деб умид қилишган. Лекин уларни инсофсизларча алдашди ва кейинги “букиш” амалиёти, большевиклар томонидан совет ҳукуматининг дастлабки йилларида сахийлик билан кенгайтирилган инқилобий – озод қилувчи шиорларнинг самимийлигига нисбатан мусулмонларнинг қалbidаги ишончни абадий ўлдирди. Бу букишлар ўзи нима эди? Мисол учун, озиқ – овқат тайёрлашда маҳаллий вакиллар мусулмон дин хизматчиларига чўчқа гўшти ва жунуни топшириш талабини қўярдилар, қурби етмайдиган солиқлар белгилардилар, уларни тўлай олмаган имомларни судга топшириб, жаримага тортардилар ва маъмурий тартибда мол – мулкларини олиб қўярдилар. Сталиннинг жонкуяр хизматкорлари оғир меҳнатга ҳаттоки касаллар ва майиб – мажруҳ кексаларни ҳам жўнатишарди, соғайиш учун муҳлат ҳам беришмасди, буни айнан навбатдаги намоз бошланишидан олдин қилишарди.

Кўпчилик жойларда қишлоқ хўжалиги кенгашлари томонидан имомлар ва уларнинг оила аъзоларини уйларига киргазиши қатъиян ман қилинганди, шундай ҳоллар ҳам бўлганки, репрессияга учраган дин хизматчиларининг фарзандлари беҳудага бошпана қидириб, кўчага улоқтирилганликлари сабаб, қорда тунаб, оёқларини совуққа олдирадилар. Металаллом ва хом – ашё сифатида фойдаланиш мумкин бўлган чиқиндиларни йиғиш шовқин – суронли кампаниялари вақтида, “чиқинди” сифатида имомлар ва ибодат қилувчилардан Куръон ва бошқа диний китоблар олиб қўйилар, оммавий тарзда масжидлар ёпиларди. Уларнинг кўпчилиги, хаттоки архитектура ёдгорлиги деб тан олинганлари ҳам, аёвсиз яксон қилинарди, бир қисмидан эса хўжалик эҳтиёжлари учун – омбор, пичанхона сифатида фойдаланила бошланган, ва табиийки, буларнинг бари – “кенг ишчи оммасининг истагига” қўра амалга оширилганди. Айнан мана шу вақтда туркий тилдаги халқларнинг алифбосини лотинлаштириш ўtkазилганди, бу Сталиннинг вилоят ҳокимлари томонидан саводсизликни тутгатишни “тезлаштириш” шиори остида амалга оширилган эди. Аҳмоқлар! Мусулмон минтақаларида минг йиллар давомида фойдаланиб келинган араб ҳарфлари билан саводсизликни яна ҳам тезроқ йўқ қилиш мумкин эди. Натижада улар кирилл алифбосига ўтишга мажбур бўладилар, лотин алифбосига ўтиш учун сарфланган ҳаракат ва ҳаражатлар, ҳавога улоқтирилган бўлди. Йирик маънавий, маданий ва тарихий қимматга эга бўлган диний китоблар барча жойларда мусодара қилинди ва йўқ қилиб ташланди, диндорларнинг ҳуқуқлари мунтазам поймол қилинди, болаларга мусулмон динини ўргатишга тўскинлик кўрсатилди, масжиднинг даромадлари мислсиз солиқларга тортилди. Юқорида санаб ўтилганларнинг барчаси, Ислом олимларининг қўлида бўлган материаллар билан тасдиқланади. Совет даврининг архивларида ўша пайтларда мусулмонларга нисбатан амалга оширилган чидаб бўлмас даражадаги ҳуқуқбузарликларга гувоҳлик берувчи катта миқдордаги ҳужжатлар сақланиб қолган. Улар бугунги кунда бизнинг томонимиздан қоралаш учун аниқ манба сифатида фойдаланилмоқда. Мана, мисол учун, 1930 йил 8 майда ВЦИК ҳайъатининг аъзоси, ўртоқ П. Смидович бу борада М.И.Калининга шундай деб ёзади:

“Мусулмон динига доир ҳолат, бошқа динларга нисбатан ёмонроқ, лекин умуман олганда, барча динлар учун хос бўлган манзарада. Коллективлаштириш бўйича букишларни партия ғайрат билан амалга оширмоқда, диний фронтдаги букишлар давом этмоқда”.

Ўша пайтда Турар Рисқулов ёзади:

“Очликдан ўлган мусулмонлар сони жуда кўпчиликни ташкил этади”. Динга нисбатан бунчалар ваҳшиёна муносабатга мақбул изоҳни топиш мумкинми, Исломга алоқадор бўлган ҳамма нарсани йўқ қилиш билан боғлиқ сталинча аҳмоқона сиёсатда заррача бўлсада ақл бор бўлганмикин? Социализмни қуришда дин нимаси билан ҳалакит берган экан? Мен бу саволни бугунги кунда ўтмишнинг тобора сўниб бораётган импульсларини ўзининг аянчли қўллаб – қувватлашга уринишларини ҳали ҳам қўймаётганларнинг барчасига бераяпман. Бу бағри тошликка ҳеч қандай онгли изоҳ йўқ, у чуқур аҳлоқсизлик ёндошувилинг исботидир, бунда халқларнинг тақдири золим ҳукмдорларнинг қилиқларига боғлиқ бўлиб қолади. Агарда большевикларнинг раҳнамолари тарихий ва маданий меросни сақлаб қолиш ва эҳтиёткорона муносабатда бўлиш лозимлиги ҳақида бир нималарни минғирлаганликларини ҳисобга олсақ, таажжуб, ва ниҳоят, барча чегаралардан ўтиб кетади. Йиригманчи асрнинг бошларига қадар Ўрта Осиёлик Ислом олимлари бутун мусулмон оламининг маънавий ҳаётида илфорлик қилишган ва дунёнинг барча бурчакларида юксак ҳурматга сазовор бўлишган, лекин 20 – йилларнинг охири – 30 – йилларда ушбу кенг минтақанинг маънавий марказлари яксон қилинди. Шунга қарамасдан, Буюк Ватан уруши бошланганда, тобора заифлашиб бораётган мусулмон маънавияти нацизмга қатъият билан қаршилик кўрсатиб, бу даҳшатлар ва қўрқинчли адолатсизликдан чиқа олди,

Бундан бир неча йил олдин берийнинг жаллодлари Гитлернинг вакили деб атаганларнинг барчаси, ўз қадрдон ерларини ҳимоя қилишга бирлашдилар, барча диндорларга фашизм билан аёвсиз курашишга чорлаб, мурожаат қилдилар: “Фашистлар бизнинг тинч майдонларимизни қонга беладилар. Улар ҳеч қандай айби бўлмаган аёлларни, қарияларни ва болаларни ўлдирмоқдалар. Гитлер илм- фан ва маданиятни йўқотишни, зўравонлик ҳукмонлигини ўрнатишни ва мусулмон

динини таг – томири билан қуритишни ният қилди. СССР марказий мусулмонлар диний бошқармаси барча мусулмонларни ерлармизни ҳимоя қилиш учун кўтарилишга, масжидларда Қизил Армиянинг ғалабаси ва ҳақ иш йўлида жанг қилаётган ўғлонларимиз учун дуо қилишга чақиради”. Ҳатто Сталин ҳам совет руҳонийларининг ватанпарварлиги ва мардлигидан бир мунча таъсирланади, чунончи у бундан олдин ўз лагерларида қанчадан – қанча ибодат қилувчи ва уларнинг имомларини отиб ташлаганлигини жуда ҳам яхши биларди. 1943 йилда келган илиқлиқ узоқ давом этмади. 50 – йилларнинг охирларида дин 1980 йилга қадар коммунизмни қуриш дастури билан боғлиқ яна бир қатор маъмурий тақиқларга дуч келди. Жиддий илохиёт ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди, омон қолган Бухоро мадрасасида таълим дастури ҳукумат томонидан қатъий чекланган, талабаларни қабул қилиш чегараланган эди, кўпчилик Ислом илмлари шунчаки ўқитилмасди, кўпинча ўқишга кирувчилар қўрқитилиб, дўқ – пўписа қилинарди ва у ерга ўқишга кириш ҳуқуқи эвазига КГБ билан яқиндан ҳамкорлик қилиш талаб этиларди. Шунинг учун ҳам бу мадраса битирувчилари замонавий муслмон олами ютуқлари билан яхши таниш эмасликлари, бор – йўғи расм – русум масалаларини билишлари ва доимий моддий қийинчиликларни ҳис қилишлари унчалик ҳам ажабланарли эмас. Давлатимизнинг мустақиллиги эълон қилингандан кейингина мусулмонлар ва бошқа эътиқод қилувчилар носоғлом тушунчадан келиб чиқадиган таъқиб қилинишдан ва турли хил маъмурий чекловлардан озод бўлдилар. Охирги йилларда биз янгиланишларнинг, биринчи навбатда, сифатли янгиланишларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз, диний ташкилотларнинг фаол иштироки сабаб Қозоғистоннинг маданий ҳаёти ҳам янги рангларда жилоланмоқда. Бизнинг ҳалқимиз дунёвий фикрлаш ва ҳаёт тарзини танлаган бўлсада, бу бизнинг эътиқодимизга ҳеч қандай таъсир кўрсатмаяпти, энг асосийси, бизнинг давлатчилигимизга яққол ифодаланган мақсадга қаратилган инсонпарварлик хосдир. Ўз тарихидаги кўплаб воқеалардан хулоса чиқарган Қозоғистоннинг кўпмиллатли ҳалқи чуқур ҳурмат кўрсатиладиган диний анъаналар бебаҳо бойлиқ, умуммиллий қадриятларнинг муҳим бир бўлгадидир. Ислом бу орада келажакка назар ташлайди, у яна ва яна янги авлодларнинг қаршиисига

чиқаверади, Сталин анча вақтлардан бери тарихнинг ахлатхонасида бўлган бир пайтда, Ислом абадийликни нишонлайди. Бу бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди, ахир Аллоҳ таоло ҳақ экувчисига доим мададкор бўлади.

## Адабиётлар

1928 год. Поездка И. В. Сталина в Сибирь. Документы и материалы // Известия ЦК КПСС. — М., 1991. — № 5. — С. 193, 196—199. — ISSN: 0235-7097 (начало репрессий против крестьянства и последующая эпоха ГУЛАГа в СССР).

80 лет назад вышло постановление, начавшее Большой террор [«Возникло соревнование — кто больше арестует»] // Портал «Газета.ру» (публицистика). Интервью с учёным Л. А. Лягушкиной, МГУ. — М., 2017. — 2 июля. — Электронный ресурс: [www.gazeta.ru](http://www.gazeta.ru).

«ВЧК/ГПУ Документы и материалы» / Ред.-сост. д-р ист. наук Ю. Г. Фельштинский. — М.: Издательство гуманитарной литературы, 1995. — 272 с.

Красный террор глазами очевидцев / Составл., предисл., comment. д.и.н. С. В. Волкова. — 1-е изд. — М.: Айрис-пресс, 2009. — 448 с. — (Белая Россия). — 3000 экз. — ISBN 978-5-8112-3530-8.

Красный террор глазами очевидцев / Составл., предисл., comment. д.и.н. С. В. Волкова. — 2-е изд. — М.: Айрис-пресс, 2014. — 448 с. — (Белая Россия). — 3000 экз.

Красный террор в Москве: Свидетельства очевидцев / Составл., предисл., comment. д.и.н. С. В. Волкова. — М.: Айрис-Пресс, 2010. — 496 с. — (Белая Россия). — 3000 экз. — ISBN 978-5-8112-3802-6.

Красный террор в Петрограде / Составл., предисл., comment. д.и.н. С. В. Волкова. — М.: Айрис-Пресс, 2011. — 528 с. — (Белая Россия). — 3000 экз. — ISBN 978-5-8112-4336-5.

Наша малая Родина: Хрестоматия по истории Новосибирской области, 1921—1991 // Сост. В. И. Баяндин, В. А. Ильиных, С. А. Красильников, И. С. Кузнецов и др. / Материалы Государственного архива Новосибирской области. — Новосибирск: ЭКОР, 1997. — 768 с. — ISBN 5-85618-093-3 (в том числе материалы по тайному визиту И. В. Сталина в Сибирь в 1928 г. и начале искусственного первого голodomора 1928—1929 гг., о начале ликвидации в СССР крестьянства как класса).

Абраменко, Л. М. Предисловие Белоконь, С. И. // Последняя обитель. Крым, 1920-1921 годы. — 1-е изд. — Киев: МАУП, 2005. — 480 с. — ISBN 966-608-424-4.

Абраменко Л. М. «Багреевка»: Списки мирных жителей и офицеров, расстрелянных большевиками в Ялте, в начале 1920-х годов

Александров К. М. Зачем Сталин устроил Большой террор и утопил страну в крови: «Осуждённым к расстрелу рубили головы топором» [интервью] // ИА «Лента.ру». / Корр. Андрей Мозжухин. — М., 2017. — 5 августа. — Электронный ресурс: [www.lenta.ru](http://www.lenta.ru).

Дойков Ю. В. Красный террор. Россия. Украина. 1917–1924. — 1-е изд. — Архангельск, 2008. — 680 с.

Дойков Ю. В. Памятная книжка: Красный террор в советской Арктике, 1920–1923: (документальные материалы). — Архангельск: Центр документации, 2011. — 212 с.

ВЧК уполномочена сообщить... —М.: Кучково поле, 2004. — Электронный ресурс: Еженедельники Чрезвычайных Комиссий по борьбе с контрреволюцией и спекуляцией № 1-6.

Кенез П. Красная атака, белое сопротивление. 1917—1918/ Пер. с англ. К. А. Никифорова. — М.: ЗАО Центрполиграф, 2007. — 287 с. — (Россия в переломный момент истории). — ISBN 978-5-9524-2748-8.

Кожемяко В. С. «Правда»: Ленин в расстреле царской семьи не виновен! Сенсационное интервью старшего следователя по особо важным делам ГСУ СК при Прокуратуре Российской Федерации В. Н. Соловьёва // «Правда», 06.06.2009.

Кожин Ю. А. Заложники в годы гражданской войны в России // История. — 2000. — № 21.

Красный террор в годы Гражданской войны: По материалам Особой следственной комиссии по расследованию злодеяний большевиков. / Под ред. докторов исторических наук Ю. Г. Фельштинского и Г. И. Чернявского. — London, 1992. — Электронный ресурс: [5].

Красный террор в годы гражданской войны: По материалам Особой следственной комиссии по расследованию злодеяний большевиков при главнокомандующем вооружёнными силами на Юге России. С приложениями, фотографиями и примечаниями /

Под редакцией док. ист. наук Ю. Г. Фельштинского и докт. ист. наук Г. И. Чернявского.

Красный террор на востоке России в 1918—1922 гг. / Сост. С. С. Балмасов. — М.: Посев, 2006. — 384 с. — 1500 экз. — ISBN 5-85824-167-0.

Куртуа С., Верт Н., Панне Ж.-Л., Пачковски А., Бартошек К., Марголен Ж.-Л., при участии Р. Коффер, П. Ригуло, П. Фонтен, И. Сантамария, С. Булук Чёрная книга коммунизма: преступления, террор, репрессии. Справочное издание. — Ч.1. Государство против своего народа.

Записка В. И. Ленина Ф. Э. Дзержинскому. (РГАСПИ. Ф.2. Оп.1. Д.23211. Л.2-2об. Автограф.) // Ленин В. И. Полное собрание сочинений. Т. 54. — М.: Издательство политической литературы, 1965. — С. 265-266.

Литвин А. Л. Красный и белый террор в России 1918—1922 гг.. — М.: Эксмо, 2004. — 448 с. — (СОВ. Секретно). — 3000 экз. — ISBN 5-87849-164-8.

Красный террор / Литвин А. Л. // Конго — Крещение. — М. : Большая российская энциклопедия, 2010. — С. 648. — (Большая российская энциклопедия : [в 35 т.] / гл. ред. Ю. С. Осипов ; 2004—2017, т. 15). — ISBN 978-5-85270-346-0.

Мельгунов С. П. Красный террор в России. 1918—1922. — Берлин, 1924 (современное издание — М., 1990).

Памяти погибших. / Под ред. Н. И. Астрова, В. Ф. Зеелера, П. Н. Милюкова, кн. В. А. Оболенского, С. А. Смирнова, Л. Е. Эльяшева. — Париж, 1929. — 240 с.

Ратьковский И. С. Красный террор и деятельность ВЧК в 1918 году. — СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета, 2006. — 286 с. — 1000 экз. — ISBN 5-288-03903-8.

Ратьковский И. С. Столица красного террора (Петроград осенью 1918 года) // Мир экономики и права. — 2013. — № 7-8.

Ратьковский И. С. Хроника красного террора ВЧК. Карающий меч революции. — М.: Эксмо, 2017. — 320 с. — ISBN 978-5-04-089314-0.

Толстой-Милославский Н. Д. Жертвы Ялты.

Тополянский В. Д. Красный террор: восемь месяцев 1918 года (рус.) // Континент. Литературный, публицистический и религиозный журнал : Журнал. — 2000. — № 103.

Чичерюкин-Мейнгардт В. Г. Особая следственная комиссия по расследованию злодеяний большевиков.

Шишкин В. И. Красный бандитизм в Советской Сибири // Советская история: проблемы и уроки / Отв. ред. В. И. Шишкин. — Новосибирск: Издательство «Наука», Сибирское отделение, 1992. — С. 3-79.

Limbach H. Ukrainische Schreckenstage: Erinnerungen eines Schwezers. — Bern: Francke, 1919.

Vaucher R. L'enfer bolchevik: à Pétrograd sous la commune et la terreur rouge. — Paris: Libr. acad. Perrin, 1919.

Vivien L. Hors de Bolchevie. Journal d'un Suisse, des Refugies de la «Scarpe», dans son voyage de Kief a Geneve, 30 mai-5 juillet 1919. — Biennie, 1919.

Поминальные списки Карелии. 1937—1938: Уничтоженная Карелия. Ч. II. Большой террор / Сост.: Ю. А. Дмитриев; Правительство Республики Карелия; УФСБ России по Республике Карелия; Акад. социально-правовой защиты. — Петрозаводск, 2002.

Рейфилд Д. Сталин и его подручные = англ. Stalin and his hangmen. — М.: Новое литературное обозрение, 2008.

Роговин В. З. Была ли альтернатива? Том 4. «1937». — М.: Терра, 1996.

Harris J. The Great Fear: Stalin's Terror of the 1930s. — Oxford University Press, 2016.